Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2007 йил, **20** июль, жума № **29** (2208).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **20** июля, **2007** год, № **29** (2208).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу - цена договорная

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни бугунги катта меҳнат ғалабангиз – 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этишга эришганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йил ғаллачилик соҳасида қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, авваламбор меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг юқорилиги билан, ҳеч шубҳасиз, барчамизга қувонч ва ғурур-ифтихор бағишлайди.

Мамлакатимиз бўйича суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 48 центнерни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 4 фоизга ўсгани бунинг яққол тасдиғидир. Айниқса, ҳосилдорлик даражаси Андижон вилоятида – 60 центнер, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида эса 50 центнердан ортиқ бўлгани, Олтинкўл ва Кўрғонтепа, Вобкент ва Пайариқ, Сариосиё ва Денов, Қува, Китоб ва Яккабоғ каби туманларда эса 55-60 центнердан ошгани миришкор деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати ва беқиёс маҳоратининг ёрқин далили, десак, ўйлайманки, бутун халқимизнинг дилидаги гапни айтган бўламан.

Қишлоқ хўжалигида камдан-кам учрайдиган бу улкан муваффақиятни таъминлаган омиллар ҳақида гапирганда, унинг негизида биринчи галда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг эгалик ҳиссиёти, уларнинг меҳнатга, ҳаётга фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси, дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йилги етиштирилган мўл ҳосилнинг 100 фоизи фермер хўжаликлари томонидан тайёрлангани бунинг яққол ифодасидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар, илғор агротехника ютуқларини жорий этиш, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, зараркунандаларга қарши курашиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилгани ҳам бу ютуққа эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш ўринлидир.

Айни пайтда ишни ташкил қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини моддий-техник ресурслар, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, уларга хизмат кўрсатадиган вазирлик ва идораларнинг ўз вазифасини масъулият билан бажаргани, ҳосилни нестнобуд қилмасдан конвейер усулида юқори суръат билан ўриб-йиғиб олиш, ғаллакорлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Сиз, азиз деҳқонларнинг пешона тери, азму шижоатингиз билан етиштирилган ғалла ҳосили ҳар қайси хонадонда тўқчилик белгиси бўлиб, эл-юрт дастурхонини тўлдириб, одамларнинг кўнглида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаши ва бутун халқимиз Оллоҳ берган бу бебаҳо неъмат учун шукрона келтириб, уни юксак қадрлаб, сизларнинг, шаънингизга чуқур миннатдорлик билдириши табиийдир.

Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли амалга ошириш, шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилган ҳолда, деҳқонларимизнинг ертўласига тушадиган дон масаласини оқилона ҳал қилиш, қишлоқда яшаб, шу юртга хизмат қилаётган бошқа одамларнинг таъминотини ҳам унутмаслик каби эзгу ишларни саховатли фермерлар, жойлардаги раҳбарлар охирига етказади, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, ғаллакорларимиз эришган бу меҳнат зафари аҳолини нафақат дон маҳсулотлари билан таъминлаш, айни вақтда шунинг ҳисобидан даромад топиш, янги мавсумга ҳозирлик кўришда, жумладан, зарур техника воситаларини сотиб олиш, ерни тайёрлаш, истиқболли навларни танлаш сингари масалаларда ҳар томонлама кенг имкониятлар яратади. Энг муҳими, бу улкан ютуқнинг қишлоқлардаги янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига таъсири жуда кучли бўлишини, бир сўз билан айтганда, юртимизни янада обод ва фаровон этишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бугунги ҳурсандчилик кунда моҳир ғаллакорларимиз, механизатор ва комбайнчиларга, мутахассис ва мутасадди ходимларга сидқидилдан қилган меҳнатлари учун чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Барчангизни бугунги ажойиб ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, ҳақиқий қаҳрамонлик ва фидоийлик тимсоли бўлган сиздек олижаноб инсонлар олдида бош эгиб таъзим қиламан.

Доимо соғ-омон бўлинг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг!

Хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!

Ҳорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Республика ҳукуматининг 2007 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг I ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2007 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи ярим йилликда кўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг изчил ривожланишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Масалан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши – 9,7 фоизни ташкил этди, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши ҳажми – 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш – 19 фоизга, пудрат қурилиш ишлари – 20,5 фоизга, чакана товар айланмаси – 16,8 фоизга, пулли хизматлар – 25,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 5,5 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорти 39 фоизга ошди. Унинг асосий қисмини – 70 фоизини хомашё бўлмаган экспорт ташкил этади. Ташқи савдонинг 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги сезиларли ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси 2,7 фоизни ташкил этиб, прогноз параметрларидан ошмади.

Инвестицияларни ўзлаштиришнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланди ва ўтган йилнинг тегишли даврига таққослаганда 140,2 фоизни ташкил этди. Жалб этилган хорижий инвестициялар 1,9 баравар ўсди, улар умумий миқдорининг қарийб 85 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялардир. 154 янги йирик ва кичик саноат ишлаб чиқариши, шу жумладан, 30 та енгил ва тўқимачилик саноати объекти, 102 километр электр узатиш линияси ишга туширилди, шу йилнинг сентябрь ойигача ҳаракатни бошлаш учун Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилиши тугалланмоқда.

Иқтисодиётни кенг кўламли модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш давом эттирилди. Капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярми, шу жумладан, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларнинг 65 фоизи кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилди. Пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноати, қурилиш материаллари саноати ва қора металлургия корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари қабул қилинди.

Тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесга солиқ юкини камайтириш ва унинг фаолият кўрсатиши шарт-шароитларини эркинлаштириш юзасидан илгари қабул қилинган қарорларга қатъий риоя қилиш натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,1 фоизгача ўсди.

Қишлоқ хўжалигида ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда тугалланди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2006 йилнинг шу даврига таққосланганда бошоқли дон экинлари, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт ва пилла кўп етиштирилди.

Аҳолини иш билан банд этиш ва даромадлари даражасини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар биринчи ярим йилликда 314,8 минг янги иш ўрни, шу жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида – 75 мингдан ортиқ, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига – 40,2 минг иш ўрни яратилишини таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари 21,3 фоизга ўсди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳисобот даврида 2 ёшгача бўлган болани парвариш қилиш билан банд бўлган 440 минг нафар ишламаётган оналар, 18 ёшгача болалари бўлган 880 минг оила нафақа олди. 44 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди, 28,5 минг кам таъминланган ва кўп болали оила бепул қорамол олди. Ногиронлар учун 2049 иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларга 20,4 миллиард сўм кредит, шу жумладан, ўз бизнесини ташкил этишга 10,6 миллиард сўм имтиёзли микрокредит берилди.

Иқтисодиёт вазири Б.Ҳўжаев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳаитов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Камолов, Андижон ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимлари, шунингдек, республиканинг бир қанча акциядорлик компаниялари ва банклари раҳбарларининг ҳисоботларида белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурларининг амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди.

Идоралар раҳбарлари, шунингдек, вилоятлар ҳокимларининг эътибори хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган агрофирмаларни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш лойиҳаларига инвесторларни жалб этиш юзасидан кўрилаётган чораларининг етарли эмаслигига қаратилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервис объектларини молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ажратилаётган маблағларни ўз вақтида ўзлаштириш масаласи танқидий кўриб чиқилди.

Мажлис қатнашчилари олдига 2007 йил учун белгиланган вазифаларга мувофиқ устувор вазифалар ва мақсадли комплекс ривожлантириш дастурлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида йўл қўйилган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг амалга оширилиши ва Автомобиль йўлларини ривожлантириш концепциясида 2007 йил учун назарда тутилган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш топшириқларининг бажарилиши муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г.Саидова, «Ўзбекнефтгаз» миллий-холдинг компанияси раиси Н.Аҳмедов, халқ таълими вазири Т.Жўраев, Сурхондарё вилояти ҳокими А.Эшмуродов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Р.Рўзиқулов, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси раиси М.Абдуллаев, республика йўл жамғармаси директори Н.Жулибеков сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳисоботлари инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилинишини танқидий таҳлил қилишга, шунингдек, объектларни сўзсиз ва ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлашнинг аниқ вазифаларига бағишланди.

Марказий банк бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг нутқи ва ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов, «Асака» банки бошқаруви раиси К.Орипов, «Ипотека-банк» бошқаруви раиси А.Абдуллаев, Фарғона вилояти ҳокими А.Абдуллаевнинг ҳисоботлари банк-молия тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламларини кенгайтириш, депозитлардан нақд пул узлуксиз берилишини таъминлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш вазифалари ижросига бағишланди.

Тижорат банклари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашнинг инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш, уларнинг инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини кредитлашдаги иштирокини кенгайтириш юзасидан банкларнинг фаолиятини фаоллаштириш зарурлигига қаратилди.

Бош вазирнинг ўринбосари Р.Қосимов, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликларининг раҳбарлари Ф.Назиров, Б.Алимуҳамедов, бир қанча вилоятлар ҳокимларининг чиқишларида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда пахта етиштириш бўйича комплекс агротехника тадбирларининг бажарилиши тўғрисида қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоиловнинг ахбороти ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгиланди. 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, қисқа ва узоқ муддатли даврларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувни тежаш бўйича дастурларни сифатли тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун республика ҳукуматига киритишни жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича республика ҳукумати мажлисида қарор қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2007 йил 12 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ИНСОНПАРВАРЛИК – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга муҳим эътибор қаратилди. Сўзимизнинг исботи ўлароқ Республикамиз Президенти томонидан 2005 йил 1 августдаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 29 июндаги «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланиши бу борадаги ишларимизда муҳим пойдевор бўлди.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



НАВОЛАРДА ЯШАЁТГАН БУЮКЛИК

(Бугун халқимизнинг севимли ҳофизи Комилжон Отаниёзов таваллудига 90 йил тўлди)

Таниқли, халқ орасида обрў-эътиборга эга инсонларимиз, буюкларимиздан кўп нарсани ўрганишимиз мумкин. Табиийки, буюк, улуғ аждодларимиз, дунё тарихида муносиб номга эга бўлиб, умумбашар цивилизациясини ривожлантиришга беҳисоб улуш қўшган салафларимиз билан фахрланамиз, уларга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

(Давоми 12-бетда).



Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ҲАР СОҲАДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН

Ўзбек миллий цирк санъатининг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари узоқ тарихга бориб тақалади. Азалдан халқимизнинг тўй-ҳашамлари, сайил ва байрамлари қизиқчи-масхарабозлар ва дорбозларсиз ўтмаган. Улар кўрсатган турли халқ ўйинлари эса асрлар оша шаклланиб, сайқал топиб бугунги кунгача етиб келган.

(Давоми 8-бетда).


2 ИСТИҚЛОЛИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

ПРОДОЛЖАТЕЛИ СЛАВНЫХ ТРАДИЦИЙ


3 «ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ФАРОВОНЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ


10 БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

НАСТРОЕНЫ НА ПОБЕДУ


12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

ИСТИҚЛОЛИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОСБОНЛАРИ



«Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланган, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур», дейилади Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида. Дарҳақиқат, бугунги кунда сержантлар корпуси, мақоми, уларга қаратилаётган эътибор ва билдирилаётган ишонч жуда юқори. Замон талабларига ҳар томонлама жавоб берувчи сержантлар тайёрлаш мактабида билим ва малакаларини ошириб, мазкур даргоҳни яқинда муваффақиятли тамомлаган шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар зиммаларидаги масъулият ва жавобгарликни теран ҳис этган ҳолда бор куч ва иқтидор, касбий малака ва тажрибаларини кундалик фаолиятлари, хизмат бурчларини сидқидилдан адо этиш, қўйилган жанговар вазифани турли шарт-шароит ва вазиятларда тез, сифатли бажаришга, шахсий таркиб жанговар шайлигининг доимо юқори даражада бўлишини таъминлашга сафарбар қилишлари, қолаверса, энг улуғ ва энг азиз байрамимизнинг ўн олти йиллигини хизматдаги янги ғалаба ва ютуқлар билан муносиб қаршн олишлари шубҳасиз.

В школах подготовки сержантов

ПРОДОЛЖАТЕЛИ СЛАВНЫХ ТРАДИЦИЙ

С большим эмоциональным подъемом прошла церемония выпуска в школе подготовки сержантов, где служит офицер Сейфат Сулейманов. В этом праздничном мероприятии со всей очевидностью проявился рост престижа профессии военного профессионала, народного уважения к почетной профессии защитника Родины.

Замерли на плацу учебного заведения торжественные колонны военнослужащих. Зачитывается приказ командующего войсками округа о присвоении выпускникам звания младший сержант и назначении на должности, откомандировании в распоряжение соответствующих командиров.

В торжественной обстановке выпускникам школы подготовки сержантов вручаются сертификаты об окончании данного учебного заведения. Отличникам учебы младшим сержантам Максуду Джаббарову, Ризамату Норбоеву, Джахонгиру Халилову, Шухрату Пармонову, Дильшоду Пирназарову, Шухрату Бозорову, старшине 2-й статьи Мухаммаду Ульмасову выпала честь получить документы из рук командующего войсками округа.

Со словами добрых напутствий и пожеланий в адрес выпускников обратились командующий войсками Центрального военного округа полковник Павел Эргашев, мать выпускника младшего сержанта Хурщида Урдушева Халима-апа, преподаватель школы подготовки сержантов майор Нурулло Давронов, представитель местного отделения ОДМ Узбекистана «Камолот» Баходир Рахмонов.

А от имени самих выпускников с ответным словом выступил младший сержант Жавлонбек Ёркулов, прочитавший свои стихи, посвященные наставникам.

Сразу же после окончания торжественной части для участников праздника был дан праздничный концерт артистами ансамбля гарнизонного Дома офицеров.

Пользуясь моментом, интересуемся впечатлениями родственников военнослужащих, пополнивших ряды военных профессионалов.

– Я искренне горжусь своим сыном, – волнуясь, говорит мама младшего сержанта Шерзода Рахмонова Мухаббат-апа. – Мне самой выпала честь проходить службу по контракту в одном из воинских коллективов. А теперь будем служить рядом: сын направлен для прохождения службы командиром танка в наше подразделение.

У младшего сержанта Аваза Умарова мама тоже имеет отношение к делу защиты Родины. Гульнора-апа трудится бухгалтером в автомобильной школе ОСО «Ватанпарвар», поэтому только обрадовалась решению единственного сына стать в строй военных профессионалов.

– Армия воспитывает в мужчине лидерские качества, ответственность и умение находить выход в трудных ситуациях, – говорит супруга сержанта Махбуба. – Это проявляется не только на службе, но и в семейных взаимоотношениях. Для меня и нашего сынишки Озодбека наш папа является не только образцом и объектом для гордости, но и надежной опорой в жизни.

Вдвойне повезло в этот день и младшему сержанту Алимардону Юлдашеву. Его приехали поздравить с получением сертификата и мама Максад-апа, и любимая теща Раъно-апа.

– Искренне желаю своему зятю новых успехов в ратном труде, – говорит Раъно-апа. – Мой супруг Акрам-ака был летчиком, служит в авиации сын Шавкат, он уже майор, а два зятя – младшие сержанты. Когда старшая дочь вышла замуж за младшего сержанта Каюма Хаитова, я ее от души благословила. А теперь вот и вторая вышла замуж за военного профессионала.

Независимость привела к росту не только чисто офицерских династий, но и военных семей. Это обстоятельство еще раз красноречиво показывает степень престижности профессии защитника Отечества, готовность лучших сынов узбекского народа встать на защиту родной земли.



Майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Сержантлар тайёрлаш мактабида курсантларнинг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан офицер А.Косьяненко, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Саид Қодиров, офицер Шавкат Ўринов, курсантлар ота-оналари номидан Гулирайхон Шамиева битирувчиларни табриклаб, бугунги кунда армиямизда сержантларнинг тутган ўрни жуда юқорилигини, улар армиямизнинг суянчи ва таянчи, аскарларнинг устози, офицерларнинг биринчи ёрдамчилари эканлигини таъкидладилар. Битирувчилар номидан сўзга чиққан сержант Беҳзод Панжиев сержантлар тайёрлаш мактабида барча шарт-шароитлар замон талабларига мос даражадалиги ҳақида гапирар экан, олган билим ва кўникмалари асосида Қуролли Кучларимизнинг профессионал посбонлари бўлишга ваъда берди.

Тантанали митинг сўнгида концерт дастури намойиш этилди. Мактабимизда 9 ой муддатда гуруҳ, секция, танк командирлари, механик-ҳайдовчи, фельдшерлар, чегара, қоровул қўшинлари кичик командирлари тайёрланади, – дейди сержантлар тайёрлаш мактаби цикли бошлиғи офицер Тўйчи Худойқулов. – Таълим-тарбия бугунги талабларга жавоб бериши учун мактабимизга малакали ҳарбий мутахассислар жалб этилган. Офицерлар Музаффар Назаров, Мирзо Турдиев, ҳарбий топография ўқитувчиси Эльбек Мадалимовлар шулар сирасидан.

2006-2007 ўқув йилида ўқитиш дастурига янги фанлар киритилди. Курсантлар хорижий тилларни мукаммал ўрганишлари, компьютер граматикаси, фермерлик хўжалиги, менежмент, ҳуқуқшунослик каби янги йўналишлардан сабоқ олишлари мумкин. Битирувчилардан кичик сержантлар Б.Панжиев, Ш.Норқулов, Б.Ражабов, Ш.Казаков, М.Ҳакимов, Б.Халилов, Б.Нормаматовларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса арзийди. Кичик сержантлар Акмал Деққонов, Мурод Иномов, Файратжон Акчиев ва Илҳом Ҳамроқуловларга кўкрак нишонлари топширилганини таъкидлашни истардим.

– Менинг уч нафар ўғлим бор, – дейди Нишон туманидан Замира Ғайбуллаева. – Бугун кенжа ўғлим Беҳзод Панжиев ўқишни аъло баҳоларга битирди. Қувончим чексиз. Мендан бахтли она бўлмаса керак. Кенжам ёшлигидан Ватан посбони бўлишни орзу қилди ва шунга эришди. Ўйлайманки, кейинги хизматларида ҳам етакчи бўлиб қолади ва хавфсизлигимизни, тинчлигимизни сақлаш борасида ўз ҳиссасини қўшади.

Зуҳра ОЙМАМАТОВА.

МУНОСАБАТ

КАСБИМ – МЕНИНГ ФАХРИМ

«Ватанпарвар» газетасидан «Ҳарбий хизмат жозибаси» номли мақолани ўқиб, таъсирландим. Мақоладан олган таассуротимни сизлар билан баҳам кўришга қарор қилдим.

Мустақиллик шарофати билан барча соҳаларда улкан ютуқларга эришдик. Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, шаҳар ва қишлоқларимиз обод. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларимиз учун барча эшиклар очиқ. Бунинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликнинг меваси, деб биламан. Юртимиз ўғлонлари армия сафларида хизмат қилишни ўзлари учун катта шараф деб билишади. Улар учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Мен ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганимдан, она Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши йўлида камарбаста бўлаётганимдан фахрланаман. Ушбу мақолада айтилган сўзлар мени ва мен қатори барча ҳарбийларни руҳлантириб юборгани шубҳасиз, албатта.

Эр йигит зиммасига энг масъулиятли ишлар юкланади. Шулардан бири она Ватанни ҳимоя қилиш, унинг осойишталигини сақлаш, эл-юртни ёмонлардан асраб-авайлашдир. Бу бурчимиз бўлса, яна бир томондан бизга бўлган ишонч. Хизмат давомида шахсий ва оилавий ишлар, муаммолар ҳам юзага келиб туради. Лекин бу дегани, ўз вазифангни, масъулиятингни унутдинг, дегани эмас. Агар посбон ўз вақтида ўқиса, меҳнат қилса, изланса, профессионал даражага етган бўлса, хизмат мобайнидаги қисқа танаффус унинг ёки бўлинмасининг жанговар шайлигига ёмон таъсир қилмайди. Чунки, унинг билими ва тажрибаси бор. Билими йўқ посбонгина турли баҳоналарни рўкач қилиб, хизмати мобайнида кўпроқ танаффус қилишга ҳаракат қилади. Ўз ишини, касбини севган ва ҳурмат қилган посбон аввало, ўз вазифасини, яна қандай вазифани денг, энг олий ва муқаддас ишни, яъни туғилиб ўсган тупроғини ҳимоя қилишга ҳамиша шай ва қодир бўлади. Ҳарбий Қасамёд эр йигитнинг Ватанга, халққа ва Президентга содиқлик онтидир. У доимо шу қасамёдга содиқ қолиши керак. Ҳарбий хизматчи давлат кишиси. Посбон юртни ҳимоя қилса, у ва унинг оиласи давлат ҳимоясида. Бир нарсани тўғри англамоқ керак, ҳар бир посбоннинг ўз ўрни ва ўз вазифаси бор, агар у кўпроқ шахсий ишлар билан чалғиб қолса, хизматдан узоқлашиши турган гап. Бу эса, ўз ўрнида жанговар шайликка путур етказади. Ушбу мақолада кўтарилган мавзу жуда долзарб. Ундан тўғри хулоса чиқармоқ керак ва ҳар куни, ҳар сонияда ҳарбий маҳоратни ошириб, вазифамизга ўта масъулият билан ёндашмоғимиз зарур. Чунки бизга бутун эл-юрт, Ватан улкан ишонч билдирган. Мамлакатимизда эркин ва фаровон жамият ҳукм сурар экан, ҳурлик шамоли эсиб турар экан, биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга эришишимиз аниқ.

Кичик сержант Абдуғоффор АЛИҚУЛОВ.
Жиззах гарнизони.

МУҚАДДАС БУРЧ

«Ватанпарвар» газетасида чоп этилган «Ҳарбий хизмат жозибаси» номли мақолани ўқиб, ҳар бир офицер, сержант, аскар ва Қуролли Кучлар хизматчисининг давлат кишиси эканини яна бир бор чуқур англадим. Ислоҳотлар изчил олиб борилаётган бугунги кунда ёшларни миллий истиқлол ғояси ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мазкур мақола ғоят аҳамиятли ўрин тутади, деб ўйлайман. Чунки мақолада кўтарилган мавзу жуда долзарб ва ўқиган одамга сабоқ бериши билан ҳам қимматлидир.

«Яна бир бор таъкидлаймиз: ҳарбий хизматчи давлат кишиси ва у ҳеч қандай сабаб, баҳона билан ҳарбий хизматдан чалғиб қолиши керак эмас (шунинг учун ҳам ҳарбий хизмат давлат хизматининг алоҳида тури ҳисобланади). Такрорлайман, қонунда кўзда тутилган фавқулодда ҳолатлардан ташқари, ҳеч қандай сабаб ва баҳона бўлмаслиги лозим. Ҳарбий хизматчи тўлалигича хизматга, жанговар маҳоратини ошириб боришга, Ватан хавфсизлигини ишончли таъминлашга масъул бўлиши керак. Ўйлайманки, ҳарбий хизматчи оилавий, турмуш муаммоларини ҳал қилиш учун ўзининг навбатдаги, қонунда кўзда тутилган меҳнат таътилидан фойдаланса, тўғри бўлади», – дея таъкидланади мақолада. Менимча, ҳар бир посбон ушбу айтилаётган фикрларни ҳаётда ҳам, хизматда ҳам асосий тамойилига айлантириб, шунга амал қилиб юриши лозим. Чунки ҳарбий хизматчининг зиммасида ўта масъулиятли ва шарафли вазифа борки, бундан чалғиб кетишга асло ҳаққи йўқ.

Бугун истиқлол берган имкониятлар сабаб, ҳарбий соҳанинг нуфузи ошди. Жамиятимиз ҳаётида Қуролли Кучларнинг ўрни ва роли юксалиб бормоқда. Ёшларимизда ҳарбий хизматга қизиқиш ортиб боряпти. Ислоҳотлар самараси ўлароқ бугунги посбон янги, замонавий жанговар техникаларни бошқариш, қурол-яроғларни маҳорат билан ишлатиш, компьютер ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш сирларини эгалламоқда. Профессионал асосга ўтаётган милдий армиямизда сержантлар фаолиятига кенг ўрин берилган. Уларга шахсан давлатимиз раҳбари чуқур ғамхўрлик кўрсатиб, доимий диққат-эътибор қаратиб келмоқда. Ўз навбатида биз посбонлар ҳам ана шу эъзозга муносиб бўлишимиз, билдирилган ишончни оқлаб, сифатли хизматларимиз билан бунга жавоб қайтаришимиз керак, деб ўйлайман. Муваффақиятнинг калити машаққатдир. Тинимсиз машқ қилиб, билим ва маҳоратимизни ошириб борсак, зиммамиздаги масъулият ҳиссини чуқур англаб етиб, унга оғишмай амал қилсакгина ғалабага эришиш кафолатланади. Бу – ҳамиша осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчимизни бажариш демакдир.

Шартнома бўйича хизмат сержанти Тоҳир ҲУСАНОВ.

Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи

ИЛҒОР КИЧИК КОМАНДИР

Ислоҳотлар сабаб, бугун сержант тушунчаси тобора янгича маъно-мазмун касб этиб бормоқда. Сержантлик мақоми юксаляпти. Аскар ва офицер ўртасидаги мустаҳкам кўприк вазифасини ўтовчи сержант – бугун аскарларнинг устози, офицерларнинг биринчи ёрдамчиси дея эътироф этилаяпти. Ҳарбийликни шараф деб, тақдир деб билган юртнинг асл фарзандлари ўз келажагини шу касб билан боғлашмоқда.



Кичик сержант Умиджон Ҳакимовнинг жанговар сафлардаги хизмати бошланганига яқинда олти йил бўлади. Муддатли ҳарбий хизматни аъло тарзда ўтаган ўғлон бугунги кунда илғор сержант, етук профессионаллардан бири бўлиб шаклланмоқда. Айни пайтда бўлинма командири вазифасида қўл остидаги аскарларга ҳарб илми билимларини моҳирлик билан ўргатиб келмоқда.

– Ҳарбий касбга ҳавасим аскарлик кезларимдаёқ янада ортганди, – дейди у биз билан суҳбатда. – Янада, дейишимнинг сабаби ҳарбий хизматчи бўлишни болаликдан орзу қилардим. Мана, бугун бу орзуим рўёбга чиққанига ҳам анча йиллар бўлди. Шу вақт ичида ғоят муҳим ўрин тутган жуда кўп билим ва кўникмаларни эгалладим. Мард, ҳалол йигитлардан дўстлар орттирдим.

Хизмати мобайнида кичик сержант У.Ҳакимов мавсумий ўқув машғулотларида, синов ва имтиҳонларда, шунингдек, ўзининг масъулиятлилиги, талабчанлиги, интилувчанлиги ва билимдонлиги билан кўпгина ижобий натижаларни қўлга киритиши ва сафдошларига ўрнак бўлиши орқали командирларнинг назарига тушди.

– Кичик сержант бўлинма командири вазифасини шараф билан уддалаб келаётган ҳарбий хизматчилардандир, – дейди офицер Нодир Ҳафизов. – У аскарларнинг нафақат устози, балки яқин ўртоғи, офицерларнинг доимий кўмакчисидир. Унинг мустақил фикрлаш қобилияти, кенг дунёқараши, машғулотларни юқори савияда қизиқарли олиб боришга интилиши ва жанговар машиналарнинг техник тавсифларини мукаммал билиши бўлинмасини илғорлар қаторига олиб чиқишига ёрдам бермоқда.

Қўл остидаги аскарлар билан ишлашида сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, ҳарб илмини пухта ўзлаштирганлиги, ҳарбий педагогика ва психология фанларидан янги билимларга эга эканлиги жуда асқотмоқда. Биз бунга кичик командирнинг аскарлар билан олиб бораётган машғулотларини кузатиб, гувоҳ бўлдик. Техник тайёргарлик машғулоти ва артиллерия асбобларини тушунтириши вақтида аскарларни қизиқтирган саволларга аниқ, лўнда ва тушунарли қилиб жавоб берар экан, уларнинг бу соҳадан мумкин қадар кўпроқ билимга эга бўлишлари учун ҳар қандай майда деталларгача тушунтиради. Амалий машғулот давомида эса ҳар бир аскарнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатишлари, қаерда қандай хатога йўл қўйишганини алоҳида таъкидлашлари, керак бўлса, бу жараённи яна қайтадан тушунтириб бериши аскар ва кичик командир ўртасидаги ўзаро ишонч ва чуқур ҳурматга асосланган муносабатларни мустаҳкамламоқда.

Кичик командирнинг ёшлигидан спортга меҳр қўйгани ҳам хизмати давомида қўл келмоқда. У спортнинг енгил атлетика турлари билан беш йилдан буён мунтазам шуғулланиб боради. Гуруҳ аскарлари билан жисмоний тайёргарлик машғулотларини олиб боришда айнан спорт билан доимий шуғулланган унга катта ёрдам бермоқда. Чунки, спортнинг якка кураш турлари аскарда ғолиблик кайфиятини ривожлантирса, спорт ўйинлари жамоадаги жипслликка одатлантиради. Шуни яна алоҳида таъкидлаш керакки, кичик командир Умумармия спорт мусобақаларида ҳам қатнашиб, яхши натижаларга эришган.

– Умид ҳам сафдошим, ҳам яқин дўстим, – дейди шартнома асосидаги хизмат оддий аскари Ҳусан Гуллиев. – Унга суянса, ишонса бўлади. Мен ундан кўп нарсани ўргандим ва ўрганаяпман. Янги келган вақтимда аскарлар билан машғулотлар ўтишга, уларга ўз фикримни етказишга қийналардим. У доим машғулотларимни кузатиб, қилган хатоларимни тузатишга кўмак беради. Уни ҳақиқий профессионал деб айта оламан, мен ҳам у каби ҳарбий соҳани мукаммал эгаллашга ҳаракат қиляпман.

– Аскарлар билан ишлаш менга завқ бағишлайди, – дейди қаҳрамонимиз биз билан суҳбатда. – Уларнинг ҳар бири бир олам. Гуруҳимдаги йигитларга жанговар тайёргарлик, қоровуллик хизмати, тактика, ҳарбий топография, жисмоний тайёргарлик каби машғулотларни юқори савияда, қизиқарли қилиб олиб боришга ҳаракат қиламан. Чунки, посбонларимиз ҳарб илмидан қанчалик чуқур билим олишса, осойишталигимиз ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Гуруҳимдаги оддий аскарлардан – Таваккал Эргашев отиш машғулотидан, Шайдулло Устамов жисмоний тайёргарликдан, Бобомурод Воҳобов эса тактик тайёргарлик бўйича аъло баҳолар олиб, ёзги мавсум ўқув машғулотларида ҳам юқори натижаларга эришиб, сафдошларига ўрнак бўлишмоқда.

– Кичик сержант Ҳакимов, – дейди гуруҳ командири офицер Баҳодир Файзуллаев, – ўз масъулиятини яхши англайди, берилган топшириқларни, бажариши керак бўлган вазифаларни вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажаради. Унинг гуруҳи кичик сержант Жасур Умаровнинг гуруҳи билан мусобақадош. Ҳозир иккала гуруҳнинг ҳам имкониятлари тенг баҳоланмоқда.

Ҳарбий хизмати давомида эришган ютуқлари учун кичик сержант Умид Ҳакимовга округ қўмондонлиги ҳамда ҳарбий қисм командири томонидан бир неча марта миннатдорчилик эълон қилинган, шунингдек, у Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан ҳам тақдирланди. Ўйлаймизки, кичик сержант хизматига берилган ижобий баҳолардан руҳланиб, янада катта ютуқларга эришишга ва ўзига билдирилаётган ишончни оқлашга интилиб яшайди.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

ХИЗМАТ ЖОЗИБАСИ ТУРТКИ БЎЛИБ

«Ҳарбий хизмат жозибаси» сарлавҳали мақола мени ушбу хатни ёзишга ва ўз фикрларим билан ўртоқлашишга ундади.

Ҳарбий хизматчи бўлиш осонми? Унинг турмуш ўртоғи-чи?

Ғурур билан айтишим мумкинки, мен ўз ҳаётимни ҳарбий хизмат билан боғлаганимдан фахрланаман. Бугунги кунда мен сержантлар тайёрлаш мактабида ҳарбий тиббий тайёргарлик йўриқчиси бўлиб хизмат қилиб келмоқдаман. Маълумки, амриямизда сержантларнинг тутган ўрни жуда юқори. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов биз – сержантларни армиямизнинг суянчи ва таянчи, офицерларнинг биринчи ёрдамчиси, деб атаган. Бу юксак баҳо давлатимиз раҳбарияти, Мудофаа вазирлигининг сержантлар корпусига доимий ғамхўрлиги, хизмат ва яшаш шарт-шароитлар ва маънавий-ахлоқий тарбияни янада яхшилаш орқали мустаҳкамланмоқда.

Турмуш ўртоғим офицер. Шунинг учун ҳам ҳарбий бўлиш ва шу билан бирга юрт посбонининг турмуш ўртоғи бўлиш масъулияти ҳақида яхши биламан. Дарвоқе, айни пайтда оиламиз қувончли ҳамда ҳаяжонли дамларни бошдан кечирмоқда. Фарзандимиз Фарруҳжон Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейида ўқишни орзу қилиб, ҳужжатларини топширди. Касб танлаш борасида унга отасининг шахсий намунаси, қолаверса, Ватан ҳимоячилари оиласидаги муҳит, демакки, ҳарбий хизмат жозибаси туртки бўлди.

Бугунги кунда уч ўғлини ўстириб, келажакда уларнинг Ватанимиз муносиб фарзандлари, асл ҳимоячилари бўлиб етишишига астойдил ишонамиз.

Кичик сержант Муқаддас ХОЛМУҲАМЕДОВА.

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

Истиқлол иншоотлари

ФАРОВОНЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Бозор халқнинг турмуш даражасини белгилайди, деган гап бор. Ҳатто қадим-қадимда ҳам сайёҳлар бир юртдан иккинчисига сафар қилишганда, ўша ернинг бозорига тушишган. Демакки, шунга қараб ўша халқнинг фаровонлиги, равнақига баҳо беришган.

Шарқда, айниқса бизда бозор халқимизнинг ўзига хос бир қадриятига айланган, десак муболаға бўлмайди. Ахир, бозорларимиз шунчаки бир олди-сотти қилинадиган жой эмас, миллатимизнинг моддий ва маънавий бойлиги, миллий руҳияти, анъанаю удумлари мужассам маскан.

Савдо-тижорат ишлари қадимдан серхосият, савобли ишлардан саналган. Буюк ипак йўли бўйлаб карвон қўнғироқларини жаранглатиб, элларни элларга, диллларни дилларга боғлаган, демакки, халқлар ўртасида нафақат савдо-сотиқнинг, балки ўзаро маданиятнинг шаклланишига хизмат қилган боболаримизни бир эсланг. Кўҳна Шарқда асосан усти ёпиқ бозорлар ривожланиб, улар «суқ», «асвок», «чорсу», Туркия ва Эронда эса «хон», «бедистон» номлари билан юритилган.

Бозор – қадрият, дедик. Бу бежиз эмас. Дейлик, бозордаги тарозини олайлик. У кишиларни иймон-инсофли бўлишга, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликка ўргатади. Бозор тарозини, тенгликни хуш кўради, дея бежиз айтишмайди, ахир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг хусусий мулкчиликни шакллантириб, савдо эркинлигига улкан эътибор қаратмоқдамиз. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг татбиқ этилиши анъанавий савдони замонавий усул ва воситалар билан бойитишни тақозо этди. Мустақиллик йилларида бозорларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий услубда қурилган шарқона бозорларимиз фахримиз, ғуруримиздир.

Пойтахтимизда, Самарқанд, Бухоро, Хива, Андижон каби йирик шаҳарларимизнинг марказларида меъморий ечимлари ўзига хос бўлган бозорлар яратилмоқда. Тошкентдаги «Чорсу», «Олой», «Қўйлиқ», Самарқанддаги «Сиёб», «Ургут» каби машҳур бозорларимизга бир қаранг. Улар фаровонлигимиздан, қудратимиздан, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиздан, порлоқ истиқболимиздан сўзлаб туришгандек.

Ислоҳотлар самараси

БАҚУВВАТ АСКАР – ЮРТ ҚУДРАТИ

Бугун фахр ва ғурур билан баралла айта оламиз: Президентимиз раҳнамолигида замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлигимизни таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида қўлами ва моҳияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Хўш, булар нималарда кўзга ташланади?

Келинг, шу ўринда посбонларимизнинг биргина ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш борасида қилинган ишларга назар ташлайлик.

Яхши биламиз. Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч бу – армиямиз сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Шунинг учун ҳам ислоҳотлар жараёнидаги ўзгаришлар, янгиланишлар Қуролли Кучларимиз сафларидаги инсонларнинг манфаатига қаратилган. Айнан шунинг учун ҳам сўнгги йилларда замон талабларига жавоб берувчи кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, қурол-аслаҳа, техникалар, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилмалари учун муайян бюджет маблағлари сарфланмоқда. Демакки, бу Ватанни кўз қорачиғидек асрашга интилиб, сарҳадларда мардонавор турган мардлар давлатимизнинг, халқимизнинг доимо эътиборида, ардоғида, дегани. Қолаверса, ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армияни шакллантираётган эканмиз, моддий-техник, ижтимоий-маиший таъминотга улкан эътибор қаратилиши турган гап. Ҳа, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини янада яхшилаш билан боғлиқ масала миллий армиямиз мудофаа қудратини оширишда муҳим омиллардандир.

Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйи муносабати билан Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уйжой ва маиший шароити, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни янада кучайтириш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Дарҳақиқат, миллий армиямиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифаларни бажаришнинг асосий шартларидан бири ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич, тизимли равишда яхшилаб боришдир. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган изчил, тизимли ислоҳотлар кун сайин миллий армиямиз нуфузини оширяпти, десак муболаға бўлмаса керак.

Шу ўринда мисолларга юзлансак. Масалан, биргина муддатли ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитларни олайлик. Барча қулайликларга эга ётоқхоналар, замонавий спорт тренажёрлари, маиший воситалар дейсизми — бари-бари аскарлар учун муҳайё. Озиқ-овқат таъминоти янада яхшиланиб, кундалик озиқланиш меъёрларига турли шарбатлар, сут маҳсулотлари, дармондорилар қўшилганини, бошқа маҳсулотларнинг ҳам миқдори

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ АҲВОЛИНИ, ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ МУДОФАА ҚУДРАТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛЛАРДАНДИР.

оширилганини таъкидлаш жоиз. Бугун кўплаб ота-оналар аскар дастурхони миллий таомлар – палов, манти, турли мева, сабзавотлар, витаминга бой сара маҳсулотлар билан бойитилганини яхши билишади.

Икки ойча муқаддам, яъни баҳорнинг сўнгги кунларида посбонларнинг Ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантанасида қатнашдим. Қисм қўмондонлиги аскар дастурхонига қўйиладиган маҳсулотлар намуналаридан кўргазма қилишиб, ота-оналарга кўрсатишди. Турли ёрмалар, дуккакли ўсимликлар, мол гўшти, балиқ, сариёғ, тухум, сархил сабзавоту меваларни кўриб, аскар отаси Исмоил Ҳожиев шундай деди: «Мен ҳам аскар бўлганман. Аммо бундайин шарт-шароит йўқ эди. Президентимизга, Қуролли Кучларимиз раҳбариятига раҳмат. Бугун аскарга берилаётган кундалик озиқ-овқат меъёри биз хизмат қилган даврдагидан тубдан фарқ қилади. Бугун аскар ўғлонларимиз таомлари дармондориларга бойлиги, қувватлилиги билан ажралиб туради. Темур бобомиз айтганидек, қудратли юртнинг аскари бақувват бўлур».

Аскар ошхонасига кирсангиз, шароитлар уйдагидан-да зиёда эканлигига амин бўласиз. Истиқлолимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида Шарқий ҳарбий округда замонавий ошхона фаолият кўрсата бошлади. Замонавий ва миллий услубда қурилган аскар ошхонаси биносини ташқаридан кузатибоқ, ҳавасим келди. Ичкарига кирдик. Овқатланиш хонаси ҳар томонлама шинам ва ёруғ. Хоналарга чиройли қилиб кафеллар терилган. Чойнак, чой ичадиган, овқатланадиган идишлар – бари-бари занглamайдиган рангли металлдан. Илгариги алюминдан тайёрланган, қўпол идишлар ўрнига замон талабларига мос идишларни стол устида кўриб, мамлакатимиз раҳбарияти миллий армиямизда ижтимоий-маиший шароитларни ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага олиб чиқиш йўлида кўплаб ишларни амалга ошириб келаётганини англайсиз. Ошхона дераза-ларига жалюзи пардалар осилган. Кўриб, кишининг баҳри-дили очилади. Беихтиёр «қаранг, посбонларимизга давлатимиз қандай шароитлар яратиб қўйган-а», дея ҳавасингиз келади.

Чой ва биринчи таомга мўлжалланган замонавий электр қозонлар, салат тайёрланадиган хонага ўрнатилган замонавий ошхона машинаси энг сўнгги технологиялар билан таъминланаётганимизни кўрсатади. Дейлик, ҳеч қанча вақт сарфламай, исталган сабзавотдан витаминларга бой салат тайёрлаш ёки бемалол гўшт қиймалаш мумкин. Қолаверса, замонавий технология сифатли маҳсулот тайёрлашга, сабзавотларнинг исроф бўлмаслигига хизмат қилади. Яна бир қанча афзаллигу қулайликларини санаш мумкин.

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар хизматдан уйларига янги кундалик-парад либосларида қайтмоқдалар. Маълумки, Мудофаа вазирлиги кийим-кечак таъминоти бошқармаси, тажриба-конструкторлик бюроси вакиллари ва саноат корхоналаридан иборат ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ушбу либослар дизайн нуқтаи назаридан замонавий, ихчам, қулай ва сифатлидир. Бир неча чақирувдан бери йигитларимиз муддатли ҳарбий хизматга «Ўзбекистон Қуролли Кучлари» деб ёзилган спорт либослари билан кузатилмоқда. Бу ҳам бўлса таъминотда посбонларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган даражага олиб чиқиш йўлидаги устуворликлардан.

Ортда қолган йилнинг охирида Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби учун зарур бўлган моддий-техник воситалар, маҳсулотлар намуналарининг кўргазмаси бўлиб ўтганди. Илк бор ўтказилган мазкур кўргазмадан ўзаро соғлом рақобатни ривожлантириш, натижада Қуролли Кучларимизга юксак талабларга жавоб берувчи, сифатли маҳсулотлар етказиб берилишига эришиш кўзда тутилганди. Айтиш лозимки, бундайин тадбирларнинг замирида ҳам посбонларимизнинг моддий-техник, ижтимоий-маиший таъминотига улкан эътибор, уларни замон талаблари даражасига олиб чиқишдек, демакки, мудофаа қудратимизни янада шакллантиришдек устувор мақсад бор.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, ҳарбийларимизнинг моддий, маиший, ижтимоий, жанговар, жисмоний ва бошқа тарафлама ҳам мақтасак арзийдиган шароитлари борки, бу ҳеч кимдан кам бўлмаган миллий армиямиз барпо бўлаётганидан далолат.

Майор Алижон САФАРОВ.


ЩЕДРА ЗЕМЛЯ УЗБЕКИСТАНА

16




В Узбекистане действуют предприятия по переработке плодоовощной продукции, по выпуску напитков, соков, виноводочных и ликероводочных изделий, мясомолочной, хлебобулочной, кондитерской, маргариновой продукции, макаронных изделий. Узбекистан является одним из крупнейших в мире производителем томата-пасты, изюма, сухофруктов, которые обладают уникальными вкусовыми качествами. Сегодня в Узбекистане выращивается более восьми миллионов тонн фруктов и овощей, что значительно превышает потребности республиканского рынка.

Ежегодно 10 процентов плодоовощной продукции экспортируется в свежем виде. В последние годы в стране образовано почти сто совместных предприятий по переработке плодоовощной продукции, оснащенных самыми современными технологиями. Большинство из них создано при участии инвестиций из ведущих стран мира. В 2006 году мощность работы перерабатывающих предприятий увеличилась почти в 4,5 раза по сравнению с 2005 годом. Переработанной продукции экспортировано приблизительно на 16,4 миллиона долларов США.









Бахром АБДУРАХИМОВ суратга олган.

ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Мамлакатимиз улкан шодиёна остонасида турибди. Энг улуғ, энг азиз байрам – мустақилликнинг 16 йиллиги тантаналарига саноқли кунлар қолди. Бу қутлуғ кунга ҳамманинг муносиб улуши, муносиб тўёнаси бўлиши шубҳасиз.

Улкан тарих саҳифаларида ўтган 16 йил муддат уммондан томчи кабидир, эҳтимол. Аммо унинг ҳар бир куни мамлакатимиз тарихига шонли саҳифалар битди, десак муболаға бўлмайди, албатта. Муҳташам иморатлар, қайта юз очган қадим обидалар, ёдгорликлар, равон йўллар, обод шаҳарлар, ризқ-рўзимиз бирла яшнаб турган далалар, ер ости, усти бойликларига кон чўллар, тоғлар – буларнинг барчаси Ўзбекистон тараққиётини, у тутган мустақил йўлни оламга кўз-кўз қилувчи фахру ифтихоримиздир.

Биз юқорида қутлуғ байрамга барчанинг ўз улуши борлигини айтиб ўтдик. Дарҳақиқат, шундай. Муборак байрамни Ватан ҳимоячилари қай тариқа кутиб олишмоқчи? Улар энг аввало она Ватан сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғларидек асрашга аҳд қилганлар. Бу борада эришган ютуқлари эса газетамиз саҳифаларида бот-бот ёритилиб келинмоқда.

Яқинда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига бағишланган маърифий тадбир ўтказдилар. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Шаҳло Аҳророва, Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Ойниса Нодирова, офицерлар Бахтиёр Отамирзаев, Ҳикмат Насриддиновлар иштирок этдилар.

– Мамлакатимиз мудофаа салоҳияти истиқлол йилларида амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли салмоқли даражада юксалди, – деди ўз сўзида Ойниса Нодирова. – Қисқагина мустақиллик тарихи ўз ичига оламшумул воқеаларни қамраб олган. Улардан бири профессионал асосда шаклланган миллий армиямиздир. Кўз ўнгимизда асос солиниб, бугун бағридан юзлаб фидойи офицерларни учирма қилган Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ҳам мустақиллигимизнинг бебаҳо мевасидир. Ўйлайманки, қутлуғ байрамни сиз ҳам муносиб кутиб олишга аҳд қилгансиз. Хизматда, само лочинларини тарбиялашдек шарафли вазифангизда эришган ютуқларингиз, аъло баҳоларга якунланган синов имтиҳонлари сизнинг туҳфангиздир.

Дарҳақиқат, бу ерда бугун Қуролли Кучларимиз сафидан муносиб жой олиб улгурган, юрт фахрига айланган кўплаб учувчилар таҳсил олишган. Республикамизнинг энг нуфузли олий даргоҳларидан бири ҳисобланган мазкур билим юртига кириб ўқиш, миллат ўғлонлари учун ўзгача бир шарафдир.

– Вилоят хотин-қизлар қўмитаси Ватан ҳимоячилари билан турли маърифий тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириб келадилар, – деди ҳоким ўринбосари. – Мустақилликнинг ўн олти йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун ҳамкорликда тадбирлар режасини тузиб чиқдик. Унга кўра Ватан ҳимоячиларининг маҳалла фаоллари, ёшлар билан учрашувларини ташкил қилиш ҳамда худди шу каби тадбирларни таниқли шахслар, фахрийлар иштирокида ҳарбий жамоаларда ўтказиш кўзда тутилган. Мустақиллик байрамига бағишланган вилоят талаба ёшлари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» танлови ташкиллаштирилмоқда. Унда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртининг зукко курсантлари ҳам қатнашишлари режалаштирилган. Ўйлаймизки, танловда бўлғуси офицерлар маҳорат бобида анча-мунча устунликларини намойиш эта оладилар.

Байрамни муносиб кутиб олиш учун билим юрти жамоаси ҳам катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Билим юрти ҳудудини ободонлаштириш ишлари кетмоқда. Бир сўз билан айтганда, байрам олдидан бу ерда кўтаринки руҳ ҳукмрон. Қуролли Кучларимизни ҳар томонлама соғлом, билимдон, юксак ақлзаковат эгаси бўлган, замонавий ҳарб илмини пухта эгаллаган юрт ҳимоячилари билан таъминлашдек улкан вазифа шараф-ла бажарилмоқда.

Инобат НОДИРШОҲОВА.

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

УЛУҒ НЕЪМАТ ҚАДРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимиз ғаллакорларига табригида уларнинг фидокорона меҳнатига юксак баҳо берилди.

Халқимиз азалдан нонни эъзозлаб келган. Дастурхонимиз кўрки, баракаси асосан деҳқон сочган дон туфайлидир. Шу боис Юртбошимиз истиқлолимиз арафасида ғалла мустақиллигига эришмасдан туриб иқтисодий мустақилликка эришиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида ерни чинакам эгасига беришга, деҳқонда меҳнати самарасига ишонч туғдиришга, турмушини янада тўкинроқ қилишга эришилди.

Натижада фермерлик ҳаракати шаклана бошлади. Бундай хўжаликларнинг ривожланишини рағбатлантириш учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Фермерларга ажратилган ерларни узоқ муддатли ижарага олиш қонунда белгилаб қўйилди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида йилдан-йилга фермерлар сони ортиб борди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида юртимизда 5 минг фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, эндиликда уларнинг сони 207 минга етди.

Мулкдорлар сонининг ошиши – мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро даромадини, ҳаёт даражасини ошириш билан боғлиқ жуда муҳим омилдир. Фермерлар ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб, иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб бормоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиб, ялпи ички маҳсулот ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига кўпаймоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг ғалла мустақиллигига эришишда муҳим омил бўлди.

Мустақилликнинг илк йилларида юртимизда бир миллион тоннага яқин ғалла етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич олти миллион тоннадан ошди. Шуниси диққатга сазоворки, бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш ҳисобидан эришилмоқда. Масалан, 1990 йилларнинг бошида ғалла ҳосилдорлиги 20 центнердан ошмаган бўлса, жорий мавсумда бу кўрсаткич 48 центнердан ортиб кетди. Мамлакатимизда етиштирилаётган ғалланинг деярли барчаси, Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ хўжалигининг таянчи бўлмиш фермерлар улушига тўғри келгани, айниқса қувонарлидир.

Юртимизда ғалла етиштириш бўйича бой тажриба тўпланди. Олимларимиз серҳосил, эртапишар, истиқболли ғалла навлари яратиш устида изланишлар олиб бормоқда. Улар томонидан иқлим шароитимизга мос "Чиллаки", "Ҳосилдор", "Маржон", "Андижон-2" каби 25 турдаги янги нав яратилдики, бу деҳқонларга жуда қўл келмоқда. Бу юртимиз аҳолисининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини қондирибгина қолмай, балки эҳтиёжидан зиёдини экспорт қилиш имконини ҳам бераётир.

Яқин-яқингача 35-40 центнерлик марра мамлакатимиз деҳқонларининг орзуси ҳисобланган бўлса, бугун мазкур рақам 50-60, ҳатто 70-80 центнергача етмоқда. Жумладан, Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги "Луқмонов" фермер хўжалиги 124 гектар майдонга ғалла экиб, ҳар гектардан 70 центнердан ҳосил олди. Бухоро вилояти Жондор туманидаги "Искандар бобо" фермер хўжалиги аъзоларининг ғалла ҳосилдорлиги 75 центнердан ошди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ғап, аслида, фақат рақам ва кўрсаткичларда ҳам эмас. Балки ислоҳотларнинг одамлар тафаккурини, ҳаётини, дунёқарашини нечоғли ўзгартираётганида. Бугунги фермер фақат ўзини ўйламайди. У эҳтиёжманд ҳамқишлоқининг аҳволига ҳам бефарқ қарамайди. Масалан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ғаллачиликка ихтисослашган "Аваз-хон" фермер хўжалиги кўрилган даромад ҳисобидан маҳаллага газ, дўкон, болалар учун мактаб қурди. Шифохонага, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

– 95 гектар майдонда ғалла етиштирамиз, – дейди мазкур хўжалик раҳбари Аваз-хон Азимов. – Биринчи йиллари ҳар гектар ердан 20 центнер атрофида ҳосил олган бўлсак, вақт ўтиши билан тажрибамиз ошди. Дунёқарашимиз ўзгарди. Ишлаб топганимиз ўзимизники эканлигини англаб етдик. Эндиликда 45-50 центнердан ҳосил олаяпмиз. Жорий йилда давлатга 225 тонна ғалла сотдик. Даромадимиз 30 миллион сўмни ташкил этди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

ЎзА.

Бдительность – наше оружие

ВДОХНОВЛЯЮЩЕЕ ПООЩРЕНИЕ

Вопросы поддержания на высоком уровне бдительности и боевой настороженности всегда должны находиться в центре внимания военнослужащих. Причем речь идет не только о задействованных в карауле воинах. Ведь можно и во время несения службы в суточном наряде оставаться бдительным, четко знать свои обязанности. В одной из частей Военно-Воздушных Сил личный состав показал хорошие знания должностных и специальных обязанностей при несении службы в суточном наряде. За что целая группа военнослужащих была поощрена приказом первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

За проявленные усердие и разумную инициативу при исполнении своих должностных и специальных обязанностей, поддержание уставного внутреннего порядка объявлены благодарности и награждены Памятным знаком первого заместителя министра обороны – начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан капитан Биродар Кабулов, сержант Ильдар Гатаулин, младший сержант Мирзохиджон Исмоилов, рядовой по контракту Сирожиддин Хасанов.

Помимо этого, награжден наручными часами рядовой по контракту Санъатжон Ахмедов, а рядовой срочной службы Зиёвиддин Мирзаев поощрен денежной премией. Одним словом, бдительность и верность воинскому долгу не всегда выражаются в задержаниях подозрительных лиц, нарушающих установленный порядок в отношении воинских частей. Отличная повседневная ратная служба, образцовое выполнение своих обязанностей в суточном наряде тоже значат не меньше в обеспечении высокой боевой готовности частей и подразделений.

Во время несения службы на контрольно-пропускном пункте части младший сержант Мирзохиджон Исмоилов в качестве помощника дежурного по КПП придирчиво и строго осматривал прибывающие автомобили, а также документы у прибывающих военнослужащих и жителей военного городка при части. Местное население уже привыкло к тому, что образцово несущий службу воин не сделает ни одного послабления, с предельной степенью внимательности отнесется ко всему, что происходит на территории, прилегающей к КПП части.


– Он здесь и срочную службу отслужил, потому командование приняло во внимание его лучшие воинские качества, выступив с ходатайством об оставлении его на службе по контракту, – говорит офицер-воспитатель майор Ойбек Суюнов. – Отрадно сознавать, что военный профессионал оправдал доверие командиров. Памятный знак ему вручил в торжественной обстановке перед строем всей части представитель вышестоящего штаба.

Специфика военной службы такова, что в ней бывают и выезды в служебные командировки. Капитан Б.Кабулов и сержант И.Гатаулин в тот день выехали в другую часть, да и прочие награжденные товарищи были отвлечены по службе. Однако сослуживцы дали немало добрых отзывов о них. Например, сержанта Ильдара Гатаулина тоже связала с армией срочная солдатская служба. Оставшись в армейской семье, он уже двенадцатый год верно служит Отчизне. Начальник радиостанции считается одним из самых высококвалифицированных специалистов. Офицер Биродар Кабулов прошел службу на самом юге страны, где обстановка всегда требовала быть бдительным. Рядовой по контракту Сирожиддин Хасанов отлично справляется с должностью начальника радиостанции, строго соблюдая требования к режиму секретности ведения переговоров и радиообмена. А рядовой по контракту Санъатжон Ахмедов после школы учился на фермера-животновода. Однако полученная в армии профессия водителя-электрика оказалась интереснее.

Кстати, единственный среди отмеченных в приказе военнослужащий срочной службы рядовой Зиёвиддин Мирзаев сказал, что мечтает заслужить Рекомендацию, чтобы поступить в институт. В какой – расскажем позднее, на специальной солдатской странице.

Побывав в этом дружном воинском коллективе, побеседовав с офицерами и солдатами, мы еще раз убедились в том, что понятия бдительности и боевой настороженности здесь не являются простыми символами, а наполнены вполне реальным содержанием. Супруги военных и служащих части, даже дети – все очень хорошо понимают, что мир в нашем доме зависит от каждого из нас.

Майор Баходир Утанов.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**



Огоҳлик – қуролимиз

ЮРТИМИЗ АСРАЙМИЗ!

Дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонда осойишталик ва барқарорлик ҳукмрон. Юртдошларимиз қалби яратувчанлик, бунёдкорлик ҳислари билан тўлиб-тошган. Катталар ҳурматда, кичиклар иззатда. Ана шу бебаҳо неъмат – тинчликни таъминлашга масъул мардларимиз эса жанговар постларда ҳамиша огоҳ ва ҳушёр туриб, вазифаларини адо этишмоқда.

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига жаҳон тинчликсевар халқлари ҳамиша хайрихоҳ бўлишса-да, аммо гуруч орасида курмак ҳам учрагани каби айрим нопок, дили зулматдек қоп-қоронғу кимсалар осойишталигимизга ҳасад кўзи билан боқишдан ўзларини тия олишмаяпти.

Офицер Д.Саиджонов бошлиқ шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари А.Мирзаев ва Э.Деҳқоновлар ўзларига бириктирилган ҳудудни қўриқлаб туришган эди. Кутилмаганда пайдо бўлган номаълум шахснинг хатти-ҳаракатлари посбонларда шубҳа уйғотди. Вазият тиғиз, тезкор чора кўрилмаса, кейин кеч бўлиши мумкин. Офицер тезда тегишли қарорга келди ва қўл остидаги ўғлонларга қандай ҳаракатланиш ҳақида кўрсатма берди. Маҳоратли, ўз ишининг устаси бўлган шунқорлар белгиланган тартиб бўйича изчил ҳаракат қилишиб, шубҳали шахсни қўлга олишди ва тегишли жойга топширдилар. Осудалигимизни асраш йўлида матонат кўрсатганлари учун офицер Д.Саиджонов ва шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари А.Мирзаев ҳамда Э.Деҳқоновларга Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғининг буйруғига биноан миннатдорлик эълон қилиниб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Бизга ёт нигоҳ билан боқувчи ҳар қандай ташқи кучларга қарши туфа оладиган азамат ўғлонларимиз бор экан, ҳеч ким хотиржамлигимизга дахл қилолмайди.

Давлатбек АСИЛОВ.

Профессионалларимиз

КАСБИ УНИНГ ҒУРУРИ, ФАХРИ

Айни пайтда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ёзги ўқув мавсуми машғулотлари қизғин паллага кирган. Бундай масъулиятли дамда ҳар бир посбоннинг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғайрат Хушвақтов катта механик вазифасида хизмат қилади. Етакчи кичик командирлардан ҳисобланган посбоннинг миллий армиямизда хизматини бошлаганига у қадар кўп вақт бўлмаган эса-да, йигитнинг ҳарб илмига бўлган иштиёқи, изланиши уни ҳақиқий профессионал посбонлар сафига қўшди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида шундай дейилади: «... Ҳозирги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

2004 йил Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани мудофаа ишлари бўлимида саралар ичидан сараланиб, Қуролли Кучларимиз сафига муддатли хизматга жўнатилган Ғайрат Хушвақтов ҳарбий мутахассисликни эгаллаб, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқаркан, ҳаётини армиясиз тасаввур қила олмаслигини англаб етди.

– Айни пайтда Ватан ҳимояси учун доимо тайёр турадиган фидойи инсонлар сафида хизмат қилаётганимдан ниҳоятда мамнунман, – дейди йигит. – Ҳарбийлик ҳақиқий эр йигитлар касби. Гоҳида эртадан кечгача полигонда машқ қилиб, ниҳоятда чарчаган пайтда ҳам бу касбнинг заҳматлари қалбингга ҳузур бахш этади. Чунки халқинг фаровонлиги, юртинг осмони мусаффолиги йўлида хизмат қилаётганингни ҳис қилиб турар экансан, ҳарбийликдан фақат ва фақат фахр ҳиссини туясан. Биз бугун шундай мураккаб ва нотинч замонда яшаяпмизки, танлаган касбимиз янада сергакликни талаб қилади. Айни пайтда Марказий Осиё минтақасида ҳали бери сақланиб келаётган қалтис вазият ёки терроризм, экстремизм ва наркоагрессия каби таҳдидлар юртимизга хавф солмайди, дея ҳеч ким кафолат беролмайди.

Шу боис, ушбу муқаддас ва бетакрор заминимизда яшаётган, мамлакат тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсондан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишлари талаб қилинади. Мамлакатимиз осойишталиги йўлида хизмат қилаётган биз – посбонлар эса ўқув машғулотларида жанговар тайёргарлигимизни мустаҳкамлаш билан бир қаторда юртимизни ишончли ва мустаҳкам ҳимоялаш учун бор куч-имкониятларимизни ишга соламиз.

Бугун сержантлар таркиби миллий армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланиб бораётгани ҳақида ботбот таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, замонавий жанговар ўқув базаларига эга сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил олиб қайтган профессионалларнинг сафлардаги маҳорати бугун кўпчиликни ҳайрон қолдиради. Қолаверса, уларга нисбатан бежиз аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси деган баҳо берилмаган. Ғайрат сержантлар тайёрлаш мактабини тугаллаб қайтгач, малакали ва қобилиятли посбон сифатида унга янада масъулиятли вазифалар топширилди. Қатъиятли ва тиришқоқ йигит ўқув мавсуми машғулотлари мобайнида бу ишончни оқлаб келмоқда. Айни дамда у офицер Ғайрат Каримов етакчилик қилаётган взводда энг илғор кичик командирлардан бири сифатида тилга олинади.

– Қуролли Кучларимиз таркибини бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, замонавий фикрлаш қобилиятига эга бўлган кичик командирлар билан бутлаш ҳар қачонгидан долзарбдир, – дейди офицер Каримов. – Чунки армиянинг қудрати замонавий техникалар билан бир қаторда малакали посбонларга ҳам боғлиқ. Айни пайтда сафимизда кичик сержант Хушвақтов сингари профессионаллар кўпайиб бораётгани бизни хурсанд қилади, албатта. Боиси, ўқув мавсуми машғулотлари пайтида уюшқоқлик, мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик, буйруқ ва кўрсатмаларни аниқ ва белгиланган вақтда бажариш, айнан мана шундай довюрак, алпкелбатли ўғлонларга хосдир.

Қизғин машқларда тобланган взвод посбонларининг ҳар бири ўз вазифасининг нимадан иборат эканлигини жуда яхши билишади. Шу боис ҳам улар ҳарбий қисмда доимо етакчилар сифатида тан олиб келинмоқда.

Армияда спортнинг ўрни беқиёс. Буни яхши англаган кичик командир машғулотлардан бўш вақтида спорт шаҳарчасига ошиқади. Югуриш, футбол, кураш спорт турлари унинг энг севимли машғулотларидан ҳисобланади. Шу боис, лавҳамиз қаҳрамони ҳарбий қисмда уюштириладиган спорт мусобақаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиб келади. Ҳозир у жанговар тайёргарлик билан бирга спорт турлари бўйича ўз тажрибаларини қўл остидаги оддий аскарлар – Отабек Ёрматов, Суннатилло Бегимовларга ҳам ўргатиб келмоқда.

Чироқчининг Сувлиқ қишлоғида бир неча йиллардан буён ҳайдовчилик касби билан обрў қозониб келаётган Эркин аканинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Боиси, бу меҳри дарё инсоннинг тарбиясини олиб, улғайган икки ўғли юрт ҳимоясидек шарафли касбни танлади. Ғайратдан сал илгари акаси ҳам ҳарбийликни танлаб, чегара қўшинларида шартнома асосида хизматини бошлаган эди. Ўғилларининг одил қароридан фахрланган Эркин ака ва унинг рафиқаси Фотима ая ҳар он, ҳар дақиқа бағридан олисда юрган ушбу дилбандларини дуо қилишади.

Комилжон ҲАСАНОВ.

Сафарбарлик чақируви резервида

БАРЧАГА МАЪҚУЛ ВА МАНЗУР

Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар хусусида гап кетганда, сафарбарлик чақируви резервидаги (СЧР) хизмат ҳам алоҳида тилга олинади.

Хўш, мазкур хизматнинг ойлик йиғини йигитларга нима бермоқда? Унинг самараси қандай бўлмоқда? Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигит билан СЧР хизматини ўтаган фуқаро ўртасида қандай фарқ бор? Келинг, ушбу саволларга жавоб топишга, уни далиллар ёрдамида ифодалашга ҳаракат қилайдик.

Шу ўринда Офицер Баҳодир Жўраев командирлик қилаётган СЧР батальонида ойлик йиғинини ўтаётган фуқаролар хизматига назар ташласак. Бу ерда ойлик йиғин белгиланган режа асосида олиб бориляпти.

Аввало, йиғин иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб чиқдик. Кенг ва ёруғ ётоқхона, дам олиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, машғулотлар ўтказиш хонаси, спорт шаҳарчаси барча замонавий жиҳозлар, зарур воситалар билан таъминланган.

– Ойлик йиғинни бошлашдан аввал тайёргарлик ишлари олиб борилган, – дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Муҳиддин Муҳаммадиев. – Барча хоналар ўқув қуроллари ва янги мебеллар билан жиҳозланган. Йиғин иштирокчилари учун зарур қулайликлар яратилган.

Бизни батальон командири йиғин иштирокчилари машғулот ўтаётган хоналарга бошлади. Муҳандислар хонасига кирганимизда, гуруҳ командири лейтенант Алишер Маҳмудов миналар, уларнинг тузилиши ҳамда ишлатилиши ҳақида машғулот ўтказаётган экан.

– Йигитларнинг келганига кўп бўлмаган бўлсада, – дейди взвод командири офицер Даврон Жўрабоев. – Уларнинг ичидан тиришқоқлиги ва билимдонлиги билан кўзга ташланиб қолганлари талайгина.

Иккинчи машғулот ижтимоий-сиёсий тайёргарликдан бўляпти. Уни офицер Зиёдулло Ҳасанов ўтяпти. Мавзу «Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат». Худди шу ўринда машғулот раҳбарига – савол билан мурожаат қилдик. Яъни йигитлар бир ойлик машғулотлар давомида етарли билимга эга бўляптими, машғулотларни тўлиқ ўтиш учун қандай режа асосида ўқув жараёни олиб борилмоқда?

– Йиғинга келган йигитларнинг аксарияти олий ва ўрта махсус мутахассисликларига эга бўлибгина қолмай, оз муддат бўлса-да соҳалари бўйича давлат ва хусусий секторларда фаолият юритган, – дейди офицер Д.Жўрабоев. – Яъни улар талабалик даврини бошдан кечирганлар. Билимлари, дунёқарашлари ва салоҳиятлари юксак. Демак, улар қисқа вақт ичида ҳам керакли билимларни эгаллашга қодир. Оммавий ахборот воситалари орқали, мактаб ва лицей ҳамда коллежларда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан оз бўлса-да армия ҳақида тушунча ва билимга эга бўлганлар. Шунинг учун биз ўтаётган машғулотларни яхши ва тез ўзлаштирмоқдалар.



Хўш, бу ҳақда йигитларнинг ўзлари қандай фикрда?

Йиғин иштирокчиси Ҳикмат Ҳусанов, Автомобиллар йўллари касб-ҳунар коллежини тугатган:

– Мен СЧР батальонида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Биз – ёшларга шундай имкониятларни яратиб, катта ғамхўрликлар кўрсатаётгани учун Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдираман. Бу ердаги шарт-шароитлар менга ва сафдошларимга жуда маъқул бўлди. Машғулотлар давомида офицер ва сержантлардан кўп нарсаларни ўрганяпмиз. Жумладан, жанговар техникалар тузилиши ва уларни бошқариш, жанговар қуроллардан нишонга отиш ва жисмоний тайёргарлик машғулотлари менда катта таассурот қолдирмоқда.

Йиғин иштирокчиси Жамшид Азизов, Алоқа касб-ҳунар коллежини битирган:

– Ёшлигимдан спортга меҳр қўйиб, каратэ тури билан шуғулланиб келганман. Гапни айнан спорт билан бошлашимга сабаб, мен билан бирга каратэ мусобақаларида иштирок этаётган йигитларнинг аксарияти ҳарбий хизматни ўтаган. Шундай вақтлар бўлдики, армия ҳақида гап кетганда, унча кўп нарса билмаслигим, мени улар олдида жуда ноқулай аҳволга солиб қўярди. Армия таассуротлари билан бирбирларига ўртоқлашиб, бўлиб ўттан қизиқарли ва эсдан чиқмас воқеаларни ҳикоя қилишарди. Бундай пайтларда мен четга чиқиб қолардим. Мана йиғинда иштирок этяпман, демак мен ҳам армия, ҳарбий хизмат, қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар ҳақида етарли билимга эга бўляпман. Ватан ҳимоячиси деган шарафли номга сазовор бўляпман.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Жамшид каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби. 2005 йил Тошкентда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида фаол иштирок этиб, бронза медалига сазовор бўлган.

Йиғин иштирокчиси Жасур Исаев, Ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейини тугатган:

– Мен йиғин давомида жуда кўп нарсани ўрганяпман. Ёшлигимдан ҳарбий касбга бўлган қизиқишим бўлакча. Келажакда ўз олдимга офицер бўлишни мақсад қилиб қўйганман. Ўтган йилги уринишимда омад кулиб боқмади. Аммо ҳозирданоқ келгуси йилда ҳарбий билим юрти курсанти бўлиш учун тайёргарликни бошлаб юборганман. Ўйлайманки, ушбу хизмат ҳам бу ниятимга эришишимда улкан ёрдам беради.

Жасур олти йилдан буён спортнинг дзюдо тури билан шуғулланиб келади. Шу қисқа вақт ичида эришган ютуқлари эса анча самарали. 2000 йилда ёшлар ўртасида Петербург шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 3-ўринга сазовор бўлган бўлса, 2004 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли 1-ўринга лойиқ, деб топилган.

Шунингдек, йиғин иштирокчиларидан – Фузаил Воҳидов, Миродил Қосимов, Виктор Цой, Баҳодир Шариповлар ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаб, ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Хулоса қилиб айтганда, СЧР хизмати ойлик ҳарбий йиғини иштирокчилари ва уларнинг ота-оналари бу янги хизмат туридан жуда мамнун.

Аҳрор ШУКУРУЛЛАЕВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

Ёзги мавсум ўқув машғулотлари

САФДОШЛАРИГА ИБРАТ БЎЛАЁТГАН ПОСБОН

Мотоўқчилар қисмида дала-ўқув машғулотларига жиддий тайёргарлик кўрилгани боис, аскарлар жисмоний, тактик, ижтимоий-сиёсий сингари тайёргарликлардан ўз билим ва кўникмаларини муваффақиятли ошириб, ҳарб илмидан олган сабоқларини тобора мустаҳкамлаб боришмоқда.

... Жанговар қуроллардан ўқ отиш нуқтаси. Оддий аскар Тоҳир Меҳмонов командирнинг «ҳаракатланувчи нишонга қараб ўт очилсин!» деган буйруғини кутмоқда. Ҳа, тўққиз ой давомида офицер ва сержантлардан олган ҳарб илмининг сир-асрорлари, билим ва кўникмалари, тажриба ва маҳорат бугун яна бир бор ўзини оқлади. Командирнинг буйруғи янграгач, оддий аскар ҳаракат қилаётган нишонни мўлжалга олди. Бунда у албатта, шамолнинг қайси томондан эсаётганини ва унинг тезлигини, нишоннинг ҳаракат йўналиши ва тезлигини ҳамда оралиқ масофани ҳам инобатга олиб, ўт очди. Мўлжал аниқ, нишон қулади. Энди иккинчи, жойида турган нишонни мўлжалга олиш керак. Ушбу нишоннинг ердан фақат юқори қисмигина кўриниб турибди. Салгина хатога йўл қўйилса, мўлжал ноаниқ бўлиши мумкин. Буни яхши англаган посбон кичик сержант Аброр Арзиевнинг отиш тайёргарлиги бўйича олиб борган машғулотларини ёдга олди. Кичик командир отиш вақтида қуролни тўғри ушлаб, отиш учун тайёр бўлган пайтда чуқур нафас олиб, ҳавони ичида ушлаб туриши зарурлигини алоҳида ва қайта-қайта такрорлаган, амалда ҳам бажариб кўрсатган эди. Шунда мўлжалга аниқ уриш мумкин. Шуларни яхши тезлигида миясидан ўтказган посбон нишонга қарата ўт очди. Бу сафар ҳам маҳорати панд бермади. Офицер Шерзод Умаров оддий аскар Т.Меҳмоновнинг отиш тайёргарлигини аъло баҳога топширгани билан табриклаб, уни сафдошларига ўрнак қилиб кўрсатди. Бу посбоннинг хизмати мобайнида қўлга киритган кўплаб ютуқларидан бир намуна, холос. Қани, посбоннинг ўзи бу ютуқларини қандай изоҳлар экан.

– Мен армиянинг ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактаби эканлигига хизматга келиб, янада амин бўлдим, – дейди оддий аскар. – Хизматга ўз иштиёқим билан келганман. Қисқа вақтда эр йигит армияда нималарни ўрганиши ва олиши керак бўлса, барчасига эришдим. Энг асосийси, мустақил юртим миллий армиясининг посбони, уни содиқ ҳимоячиси, деган шарафли номга сазовор бўлдим. Буни мен ўзимга юксак шараф, деб биламан. Машғулотлардан бир нарсани ўрганай деб командирларнинг бераётган сабоқларига диққат билан эътибор қиламан. Шу боис доимо илғорлар сафидаман. Келажакда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириб, Қуролли Кучларимиз сафида офицер сифатида хизмат қилишни ўз олдимга энг олий ва эзгу мақсад қилиб қўйганман. Шу кунлар ёзги мавсум ўқув машғулотларида эришаётган барча ютуқларимни мамлакатимиз мустақиллигининг ўн олти йиллигига бағишлайман.

Ҳа, юртимнинг мана шундай мард ва жасур, маҳоратли ва ишончли посбонлари бор экан, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимиз абадий бўлажак.

Аҳрор НОЗИМОВ.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Safda sara o‘g‘lonlar


BURCH MAS’ULIYATI USTUVOR

Ma’lumki, askarlik xizmati er yigitdan yuksak mas’uliyat, g‘ayrat-shijoat hamda fidoyilik namunalarini talab qiladi. Har bir o‘g‘lon muddatli harbiy xizmatni ado etarkan, zimmasidagi, Vatani va xalqi oldidagi yuksak burchini uddalayotganidan ham iftixor tuyadi, ham o‘zi uchun kerakli ko‘pgina hayotiy bilimlar oladi. Armiya – hayot maktabi, degan ibora shuning uchun ham paydo bo‘lgan bo‘lsa, ehtimol.

Muddatli harbiy xizmat sharafli sohaning dastlabki bosqichidir. Keyin esa shartnoma-kontrakt xizmatidagi serjantlik faoliyati, ofitserlik, generallik kabi navbatdagi bosqichlar keladi. Hayotini, kelajagini, orzulari rivojini va bevosita taqdirini Vatan taqdiri bilan bog‘lagan, barcha natijalarga harbiy sohada erishishni ko‘zlagan, bu kasbni sharaf deb bilgan yurt farzandlari xizmatga bel bog‘lashar ekan, haqli ravishda muvaffaqiyat pillapoyalarini birma-bir zabt etib yuqori bosqichlarga ko‘tarilishga intiladi.

Bugun askarlar orasida kelajakda harbiy sohada faoliyat yuritishni istayotganlar ko‘pchilikni tashkil etmoqda. Xizmatning jozibasi, qat’iy tartib-intizom, yuksak salohiyat va hamisha jangovar shaylik kabi o‘ziga hos tomonlar ular ko‘nglida sohaga havas uyg‘otayotganini posbonlar viqor bilan e’tirof etadilar.

Darvoqe, harbiy xizmatning borgan sari faxr-iftixorli sohaga aylanib borayotgani ayni haqiqat. Shuningdek, er yigitning kamol topishida armiya muhim o‘rin tutishi ham bor gap. Zero, Yurtboshimiz aytganidek, armiyada xizmat qilish orqali o‘g‘lonlarimiz harbiy bilimlar bilan birga hayotiy bilimlarni ham o‘rganmoqda, har taraflama shakllanmoqda. Muddatli xizmatni ado etayotgan nor yigitlar bilan suhbatlashganimda, bunga yana bir bor amin bo‘ldim.



Muddatli xizmat oddiy askari Bobur ARSLONOV:

– Mening ham hayotimda harbiy xizmat muhim o‘rin tutishiga ishonaman. Xizmatni a’lo natijalar bilan yakunlaganlarga beriladigan tavsiyanomani qo‘lga kiritib, Toshkent moliya institutiga o‘qishga kirish niyatim bor. Shu bois hozir tinmay bilim va malakamni oshirib kelmoqdaman. Buning uchun qismimizda sharoit va imkoniyatlar etarli. Harb ilmi saboqlarini yozgi mavsum o‘quv mashg‘ulotlarida mahoratli ofitserlar Davlat Iskandarov, Rustam Lavrentov kabilardan o‘rganayapmiz. Menga ayniqsa, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari ko‘proq yoqadi. Bilim va malakamizni oshiradigan intellektual o‘yinlar, turli musobaqalar esa har jihatdan shakllanishimizda asqotmoqda. Bizga shuncha g‘amxo‘rlik ko‘rsatib, etarlicha shart-sharoitlar yaratib bergan davlatimiz rahbariyatiga, Mudofaa vazirligiga rahmat deyman. Barchasiga munosib xizmatlarimiz bilan javob qaytarishga so‘z beraman. Shuningdek, fursatdan foydalanib gazeta orqali Buxoro viloyatining Qorako‘l tumanida yashovchi ota-onam va do‘st-yaqinlarimga salom yo‘llayman.



Muddatli xizmat oddiy askari Isroil ISKANDAROV:

– Men Termiz tumanidan armiyaga chaqirildim. Muddatli harbiy xizmatga kelgunimga qadar yuridik kollejda tahsil olganman. Kelajakda huquqshunoslik bo‘yicha institutga kirish maqsadim. Albatta, zimmamdagi Vatan oldidagi mas’uliyatli burchimni bajarish hammasidan ham muhim edi. Shu bois tinmay tayyorlanib, ko‘rik-tanlovlar hamda sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tib askarlikka yo‘l oldim. Hozir qaynoq harbiy hayotning ayni avj pallasidamiz. Mavsum mashg‘ulotlarida bilim hamda malakamiz oshayapti. Mahoratli va o‘z kasbining ustasi bo‘lgan ofitserlar To‘ra Jo‘raev, Ramz Ismoilov, Bobomurod Hamdamov, O‘ktam Salomov, serjantlardan O‘tkir Qodirov va Bobomurod Tog‘ayevlar ta’lim-tarbiya berishmoqda. Jangovar hamda jismoniy tayyorgarliklar bilan birga hayotiy bilimlarim ham oshdi. Ancha chiniqdim. Bundan tashqari ixtiyorimizda boy kutubxona ham bor. Mudiralar Zulxumor Jumayeva va Mohira Toirovalar bizga sifatli xizmat ko‘rsatishadi. Bizga ayniqsa, posbonlarning intellektual salohiyati yuksak bo‘lishi borasida amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar g‘oyat manzur bo‘lmoqda. Bu hol aynan professional armiya talablaridandir. Ana shunday armiya safida o‘z xalqimga xizmat qilayotganimdan cheksiz g‘ururlanaman va bildirilgan ishonchni oqlab, hech qachon sha’nimga dog‘ tushirmaslikka so‘z beraman.

Rostdan ham kuch, bilim va salohiyat mushtarakligi g‘alabaning asosidir. Bunday sifatlarni o‘zida jam yetgan posbonni aslo engib bo‘lmaydi. Buni yaxshi anglab yetgan yurt himoyachilari ana shu muhim fazilatlarni puxta egallash uchun astoydil harakat qilib kelishmoqda.

Katta leytenant Sardor KOMILOV.

Ofitser bo‘lmoqchiman

ILG‘ORLIKKA INTILIB

Mard, jasur, o‘z ishining ustasi bo‘lgan ishonchli o‘g‘lonlar har doim hurmatga sazovor bo‘lib kelishgan. Muddatli xizmat oddiy askari Mirsaid Rahimovni ham komandirlari ana shunday ibratli posbonlardan, deya tanishtirarkan, shaxsiy tarkib u bilan hamisha faxrlanishini e’tirof etishdi.

Mirsaid tadbirkor Yo‘lchi aka va tibbiyot hamshirasi Manzura opalar xonadonida ikkinchi farzand. Intiluvchan, tirishqoq, doimo a’lo o‘qishga intiladigan Mirsaid sportda Sharq yakkakurash turlaridan taekvondo bilan muntazam shug‘ullanib, yashil belbog‘ sohibi bo‘lgandi. Uning har doim qat’iyatli, mas’uliyat bilan o‘z ishiga yondashishi va kattayu kichikka birday izzat-hurmatda bo‘lishini ko‘rgan o‘qituvchilari, sen kelajakda el xizmatiga bel bog‘lab, mas’ul vazifalardan birida ishlasang kerak, deyishardi. Yarim o‘git, yarim e’tirof bilan aytilgan ushbu so‘zlar Mirsaidning ko‘nglidagi g‘ayrat uchqunlarini alangalatib yubordi. Tinimsiz o‘z ustida ishlab, darslarni qunt bilan o‘zlashtirishga kirishdi. Bilim va dunyoqarashini boyitish uchun darsdan tashqari ham ko‘plab adabiyotlarni mutolaa qildi. Dunyoga mashhur bobokalonlarimizning ilm-fan rivojiga qo‘shgan hissalari, turli sohalarda erishgan natijalari uni hamisha to‘lqinlantirar, ularga munosib avlod bo‘lish istagi orzumand yuragiga tinchlik bermas, sen ham yuksak cho‘qqilar sari parvozga chog‘lan, degandek bo‘laverardi.

Shu tariqa o‘rta maktabni a’lo baholar bilan bitirgan yosh o‘spirin elektrotexnika tibbiyot kollejiga o‘qishga kirdi. Bu erda ham a’lochi, jamoat ishlarida faol, tirishqoq hamda mehnatsevarligi bilan ko‘pchilikka ibrat bo‘lgan Mirsaid kollejni muvaffaqiyatli yakunladi. Endi uning oldida yigitlik burchini ado etishdek sharafli vazifa turardi. Yurt osoyishtaligini asrash er yigit uchun ulkan savob, deb bilgan Mirsaid uchun sinov bosqichlari qiyinchilik tug‘dirmadi. Sport bilan muntazam shug‘ullangani, o‘qib-o‘rganganlari asqotdi va u askar degan nomga munosib topildi. Mana, u haqiqiy mardlar safida. Saralar ichra sara o‘g‘lonlardan biri sifatida askar degan nomga munosib topilgani Mirsaidning g‘ayratiga-g‘ayrat, kuchiga-kuch qo‘shdi. Tez kunda ilg‘orligi, bilimdonligi va intiluvchanligi bilan bu erda ham ko‘pchilikning e’tiboriga tushdi. Safdosh do‘stlari va komandirlarining hurmatini qozondi. Armiya uning kelajakka intilishida, shakllanishida muhim bosqich bo‘lmoqda. Har tomonlama bilimi ham, imkoniyati ham, dunyoqarashi ham ortyapti. Xizmat hayotida yorqin iz qoldirmoqda. O‘rgandi, o‘rganyapti.

Aytish joizki, Harbiy qasamyod qabul qilgan kun uning hayotidagi unutilmas kunlardan biri sifatida umr sahifalaridan o‘rin oldi. O‘sha kuni quvonchiga sherik bo‘lish uchun yetib kelgan ota-onasi va do‘st-yaqinlarining ko‘z o‘ngida yigitlik ontini tantanavor qabul qilarkan, g‘oyat to‘lqinlanib ketdi. Jangovar qurol biriktirilib, harb ilmi saboqlarini o‘rgana borgani sayin esa mardlar kasbiga havasi ortdi. Qalbiga quloq tutgan posbon butun borlig‘i bilan harbiy xizmatchi bo‘lishga ishtiyoqi zo‘r ekanini anglab yetgach, kelajakda ofitser bo‘lishga qat’iy ahd qildi. Bu haqda eshitgan do‘stlari shijoatli o‘g‘lonning ezgu qarorini muborakbod etishdi. Ayni chog‘da muddatli xizmat oddiy askari Mirsaid Rahimov qo‘yilgan vazifalarni sifatli bajarish bilan birga tinmay o‘rganib, bilim va malakasini yanada mustahkamlab kelayapti.

– Har doim ilg‘orlikka intilib kelganman va bundan keyin ham shunday bo‘laman. Ezgu maqsadim – Vatan osoyishtaligini asrash, xalqimizga sidqidildan xizmat qilish. Biz bor ekan, havotirga o‘rin yo‘q. Burchimizga sodiq bo‘lib, har doim o‘z so‘zimizni baralla aytamiz, – deydi u.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV.

INTIZOMLI BO‘LING

Harbiy xizmatchi har doim tartib-intizomli, belgilab qo‘yilgan qonun-qoidalarga qat’iy amal qilishi zarur. O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining Intizom nizomi bu borada ularga muhim dasturil-amaldir.

1. Harbiy intizom – bu barcha harbiy xizmatchilarning qonun, harbiy Nizomlar tomonidan, komandirlar (boshliqlar) buyruqlari bilan belgilangan tartib va qoidalarga qat’iy va aniq rioya etilishidir.

2. Harbiy intizom har bir harbiy xizmatchilarning O‘zbekiston Respublikasini himoya qilishga bo‘lgan harbiy burch va shaxsiy mas’uliyat, o‘z xalqiga mislsiz sadoqatini his qilishiga asoslanadi.

3. Harbiy intizom har bir harbiy xizmatchidan:

Harbiy qasamyodga sodiq bo‘lishni, O‘zbekiston Respublikasi qonunlari va Konstitutsiyasiga qat’iy bo‘ysunishni;

o‘z harbiy burchini mohirlik va jasorat bilan bajarishni, harbiy ishni sidqidildan o‘rganishni, harbiy va davlat mulkini asrashni;

harbiy xizmat qiyinchiliklarini mardonavor yengishni, harbiy burchini bajarish uchun o‘z jonini ham ayamaslikni;

sergak bo‘lishni, harbiy va davlat sirlarini qat’iy saqlashni;

harbiy xizmatchilar o‘rtasidagi harbiy nizomlarda ko‘rsatib berilgan o‘zaro munosabatlarni qo‘llab-quvvatlashni, jangovar birodarlikni mustahkamlashni;

komandirlarga (boshliqlarga) va bir-biriga hurmat ko‘rsatish, harbiy salom-alik va xushfe’llik qoidalariga rioya qilishni;

jamoat joylarida o‘zini munosib tutishni, nomunosib xatti-harakatlardan o‘zini va boshqalarni tiyib qolishni va fuqarolarning or va nomusini himoya qilishni talab etadi.

ASKAR MAKTUBI

VATAN DEGAN KAM BO‘LMAS

Salom, hurmatli tahririyat! Men ushbu maktub orqali barcha mushtariylarga salom yo‘llab, harbiy xizmatning afzalliklari, uning bugungi qiyofasi va yoshlarning kelajak hayotlari yo‘lida qanchalar muhim o‘rin tutishi haqida baholi-qudrat o‘z fikrlarim bilan o‘rtoqlashmoqchiman.

Avvalo, biz yoshlar uchun ulkan g‘amxo‘rliklar ko‘rsatayotgan, o‘qish va izlanishlarimiz uchun imkoniyatlar yaratib berayotgan hukumatimizga tashakkur izhor etishimga ijozat bersangiz. O‘zbekiston dunyoviy taraqqiyot yo‘lidan bormoqda. Respublikamiz mustaqillikka erishgach, barcha sohalarda islohotlar izchil amalga oshirila boshlandi. Jumladan, ushbu bosqichdan harbiy soha ham chetda qolgani yo‘q. Bugun harbiy xizmat har taraflama havas qilsa arziydigan kasbga aylandi. Mamlakatimizda bu borada sharoit va imkoniyatlar yetarli. Qurolli Kuchlarimiz uchun ofitser kadrlar tayyorlaydigan bilim yurtlari, serjantlar tayyorlash maktablari bor. Unda o‘qishni orzu qilayotgan yoshlar safi kun sayin ortmoqda. Kelajakda ona Vatanga xizmat qilish, yurt tinchligi va osoyishtaligini saqlashdek ezgu va savob ishga bosh qo‘shishni o‘z oldilariga maqsad qilib qo‘ygan mardlar chinakam er yigitlar kasbiga bel bog‘lashyapti.

Albatta, buning uchun chuqur bilim va puxta tayyorgarlik kerak. Lekin harbiy bo‘lishni maqsad qilib, tegishli ball to‘play olmagan yigitning ko‘nglidan nimalar kechmaydi, deysiz! U boshqa biror sohani harbiylikdek ustuvor ko‘rmaydi-da. Masalan, mening o‘zimda ham xuddi shunday holat yuz bergan. O‘tgan yili Toshkent oliy umumqo‘shin qo‘mondonlik bilim yurtiga hujjat topshirib, kira olmadim. O‘shanda u yerdagi talabgorlar sonini ko‘rib, xizmatning nufuzi oshganini yana bir marta anglab yetganman. Noiloj, tayyorgarligimni yanayam mustahkamlab, qayta topshirishga qaror qildim.

Hozir muddatli harbiy xizmatdaman. Harbiy hayot haqida tobora ko‘proq tushunchaga ega bo‘lyapman. Shuningdek, borgan sari ko‘proq qiziqishim ortyapti. Eng muhimi, bevosita harbiy xizmatning o‘zida oliy harbiy bilim yurtiga tayyorgarlik ko‘rayotganim yanada ko‘ngilli bo‘lmoqda. Maqsadim, a’lo natijalar bilan tavsiyanomani qo‘lga kiritib, kelgusi yili kursantlar safidan o‘rin olish.

Tahririyatga bu haqda xat yozishimdan maqsad, o‘zim kabi yoshlarga harbiy xizmat haqida aytib, faxr-iftixorimni bayon etishdir. Vatanga xizmat qilsangiz, bundan shanflliroq va savobliroq ish yo‘q, aziz tengdoshlar, Vatan degan kam bo‘lmas, degim keladi.

Oddiy askar Ruslan JANGABOYEV.

Fozil Farhod muddatli harbiy xizmatdan o‘z iqtidori va a’lo xizmatlari uchun Tavsiyanoma bilan qaytgan yoshlardan. Hozirda u O‘zbekiston milliy universitetining ikkinchi bosqich talabasi. Fozil harbiy xizmat tufayli Vatan tuyg‘usi va vatanparvarlik hissini yanada teranroq anglab yetdiki, bu esa uning ijodida ham o‘z aksini topdi.

Kitobxonlik

KAMOLOTGA CHORLAR BU MASKAN

Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan izchil islohotlar sabab, yurt posbonlari uchun shart-sharoitlar yanada yaxshilandi. Tibbiyot punktlari, zamonaviy sport zallari, maishiy xizmat ko‘rsatish xonalari, kutubxonalar kerakli texnika va asbob-uskunalar bilan jihozlangan. Umuman, bugungi posbon xizmati davomida yetarli bilim va ko‘nikma olishi, ma’naviy barkamol inson bo‘lib shakllanishi uchun hamma narsa muhayyo qilingan.

Artilleriyachilar harbiy qismida ham bu borada talaygina ijobiy ishlar qilindi. Biz bugun harbiy qism kutubxonasi haqida so‘z yuritmoqchimiz. Kutubxonada ofitser va serjantlar hamda posbonlarning bilim olishlari uchun barcha imkoniyatlar mavjud.

– Kutubxonamizda posbonlarimiz uchun zarur barcha adabiyotlar yetarli, – deydi kutubxona mudirasi, Qurolli Kuchlar xizmatchisi Lola Mirzayeva. – Harbiy sohaga oid o‘zbek tilida chop etilgan kitoblar, ilmiy va badiiy adabiyotlar, shuningdek, respublikamizda nashr qilinayotgan gazeta va jurnallar, yuzdan ziyod axborotnoma va darsliklar ular ixtiyorida. Shinam va yorug‘ o‘quv zalida posbonlarimiz kundalik yangiliklardan xabardor bo‘lishlari uchun axborot burchagi tashkil qilingan. Bu yerda posbonlar respublikamizda ro‘y berayotgan ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma’rifiy va iqtisodiy yangiliklardan doimo ogoh bo‘lib borishadi.

Bilim maskanida askarlar o‘rtasida “Eng yaxshi kitobxon”, “O‘zbegim o‘g‘lonlari” kabi tanlovlarni o‘tkazish an’anaga aylangan.


– “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakati shahar bo‘limi, Respublika Ma`naviyat targ‘ibot markazi shahar bo‘linmasi hamda davlat va jamoat tashkilotlari bilan uzviy hamkorlikni yo‘lga qo‘yganmiz, – deydi ofitser Mahmud Yusupov. – O‘zbekiston mustaqilligining o‘n olti yilligiga qizg‘in tayyorgarlik ko‘rayapmiz. Unda shaxsiy tarkib o‘rtasida turli mavzuda tanlovlar, uchrashuv va davra suhbatlari tashkil qilishni rejaga kiritganmiz.

“Eng yaxshi kitobxon” tanlovida oddiy askar Hamid Minnorov o‘zining kitobga, ilmga bo‘lgan chanqoqligini namoyish etib, tanlov g‘olibi bo‘ldi.

– Yoshligimdan badiiy kitoblarni o‘qishni sevardim, – deydi oddiy askar H.Minnorov. – Harbiy xizmatga kelgan ilk kunlarimdanoq kutubxonaga a’zo bo‘lganman. Bu yerda davlat tilidagi harbiy sohaga oid kitoblar, ilmiy va badiiy adabiyotlar, jurnallar, risolalarni o‘qib, bo‘sh vaqtlarimni sermazmun o‘tkazayapman.

Kutubxona bilimlar makoni bo‘lsa, kitob insonning eng yaqin do‘sti hisoblanadi. Kutubxona mudirasi Lola Mirzayevaning aytishicha, posbonlar orasida kitob o‘qishga qiziqmaydigani yo‘q. Oddiy askarlar – Anasxon Saidov, Timur Jo‘rayev, Faxriddin Ismoilov, Ulug‘bek O‘rmonovlar esa eng faol kitobxonlardir.

Husniddin RAJABOV.
Komoliddin TO‘RAYEV suratga olgan.





SENGA QALQON FARZANDLARING, O‘ZBEKISTON

Vatan desa tuprog‘ini ko‘zga surgay,
Toki tirik ostonada posbon turgay,
Yurt hissini dilda doim tugib yurgay,
Yuragida orzulari osmon-osmon,
Senga qalqon farzandlaring, O‘zbekiston.

Tinchlik uchun qo‘lga qurol olguvchi u,
G‘animlarni tahlikaga solguvchi u,
Qasamiga so‘zsiz sodiq qolguvchi u.
Saralarning saralari urar javlon,
Senga qalqon farzandlaring, O‘zbekiston.

O‘g‘lonlaring Buxoriydek bobosi bor,
Amir Temur o‘gitlari ularga yor,
Yassaviyning saboqlari ham madadkor.
Bizday baxtli avlodlarga butun imkon,
Senga qalqon farzandlaring, O‘zbekiston.

Egnidagi harbiy libos savlat erur,
Jasurligu mardlik unga davlat erur.
Bu Vatanda yuzlab millat dilband erur,
Hech ajralmas ular bari bir tanu jon,
Senga qalqon farzandlaring, O‘zbekiston.

Bugun men ham hur Vatanning qalqoniman,
Shu zaminning Alpomishdek polvoniman,
Ular kabi O‘zbekiston o‘g‘loniman,
Bizlar buyuk kelajakmiz, metin qo‘rg‘on,
Senga qalqon farzandlaring, O‘zbekiston.

Фармон ва ижро

МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР АСОСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши юртдошларимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Мазкур Фармон мутахассислар иштирокида маҳаллаларда, ташкилот ва ўқув муассасаларда синчиклаб ўрганилмоқда ҳамда аҳолининг барча қатламларига унинг афзалликлари етказилмоқда.

Мамлакатимиз оилалари, хонадонлари ўзига хос. Баъзи хонадонларда бир нечта оилалар истиқомат қилишади. Миллатдошларимизга хос хусусиятлардан бири оилада ўзаро бир-бирларини моддий қўллаб-қувватлаш ғайритабиий ҳолат ҳисобланмайди. Юқоридаги Фармон бундай ҳолларда айниқса қўл келади.

Мамлакатимиз аҳолисининг каттагина қисмини ёшлар, ёш оилалар ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ҳал қилиниши мамлакат эртасининг мустаҳкам пойдеворига асос бўлади. Фармонда ёш оилалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш), уй-хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш мақсадида 2007 йил учун 50,0 миллиард сўм ажратилиши маъқулланган.

Мазкур Фармоннинг мақсади, унинг аҳамияти ҳақида жойларда тушунтирув ишлари кетмоқда. Шу мақсадга йўналтирилган тадбирлар Мудофаа вазирлиги тизимидаги қисм ва бўлинмаларда ҳам ўтказилмоқда. Худди шу мазмундаги мутахассислар иштирокидаги учрашув округ ҳарбий жамоаларидан бирида бўлиб ўтди. Учрашувда бош вазир ўринбосари – Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси, сенатор Светлана Инамова иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш департаменти директори ўринбосари Шуҳрат Каримов сўзга чиқиб, шу кунга қадар банкка мурожаат қилган оилалар, ўтказилаётган мониторинглар ҳақида батафсил тўхталди.

Республика акциядорлик тижорат Ипотека банки ипотека кредитлари бошқармаси бошлиғи Даврон Абдимўминовнинг суҳбати барчанинг эътиборини жалб қилди. У ўз суҳбатида банкка мурожаат қилишда керак бўладиган ҳужжатлар, бошланғич бадал, томонларнинг ҳуқуқлари, ёш оиланинг ёш чегараси, никоҳ ҳолати ва ҳоказолар ҳақида муфассал маълумот берди. Айнан шу маърузачига берилган кўпдан кўп саволлар тингловчиларнинг бу мавзуга бениҳоя қизиқишларини кўрсатиб турибди. Берилган саволларга эътибор қаратиб, шуни таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир айни вақтида, зарур жойда ўтказилди. Чунки ҳарбий хизматчилар орасида ҳам ёш оилалар салмоқли фоизни ташкил қиладилар.

Истеъмол кредитларига бериладиган имтиёзлар ҳам Фармонда кўрсатиб ўтилган. Унга кўра истеъмол кредитлари бошқалар учун бошланғич бадал ўттиз фоиз тўланса, имтиёзли ҳолатда бу 10 фоизни ташкил этади. Шуни қўшимча қилиб ўтиш лозимки, истеъмол кредитлари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун берилади. Шу каби ҳамма учун қизиқарли маълумотлар Республика акциядорлик тижорат микрокредит банк бошқаруви раиси ўринбосари Шукурулло Умуров суҳбатида келтириб ўтилди.

Эзгу мақсадга йўғрилган ҳар қандай фаолият қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланса, кутилган натижани беради. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган мазкур Фармон ҳақида олиб борилаётган тарғибот-тушунтирув ишларини ҳуқуқшунослар иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Тадбирда ҳуқуқий маслаҳатлари билан Республика Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилбаҳор Якубова қатнашди.

Фармон юзасидан уюштирилган учрашувда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан, никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди. Буларнинг барчасида оқилона тадбиркорлик, давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган эътибори, ғамхўрлиги мужассам.

Шу куни Бош вазир ўринбосари ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ҳам суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароитлари билан қизиқди. Учрашувда Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Ойниса Нодирова ҳарбий хизматчиларнинг оилалари яшаш даражасини янада яхшилашга қаратилган амалий ишлар ҳақида сўзлаб берди. Келгусида Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда олиб бориладиган тадбирлар режаси билан йиғилганларни таништирди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.

Безопасность дорожного движения

ГЛАВНЫЙ ФАКТОР – ОТВЕТСТВЕННОСТЬ

Особенностью задач, выполняемых автомобилистами подразделения, где служит офицер Султон Хасанов, является то, что водителям иногда приходится проезжать по дорогам крупных населенных пунктов. Казалось бы, там намного легче управлять техникой, чем в повседневной жизни, когда приходится штурмовать крутые подъемы горных дорог, преодолевать рытвины и ухабы полигонных трасс. Но и вождение в городе имеет свои трудности. Дорожное движение здесь характеризуется высокой интенсивностью, перенасыщенностью транспортными средствами.

Все это требует от человека за рулем высокой личной ответственности за порученное дело, исполнительности, твердого знания устройства машины, умения быстро обнаруживать и устранять возможные неисправности в пути. И, конечно, важно, чтобы водители качественно обслуживали ее и поддерживали в постоянной боевой готовности.

– Среди водителей, признанных в коллективе как пример для подражания, – говорит заведующий гаражом служащий Вооруженных Сил Республики Узбекистан Шароф Муслимбеков, – младший сержант Зафар Мамуров, служащие Вооруженных Сил Александр Титьянов, Ильхом Зокиров, Валерий Коровяковский, Заир Юсупов, Виталий Хлебников и другие, которые по итогам ежемесячных конкурсов за безаварийную эксплуатацию техники, содержание ее в образцовом состоянии завоевали передовые позиции. А призы, присуждаемые за это, служат дополнительным стимулом и создают здоровую конкуренцию.

Класс инструктажа водителя подразделения насыщен наглядной и агитационной информацией, плакатами по правилам дорожного движения. В целях профилактики дорожно-транспортных происшествий здесь регулярно проводятся инструктажи водителей, выходящих в рейс, включая владельцев личного автотранспорта. Врач Валентина Бондарчук проводит их тщательный медосмотр.

Строгий контроль готовности перед выходом в рейс проходят и автомобили на КТП парка. В этом плане им значительно помогают сотрудники ХАН Ташкентского гарнизона, периодически осуществляющие проверку технического состояния машин.

Инспектора ХАН гарнизона сержанта Зарифа Шокирова здесь знают хорошо не только по проводимым им экзаменам по требованиям ПДД. Его беседы, основанные на реальных примерах, вызывают большой интерес. Приведенные им примеры, с практическим показом и комментариями снимков с мест ДТП, невольно заставляют задуматься каждого слушателя о цене несоблюдения скоростного режима, вождения автомашины в нетрезвом состоянии, игнорирования знаков и сигналов светофора, неисправности транспортного средства, непристегнутых ремней безопасности, разговоров по мобильному телефону во время управления транспортным средством.

Следует отметить тот факт, что по итогам первого полугодия в данном воинском коллективе нет ни единого ДТП. А это, согласитесь, многого стоит.

Что ж, как видим, там, где к служебным обязанностям подходят с ответственностью и компетентностью, дорожат вверенным участком службы, ищут творческие подходы к делу – результаты говорят сами за себя.

Остается пожелать личному составу этого подразделения доброго пути!

Капитан Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».




Саломатлик гўшаларида

ЯНГИЛАНИШЛАР ЎЗ ЭЪТИРОФИГА ЭГА



Миллий армиямиз сафларида ҳар томонлама етук, соғлом ва бақувват йигитларимиз хизмат қилиши сир эмас. Айниқса, аскарларнинг профессионал шакллануви, жанговар шайлигида саломатликнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли ҳарбий қисмлардаги тиббиёт пунктларини замон талаби асосида жиҳозлаш, малакали тиббиёт ходимларини жалб этиш борасида Мудофаа вазирлиги томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда қайси бир ҳарбий жамоада бўлманг, тиббиёт пунктларида амалга оширилган улкан ўзгаришларга дуч келасиз.



Хизмат сафари билан юртимизнинг жанубий ҳудудларида бўлганимизда, ҳарбий қисмлардаги мана шундай саломатлик гўшалари билан танишишга ҳаракат қилдик.

Тарбиявий ишлар бўлими катта офицери капитан Одилжон Кушбаков билан қисм тиббиёт пунктига йўл олдик. – Тиббиёт пунктимиз ҳарбий шаҳарча аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади, – йўл-йўлакай изоҳ бериб ўтди тарбиячи офицер.

Ҳарбий қисмнинг алоҳида, кўркам биносида жойлашган ушбу саломатлик гўшасида бизни санитар йўриқчиси шартнома бўйича тиббий хизмат кичик сержанти Илҳомжон Умаров қарши олди.

Таъкидлаш жоизки, посбонларга хизмат кўрсатиш учун тиббиёт бўлимидаги хоналар шу куннинг талаби даражасида жиҳозланган. Уларнинг даволанишлари учун бир қатор хоналар мавжуд бўлиб, улар касаллик турига қараб ажратилган. Турли йўналишдаги муолажалар хонаси, дорихона, ўқув хонаси, ошхоналарга эътибор қаратилганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, ошхона ва ўқув хоналаридаги замонавий мебеллар диққатимизни тортди. Беморларнинг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган жой янада ўзига хос. Фақат ушбу гўшага тиббиёт бўлими ходимлари меҳр ва масъулият ила ёндашишса бўлгани. Яъни озодалик ва ораста лик бор жойда, қилинган меҳнат тез кўзга ташланади.

– Ҳарбий қисм посбонларига хизмат кўрсатиш учун тиббиёт пунктимизда йигирмадан зиёд ходимлар фаолият юритади, – дейди санитар йўриқчиси И. Умаров суҳбат давомида. – Биз ҳарбий шаҳарча аҳолисига, яъни ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига ҳам тиббий ёрдам кўрсатамиз. Бунинг учун ўз соҳасининг тажрибали ходимлари беморлар хизматига шай. Тиббиётда амалга оширилаётган ҳар бир янгиланишларга, ходимларнинг ўз устида ишлаши, малакасини ошириб боришига қисм тиббиёт бўлими бошлиғи тиббий хизмат капитани Шароф Қултўраев доимо эътибор қаратиб келмоқда. Шунинг учун шифокорларимиз сафи малакали ходимлар билан мустаҳкамланиб бормоқда, десам хато бўлмайди.

Хоналарни бир-бир кўздан кечирамиз. Тиббий хизмат кичик сержанти Икромжон Эсонов етакчилик қилаётган тиббиёт пункти дорихонасида дориларни сақлаш хонасининг шинам ва тартиблилиги диққатга сазовор. Бу ерда ҳар бир дори ишлатиш йўналишига қараб махсус идишларга жойлаштирилган. Физиотерапия хонаси эса посбонларнинг ушбу йўналишдаги муолажаларни тўлиқ олишлари учун керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

Шу ўринда санитар йўриқчи кичик сержант Умаровнинг хизмат фаолияти билан қизиқдик. Ушбу тиббиёт гўшасида 2001 йилдан буён хизмат қилиб келаётган Илҳомжон Термиз тиббиёт билим юртини тугатгач, 2002 йилда сержантлар тайёрлаш мактабининг фельдшерлар тайёрлаш бўлимини имтиёзли диплом билан битирганидан воқиф бўлдик. У 2006 йил округ миқёсида фельдшерлар ўртасида ўтказилган мусобақада «Йилнинг энг яхши фельдшери» йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритган экан.

Суҳбатимизга хулоса қиладиган бўлсак, ҳарбий қисмлардаги тиббиёт пунктлари посбонлар саломатлиги учун катта аҳамият касб этишини ҳар қадамда англаш қийин эмас. Бу зарурат эса Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида улкан янгиланишларга юз тутишига ишонамиз.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

МЎЙҚАЛАМДА ҲАЁТ СУРУРИ



Халқ ифтихори, миллий фахри бўлиш камдан кам одамларга насиб этадиган ғоят ноёб ҳодиса. Элу юрт, миллат тарихи-ю тақдирида чуқур из қолдирган ёхуд қолдирадиган улуғ шоир, олим, санъаткор ва бошқа инсонларнинг ҳаммаси ҳам доимо миллат фахрига айланавермайди.

Шундай олий мақомга мушарраф бўлган зотлар халқ дарди, орзу умидлари билан яшамоғи, бутун ҳаётини шу йўлдаги курашга бағишламоғи керак. Бу эса ниҳоятда машаққатли ва оғир иш. Бундай курашга ўзини бахшида этган одамдан эса кучли ирода, олижаноб қалб, фавқулодда фидойилик, катта жасорат ва шижоатдан ташқари Парвардигор ато этган туғма истеъдод ҳам талаб этилади. Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзовда бу фазилатларнинг барчаси мужассамлашган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Рассомлар дунёни кўнгил кўзи билан кўриб, қалб ранглари билан идрок этади. Ҳа, рассомлар идроки ранглар орқали дунёни тасаввур қилади. Ватанимиз тарихи, халқимиз урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, миллийлигимизни бўй-басти билан кўрсатишга интилган бу ижодкорнинг яратган асарларига назар ташласангиз, рассом учун қалб кенглиги, тасаввур қамрови беқиёслиги муҳим жиҳат эканлигини англайсиз. Саҳифамиз қаҳрамони Тўра Қурёзов Хоразмда туғилиб вояга етди. У ҳали ўрта мактабнинг бошланғич синфида ўқиб юрганидаёқ тасвирий санъатга қизиқиб, расмлар чиза бошлади. Бунда эса онасининг таъсири катта бўлди. Чунки онаси ҳам ҳаваскор рассомлардан эди.

– Онам боғчада тарбиячи бўлиб ишларди. Бўш вақтларида эса асосан расм чизиш билан шуғулланарди. Онамнинг чизган расмларига қараб, менда рассомчиликка қизиқиш уйғонди. Кейин ҳам қушлар, дарахтлар, умуман, табиат манзаралари акс эттирилган расмларни чиза бошладим. Онам мендаги қизиқишни кўриб, шаҳардаги рассомчилик тўгарагига олиб борди. Бу тўгарак менинг рассомчилик соҳасини танлашимда бир дебоча бўлди, десам адашмайман. Чунки у ерда мен кўп нарсани ўргандим. Бунда устозим Ольга Панавскаянинг хизмати катта бўлди. Тўгаракка то мактабни битиргунимча қатнашдим. Кейин эса Тошкентга келиб, Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирдим. Бу билим даргоҳида 5 йил ўқиб, тасвирий санъат сирларини қунг билан ўргандим. Ўқишни тугаттанимдан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси рассомлар уюшмасида фаолиятимни бошладим. Портрет жанрида кўплаб асарлар яратдим. Масалан, «Ота», «Гулойим», «Қизил рўмол ўраган аёл», «Ойим Камолова», «Хонум Халфа» деб номланган асарларим илк ижодим намуналаридир. Мен рассомлар уюшмасида ишлаш баробарида Нукус санъат музейи директори Игорь Савицкий билан доимий ижодий ҳамкорлик қила бошладим.

Мана шу инсон менинг тарихий асарлар яратишимга туртки бўлган. Чунки Игорь Совицкийнинг ўзи ҳам рассом, ҳам этнограф эди. Биз бирга овулма овул юриб, қадимги тақинчоқлар, керамика, сопол, мис, ёғоч идишларни экспонат сифатида йиғардик. Булар эса кейинчалик менинг тарихий асар яратишимда мукаммал чиқиши учун хизмат қилган. Яъни ижодимни бойитган.

Қорақалпоғистон рассомлар уюшмасида бир ярим йил ишлаганимдан сўнг менда институтда ўқиб, тасвирий санъатнинг ҳали мен билмаган сир-асрорларини ўрганиш иштиёқи пайдо бўлди. Ана шу иштиёқ сабаб, Тошкент театр ва рассомлик институтига ўқишга кирдим. Бу даргоҳда ўқиб, катта назарий тажриба орттирдим. Янги технологиялар ва хомашёларни, турли бўёқларнинг кимёвий хусусиятларини ўргандим…

Тўра Қурёзов институтни битирганидан сўнг ижодий фаолиятини Ўзбекистон Рассомлар уюшмасида давом эттирди. Ўша вақтларда ўз соҳасини севиб ижод қилди. Югославия, Болгария, Италия ва Ҳиндистон каби мамлакатларда сафарда бўлиб, ижоди учун илҳом олди.

Бориб-бориб матоларда тасвирий санъат асарларининг романтик кўриниши пайдо бўлди. Акварель мойбўёқ, қоғоз мато билан алмашди, манзаралар тобора маҳобатли ва фалсафий тус ола бошлади. «Кўҳна Урганч», «Орол фожиаси», «Тўрабика хоним», Хива қалъаси қурилиши тасвирланган «Оллоқулихон», «Комилжон Отаниёзов» деб номланган ишларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Мустақиллик рассом ижодида тарихийлик, миллийлик, маънавий қадриятларни акс эттиришдек сермаҳсул ижодий босқични бошлаб берди. Натижада у эркин ижод қилиш имконига эга бўлиб, кўплаб тарихий асарлар яратишга қўл урди. Тўра Қурёзов Ватанимиз тарихини суратларга муҳрлаётган энг сермаҳсул ижодкорлардан бири. Сирасини айтганда, тарихий жанрда асар яратиш кўпгина рассомлар учун қийинчилик туғдиради. Чунки улар халқ анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, орзу-интилишларини мукаммал билиши ҳамда ўша давр архитектураси, қурол-аслаҳалари, кийим-кечаклари, хуллас, тарихий жараённи пухта ўрганишлари керак бўлади. Ўз йўналишига эга бўламан, халқим ўтмиши ва келажаги хусусида авлодларда ёрқин тасаввур уйғотаман, деган рассом доимо изланишда бўлади. Чунки изланиш – муваффақият пойдевори, деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун ҳам Тўра Қурёзов тарихий мавзуга қўл уришдан олдин ўзи қаламга олмоқчи бўлган давр ва одамлар ҳақида кўпроқ билишга ҳаракат қилди. Кўплаб тарихий китобларга ва ривоятларга мурожаат этди. Бунда у энг майда деталларгача назардан қочирмасликка интилди. Мана шу интилиш ва изланиши натижасида «Огаҳий», «Зебуниса», «Севинбика», «Абу Райҳон Беруний», «Гўмарис», «Феруз», «Нажмиддин Кубро», «Мумтоз Бегим», «Анахита» каби асарлар дунёга келди. Жумладан, мусаввирнинг «Жалолиддин Мангуберди» (1998) асари ҳам тарихий китобларда берилган маълумотлар асосида ишланган бўлиб, унда чуқур мулоҳазали, қатъиятли саркарда сиймоси тасвирланган. Жалолиддиннинг қоядек мустаҳкам, мағрур ва айни чоғда жасоратли инсон эканлиги чеҳрасидан, қатъиятли кўз қарашларидан сезилиб турибди. Бу асар Президентимиз томонидан ҳам ҳақиқий Жалолиддин Мангуберди тимсоли сифатида тан олинган. Айтиш керакки, мазкур асар рассомнинг кўп йиллик тажрибаси билан бирга юксак маҳорати натижасида яратилган ноёб ишлар сирасига киради.

Тўра Қурёзовнинг тасвирий санъат асарлари бадиий ифодавийлиги билан ўзига хосдир. Унинг асарларида рамзийлик, фалсафийлик ва мажозийлик уфуриб туради. Рассом асар яратишда ғоят қизиқарли ва ўзига хос услубни қўллайди. Бу эса асарнинг ифодавий имкониятларини кучайтиради.

Анъанавий сюжетларга янгича ёндашиш рассом ижодий фаолияти асосидир. Масалан, муҳаббат, абадият, яхшилик каби тушунчаларнинг қарама-қарши кучлар билан тўқнашиши жараёнини ифодалаш баробарида ўз ижодий оламини яратишга ҳаракат қилади.

Ҳис-туйғулари ва ўй-фикрларини асарлари орқали ифодалаб келаётган Тўра Қурёзов ҳар сафар санъат ихлосмандларига бирор янгилик тақдим этишга ҳаракат қилади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Зеро, яхши асар ҳамиша машаққатли ва тинимсиз меҳнат, изланишлар ҳосиласидир.

Шубҳасиз, рассом ҳали кўп яхши асарлари билан мухлисларига завқ бағишлайди.

Рассом билан суҳбат чоғида шу нарса маълум бўлдики, ҳар қандай вазиятда ҳам мусаввир фақатгина ўз қалби ва шуурида акс этган шуъла ҳароратидан мухлисларини баҳраманд этмоғи керак. Масалан, табиат манзараси, бу манзарани ҳар бир рассом ўз дунёқараши ва ҳиссиётидан келиб чиқиб турлича тасвирлайди, турлича ранг танлайди. Истеъдоднинг маҳорати ҳам шунда.

Зотан, рассомнинг қилган иши, халқига, Ватанига қолдираётган ажойиб мероси унинг иқтидорини белгилайди.

Бу борада Тўра Қурёзовни бемалол омадли ижодкор, деб айта оламиз. Ёрқин ранглар ва тиниқ тасвирлар излаётган бу мусаввир учун забт этилажак чўққилар бисёр. Биз бунга ишонамиз.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

23 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.50 Олтин мерос.
9.00 1. «Аловуддиннинг сеҳрли шамчироғи». Болалар учун фильм.
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
10.35 «Одами эрсанг...»
11.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда акс этган дунё».
11.30, 12.50 «Фотима ва Зуҳра». Спектакль.
13.45 Видеоят наволари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ватанпарвар».
16.10 «Ҳаёт манзаралари».
16.20 «Муқаддас қадамжолар». «Болалар сайёраси»:
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Мингбулоқ». Премьера.
17.25 «Ҳаёт ва қонун».
17.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Умр дафтари».
М. Уйғур. 1-қисм.
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр дафтари». 2-қисм.
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Шарқ тароналари».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Сополда акс этган дунё».
00.30 «Чемпион сирлари».
00.50 «Самарқанд – 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.35 Олтин мерос.
01.45 «Фотима ва Зуҳра». Спектакль.
04.00 «Ахборот».
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон – 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 11-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Якшанба нонуштаси».
16.40 «Journal».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
18.00 Миллий сериал: «Лайли ва Мажнун».
18.35 «Мумтоз наво».
18.50 «UzEX хабарлари».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Биз киммиз?»
20.30 «Ёшлик наволари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.40 Ижтимоий ҳимоя йилига: «Матонат».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25 «Мусиқа-SMS».
19.45 «Саломат бўлинг».
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «ТВ-юрист».
20.20 Голубая планета: «Сезонные моря». 2-я серия.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «ТВ-юрист».
21.50 «Телекурьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» (рус.).
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Остров». 1-я серия.
23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 23 июль куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Болалар спорти».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 «ПрофРИНГ».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Футбол шарҳи.
22.10 Кино: «Фаворит». Художественный фильм.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

24 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 1. «Ўйла! Изла! Топ!»
2. «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
9.55 «Ҳаёт манзаралари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Япон боғи».
12.20 «КиноТеатр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Интеллектуал ринг».
16.15 «Марғилон – 2000».
16.20 «Мозий сирлари». 1-қисм.
16.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «ИИВ хабарлари».
17.35 «Эзгулик».
17.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Рангин дунё».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва бизнес янгиликлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Қиплоқ ҳаёти».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тилларанг риштлар жозибаси».
00.30 «Қиплоқ ҳаёти».
00.50 «Самарқанд – 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон – 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 Миллий сериал: «Меҳробдан чаён». 12-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Пуаро». Сериал.
9.50 «Бизнинг байрам!»
10.00 «ДАВР».
10.15 «Даврнинг боласи».
10.30 Таътил туҳфаси: «Кики» элтувчи хизмати».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Камолот» хабарлари.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
16.30 «Оила тилсими».
16.50 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 «Мурувват».
18.00 Сериал: «Лайли ва Мажнун».
18.35 «Мумтоз наво».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Ёлғончилар қасри».
9.45 «Аёл қалби».
10.00, 11.20, 20.15 «ТВ-юрист».
10.30 «Интервью».
10.40 «Саломат бўлинг».
10.50 «Туризм ҳақида».
11.30 Кино: «Остров». 1-я серия.
17.55 «Чинининг саргузаштлари».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.45 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Коралловые моря». 1-я серия.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Боғ аро».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Остров». 2-я серия.
23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 Велоспорт. Тур де Франс.
11.15 Академическая гребля. Кубок мира.
11.45 Автоспорт. Гран-при.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Футбол мундиал».
19.55 «Анонс».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 Спорт – менинг ҳаётим».
21.00 Стрельба из лука. Чемпионат мира.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Кино: «Кто кого есть». Художественный фильм.
23.20 Еврофутбол. Товарищеский матч. «ЛА Гэлакси» (США) – «Челси» (Англия).
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

25 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 13.45 Олтин мерос.
8.50 1. «Олтин тож». Телеўйин.
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд – 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Икки тақдир». Телесериал.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 «Ҳамкасб».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Ҳаёт манзаралари».
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.10 «Мозий сирлари». 2-қисм.
16.30 1. «Бизнинг қутубхона».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Марғилон – 2000».
17.45 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Муқаддас қадамжолар».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик».
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс». Сериал.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тандир, арча, олов».
00.30 «Муқаддас қадамжолар».
00.50 «Самарқанд – 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Мисли гавҳар».
03.10 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.25 «Назм ва наво».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Марғилон – 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Меҳробдан чаён». 14-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Пуаро». Сериал.
9.50 «Бизнинг байрам!»
9.55 «Иқлим».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Даврнинг боласи».
10.30 Таътил туҳфаси: «Сичқонча Пересинг саргузаштлари».
12.00 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Мурувват».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Матонат».
16.35 «Ёшлар симфонияси».
16.45 «Таълим ва тараққиёт».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Сериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
18.00 Миллий сериал: «Лайли ва Мажнун».
18.35 «Мумтоз наво».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Мультфильм.
9.50 «Ҳимоя».
10.00, 11.10, 20.15 «ТВ-юрист».
10.30 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.00 «Репортаж».
11.20 Кино: «Остров». 2-я серия.
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25 «Мусиқа-SMS».
19.45 «Мисли гавҳар».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Коралловые моря». 2-я серия.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Моҳир».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Дежурный папа».
00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Болалар спорти».
11.00 Велоспорт. Тур де Франс.
11.30 Академическая гребля. Кубок мира.
15.15 Футбол. Осиё кубоги. Ярим финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Тет-а-тет».
17.15 «Анонс».
17.20 «Мир авиации».
17.40 «Мусиқий тайм».
18.00 «Спортклуб».
18.15 Футбол. Осиё кубоги. Ярим финал. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
20.15 Футбол. Осиё кубоги кундалиги.
20.40 «Чужие тайны». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 Кино: «Кто кого есть». Художественный фильм.
23.20 Енгил атлетика. Гран-при.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

26 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.45 «Олти жаҳонгашта».
9.50 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
10.55 Дунё иқлими.
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Ҳайвонот боғи».
12.25 «Одамлардан бири».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Одам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бунёдкорлик».
15.30 «Оҳанрабо».
16.10 «Тарих кўзгуси».
16.30 1. «Болалар дунёси».
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 «Имконият».
17.40 «Шифокор қабулида».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Бир жиноят изидан».
18.35 «Минг бир ривоят».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.15 «Юртим кишилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон».
22.05 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.05 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.15 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
00.05 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нишонлик мироб».
00.35 «Афросиёб афсоналари».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.00 «Мисли гавҳар».
03.10 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.25 «Назм ва наво».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Марғилон – 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Меҳробдан чаён». 14-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Пуаро». Сериал.
9.50 «Бизнинг байрам!»
10.00 «ДАВР».
10.15 «Даврнинг боласи».
10.30 Таътил туҳфаси: «Стюарт Литтл-1».
11.50 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Автопатруль».
16.40 «Чемпион сирлари».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Ҳужжатли сериал.
17.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
18.00 Миллий сериал: «Лайли ва Мажнун».
18.35 «Мумтоз наво».
18.50 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.55 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Сериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Мультфильм.
9.35 «Хор жамоасининг концерти».
9.50 «Мисли гавҳар».
10.00, 10.55, 20.15 «ТВ-юрист».
10.10 «Интервью».
10.40 «Моҳир».
11.05 Кино: «Дежурный папа».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.45 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Приливные моря». 1-я серия.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Тоғлар».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Такси-4».
00.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

Документальный фильм.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.05 «Беллашув».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Шарқ яккакурашлари».
21.10 «Гейм-Сет-Матч».
21.25 «Анонс».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Розыгрыш».
22.30 «Развод и девичья фамилия». Художественный фильм. 1-я серия.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

27 ИЮЛЬ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 17.15 Олтин мерос.
8.50 1. «Цирк, Цирк, Цирк».
2. «Қундуз амакининг қиссалари».
9.40 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Минг бир ривоят».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Кавингтон Кросс». Сериал.
12.05 «Рангин дунё».
12.25 «Бир жиноят изидан».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45 «Зилол». Фольклор қўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
15.10 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» хазинасидан.
16.05 Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
16.25 «Яхшилар ёди».
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.20 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили.
17.40 «Шўрданак». Ҳажвий дастур.
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Ҳидоят сари».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Сизнинг адвокатингиз».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Ватан фидойилари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Янги оҳанглар». Маҳмуд Намозов ва «Сурхон» гуруҳи.
22.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.10 «Кавингтон Кросс».
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 «Мингбулоқ».
00.30 «Дунё таомлари».
00.50 «Самарқанд – 2750».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.35 «Янги кун».
03.05 «Самарқанд жавоҳирлари».
03.45 «Ҳаёт манзаралари».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон – 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Меҳробдан чаён». 15-қисм.
05.30 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Пуаро». Сериал.
9.50 «Бизнинг байрам!»
10.00 «ДАВР».
10.15 «Даврнинг боласи».
10.30 Таътил туҳфаси: «Стюарт Литтл-2».
11.45 «Кино-SMS».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болаларга жониворлар ҳақида». Ҳужжатли сериал.
13.55 «Болалар табассуми».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.45 «Тасвир ва таассурот». Салькадор Дали.
18.00 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Замона дурдонаси».
18.30 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.35 «Мумтоз наво».
18.45 «Сифат белгиси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Ёшлик наволари».
20.40 «Ватаним!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.35 «Дунё таомлари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 Жаҳон киноси: «Қайчиқўл Эдвард».
00.30 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 «Хом хаёл». Мультфильм.
9.35, 10.25 «ТВ-юрист».
10.00 «Анонс».
10.05 «Иқтисод-ревю».
10.15 «Интервью».
10.35 Кино: «Такси-4».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.45 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Приливные моря». 2-я серия.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: «Маърифат фидойилари».
22.50 Кино: «Успеть до полуночи». 1-я серия.

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.35 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Ринг».
11.15 Велоспорт. Тур де Франс.
11.45 «Спорт салтанати».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Формула-1».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Стать ближе».
Шоу-программа.
22.30 Кино: «Развод и девичья фамилия». Художественный фильм. 2-я серия.
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

28 ИЮЛЬ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Мусиқа дунёси».
9.40 1. «Дидар». 2. «Қорақалпоқнома».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20». Кавингтон Кросс». Сериал.
12.10 «Заковат».
13.00 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Дил таронаси».
14.30 «Бекат».
14.55 «Малласоч хоним».
16.10 «Шарқ тароналари».
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобақа.
2. «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.25 «Шахсий фикр».
18.00 «Саломатлик сирлари».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Минг бир ривоят».
18.35 «Меҳр кўзда».
19.15 «Сутурта оламида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Кўҳна оҳанглар».
22.00 «Бургунд қасрининг сирлари». Бадиий фильм.
23.25 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.35 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.50 ТВ-анонс.
23.55 «Қизлар давраси».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.40 «Янги кун». Информацион дам олиш дастури.
03.10 «Оҳанрабо».
03.50 «Самарқанд – 2750».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ анонс.
04.35 Миллий кино: «Тақдиринг қўлингда».
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
9.00 «Ер сайёраси». Илмий-оммабоп фильм.
9.50 «Бизнинг байрам!»
10.00 «ДАВР».
10.15 «Даврнинг боласи».
10.30 Таътил туҳфаси: «Стюарт Литтл-3».
11.40 «Солиқ хизмати хабарлари».
11.50 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Сериал.
12.50 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.00 «ДАВР».
13.15 «Даврнинг боласи».
13.30 «Болалар табассуми».
13.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади: «Истиқбол тимсоллари».
13.45 «Матонат».
14.00 «Муҳаббат ва эҳтирос». Сериал.
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.50 «Биз киммиз?»
18.10 «Замонлар оша келажак сари».
18.15 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Имом ал-Бухорий».
18.30 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.35 «Мумтоз наво».
18.45 «Каталог».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Акс». Ток-шоу.
20.10 «Дилроз». Мусиқий дастур.
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
21.50 «Ватаним!»
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Жаноб Бин дам олишга чиқади».
14.30 «ЯНГИ КУН».
16.00 «ДАВР».
16.15 «Бу байрам – барчамизники!»
16.20 «Интерфутбол».
17.50 «Биз киммиз?»
18.10 «Замонлар оша келажак сари».
18.15 «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этади: «Имом ал-Бухорий».
18.30 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
18.35 «Мумтоз наво».
18.45 «Каталог».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Акс». Ток-шоу.
20.10 «Дилроз». Мусиқий дастур.
20.40 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Сериал.
21.40 «Ҳеч нима ҳақида битиклар»
21.50 «Ватаним!»
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Жаноб Бин дам олишга чиқади».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Дни летних каникул: «Астерикс и викинги».
10.35, 11.55, 20.15 «ТВ-юрист».
10.45 «Маърифат фидойилари».
11.00 «Саломат бўлинг».
11.35 «Репортаж».
12.05 «Успеть до полуночи». 1-я серия.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.30 «Мусиқа-SMS».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 Голубая планета: «Побережье». 1-я серия.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига: «Истеъдод».
22.50 «Успеть до полуночи». 2-я серия.

СПОРТ

7.30 «Хабарлар» (ўзб тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 Мультфильм.
9.20 «Смак».
9.55 «Соғлом оила».
10.25 Нокаут.
10.45 Велоспорт. Тур де Франс.
11.15 «Военное дело».
11.35 «Жаҳон спорти ялдузлари».
11.55 «Путешествия натуралиста».
12.20 «Звёзды на льду». Шоу-программа.
17.30 Футбол. Осиё кубоги. 3-ўрин учун. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда «Хабарлар» (рус тилида).
19.30 Футбол. Осиё кубоги кундалиги.
20.00 «Файзли ошхона».
20.25 «Мусиқий тайм».
20.40 «Заёзный матч».
21.00 SMS-РИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-комедия (запись).
23.20 Футбол. Осиё кубоги. 3-ўрин учун.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

29 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
10.15 «Саломатлик сирлари».
10.35 «Уч бека». Телесериал.
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Денгиздан томчи».
11.45 «КиноТеатр».
12.10 «50/50». Ток-шоу.
13.00 «Девдас». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон).
14.30 ТВ-анонс.
14.35 «Девдас». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.05 1. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
2. «Жасур кийикча». Мультфильм.
17.00 ТВ-анонс.
17.05 «Интеллектуал ринг».
17.50 «Одами эрсанг...»
18.10 «Оҳанглар оғушида».
18.20 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.

ИНСОНПАРВАРЛИК – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунки ушбу Фармон ва Қонун инсоннинг Конституциямизда белгилаб берилган яшаш ҳуқуқини таъминлашда мустаҳкам замин ҳисобланади. Инчунун, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилади Конституциямизнинг 24-моддасида. Мазкур ҳуқуқ – инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, унинг ҳаёт кечириши кафолатидир, десак ҳеч бир муболағага ўрин қолмайди.

Амалиётдан маълумки, ўлим жазосининг тайинланиши маҳкумни ҳам руҳан, ҳам жисмонан изтиробга солади. Жазонинг ижро этилиши эса маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас, яъни уни ахлоқан тузатмайди, балки маҳкумнинг биологик фаолиятига сўнгги нуқта қўяди, холос.

Тарихга назар солсак, ўлим жазоси дастлаб қасд олиш, оммавий жазолаш тури сифатида, кейинчалик эса жиноий жазо тарзида шаклланган. Уни амалга ошириш энг даҳшатли кўринишларда – оловда куйдириш, бошини чопиш, сувда чўктириш, тириклайин кўмиш, тошбўрон қилиш, дорга осиш, минорадан улоқтириш (Бухородаги Минораи Калонда сўнгги қатл 1884 йилда амалга оширилган) каби усуллардан омма олдида ижро этилган.

Ўрта асрларда ўлим жазоси жиноятчиликка қарши курашда асосий жазо тариқасида қўлланилгани тарихдан маълум. Мисол учун, Германияда Карл V даврида 100 минг нафар, Англияда Генрих VIII томонидан 70 минг нафар, Нидерландияда Филипп II томонидан 18 минг нафар кишига ўлим жазоси белгиланган. Россия тарихида Иван Грозний даврида қабул қилинган «Суд» ҳужжатида (1550 йил) 60 турдаги жиноятга ўлим жазоси кўзда тутилган. Аммо мисолларда келтирилган барча даврларда жиноятчилик камайиши ўрнига йилдан-йилга ошиб боргани тарихий ҳақиқат.

Дарҳақиқат, Шарқнинг машҳур фирқшуноси Бурҳониддин Марғилоний ўзининг «Ҳидоя» асарида «Жазонинг мақсади – жиноят содир этмаслик учун қўрқитиш..., таъзир жазоси – инсонни тузатиш демакдир», дея таъриф беради. Ҳақиқатан, ўтмишда ўта оғир жиноят содир этилгандагина ўлим жазоси белгиланган. Жиноят содир этилганлигини фош этиш учун ниҳоятда синчковлик, ҳар томонлама тўла, холис ва асосли равишда ўрганилган. Ўрганиш жараёнида ҳар қандай шубҳа ва гумонлар айбдор фойдасига ҳал этилган. Шунингдек, ўлим жазосини қўлламаслик учун барча чора ва имкониятлардан фойдаланилган.

Дарвоқе, жуда қадимдан буён дунё ҳуқуқшунослари, олимлар, амалиётчилар, сиёсатчилар, файласуф ва руҳшунослар ўлим жазоси ҳақида баҳс-мунозаралар юритиб келганлар. Ўлим жазоси ўта шафқатсиз жазо эканлиги, уни қўллаш жиноятчиликнинг камайишига олиб келмаслиги ва бесамар жазо тури эканлиги кўп бора айтилганлиги тарихий мисолларда келтирилган.

Сўнгги аср, яъни 20 аср ўрталарига келиб ўлим жазосини бекор қилишга оид халқаро меъёрлар минтақавий даражада ривожланган.

Европа Кенгаши томонидан 1950 йилнинг 4 ноябрида ишлаб чиқилган ва 1953 йилнинг 3 сентябридан кучга кирган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича Европа Конвенциясининг 2-моддаси ҳар бир шахснинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини эътироф этади ва «Мутлақо зарурият доирасида куч ишлатиш «Натижасиз бўлса, қонуний ўлим жазосини инкор этмайди. Ушбу Конвенцияга қўшимча 6 та протокол эса Европа мамлакатларида тинчлик пайтида бутунлай ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган. Конвенциянинг 13 та протоколи уруш пайтида ҳам тинчлик пайтида ҳам ўлим жазосини тақиқлайди.

Шунингдек, БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 1984 йил 5 майда маъқулланган «Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари» ва 1989 йил 24 майда тавсия этилган «Қонунсиз ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари» номли халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қанча талаблар қўйилган. Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳам ўз аксини топган. Буни мамнуният билан тилга олишимизнинг сабаби эса ўлим жазосига оид ушбу қонунчилигимиз халқаро андозаларга мос эканлиги бўлди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОННИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИ ИНСОН ҲАЁТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ЭКАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт»нинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 15 декабрда қабул қилинган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив Баённомаси барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда мазкур баённомага 62 мамлакат қўшилган. Ана шу давлатлар қаторидан Ўзбекистон ҳам ўрин олган. Қолаверса, жаҳон миқёсида долзарб муаммо бўлиб турган бир пайтда кўпгина ривожланган давлатлардан илгарилаб, ўлим жазоси билан боғлиқ масалани ижобий ҳал эта олганлигимиз энг катта ютуғимиздир. Бунинг натижасида эса инсонлар тақдирига бефарқ эмаслигимизни ҳам исботладик.

Дарҳақиқат, ҳозирда суд-ҳуқуқ тизимида юз бераётган ислоҳотлар жамиятимиз ҳаётида кенг даражада муҳокама қилинаётган масалалардан бири саналади. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланганидек, жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосининг бекор қилиниши ва унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг изчил давом эттирилаётганидан далолатдир. Қонуннинг биринчи моддасига кўра, Жиноят кодексининг 15-моддасига ўзгартиш киритилиб, ўта оғир жиноятларни қасддан содир этиб, ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар кўрсатиб ўтилган. Жиноят кодексидаги 43-моддадаги жазо тизими ҳам ўзгартирилиб, асосий жазолар турига умрбод озодликдан маҳрум қилиш киритилган. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг учинчи қисми) учун назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга Жиноят кодексининг 50-моддасига узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишнинг тушунчаси ва унинг қўлланиш чегарасини белгиловчи норма киритилди. Жумладан, йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (ЖК 97-моддасининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЖК 155-моддасининг учинчи қисми) учун назарда тутилади. Шунингдек, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.


Таъкидлаш жоизки, жиноят кодексининг яна бир қанча моддаларига, жумладан, 51-моддага, 58-модданинг иккинчи қисми, 59-модданинг 4,5,6,7-қисмларига 60-модданинг 3,4,5,6-қисмларига, 64-модданинг 6-қисмига, 69-модданинг 5-қисмига, 73-модданинг 4-қисми, 76-модданинг 3,4-қисмларига, 97-модданинг 2-қисми, 155-модданинг 3-қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Айни пайтда Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимча эса бевосита умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини таъминлаш билан боғлиқдир.

Умуман олганда, Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармоннинг эълон қилинганлиги инсон ҳаёти ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият эканлигидан далолат. Шунга кўра қабул қилинган Қонун замирида халқпарварлик, инсонпарварлик ва бағрикенгликдек, халқимизга хос фазилатлар мужассамлиги билан аҳамиятли бўлиб қолади.

Гулсумхон ШОДИЕВА.

ҲАР СОҲАДА ЎЗЛИГИМИЗ НАМОЁН



Тошкенбой ЭГАМБЕРДИЕВ







(Давоми. Боши 1-бетда).

Замонавий цирк санъати эса 100 йилдан ошиқроқ аввал, яъни XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига Россия ҳамда Европа давлатларидан аттракцион ўйинлари келган вақтда шакллана бошлади. Бу эса ўзбек цирк санъатининг янада ривожланиб, жаҳон цирк саҳналарига чиқишига йўл очди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши миллий цирк санъати тарихида ҳам янги даврни бошлаб берди. Буни ўзбек цирк санъатининг сўнгги ўн беш йиллик тараққиётига назар ташласак, яққол кўрамиз. Миллий санъатимизнинг бу тури тарихан жуда қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган даражада равнақ топди ва халқаро цирк майдонида муносиб ўрин эгаллади. Бу даврда цирк репертуари анча кенгайди, янги асарлар билан бойиди. Юртимизда моҳир ўзбек цирки усталари билан бир қаторда ёш ижрочилар етишиб чиқдилар. Улар цирк санъатини миллий руҳдаги, янги шакллардаги халқчил асарлар билан тўлдирдилар.

Давлатимиз бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, ўзбек цирк санъати усталарининг самарали ижод қилишлари, янги-янги халқчил асарлар яратишлари, маҳоратларини оширишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берган ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

1991 йил Тошкент циркига дорбозлар сулоласи асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев номи берилди, бино замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди. 1996 йилда эса Тошкентда эстрада-цирк коллежи ташкил этилди. У цирк санъати йўналиши бўйича Марказий Осиёдаги ягона махсус ўқув даргоҳидир. 1998 йилда ёш истеъдодларга амалий ёрдам бериш мақсадида Карима Зарипова раҳбарлигида Тошкент цирки қошида болалар студияси очилди. Болалар бу ерда тажрибали мураббийлар ёрдамида ўз имкониятларини турли жанрларда синаб кўриб, катта манежга йўлланма олишмоқда. Булардан ташқари, шу йиллар мобайнида цирк усталари томонидан бир қатор бадиий, ранг-баранг цирк дастурлари, аттракционлари ва алоҳида миллий халқ ўйинларидан таркиб топган номерлар яратилди. Ўзбек цирк санъати вакиллари бир қатор нуфузли халқаро фестиваль ва кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашдилар. Циркнинг гастроль харитасида янги мамлакатлар, янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди.

1992 йилдан иш бошлаган «Ўзбекдавлатцирк» республика бирлашмаси бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширди. Чунончи, бирлашмани тузишдан мақсад, анъанавий цирк санъатининг унутилган турларини тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий асарлар билан бойитиш, ёш истеъдодли ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ўсишлари учун зарур шароит яратиб бериш, юксак маҳоратга эришган анъанавий жамоаларни профессионал цирк майдонига олиб чиқиш, мавжуд цирк таълимини ислоҳ қилиш, ўзбек циркининг чет элларга гастроль сафарлари уюштириш эди. «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси билан ўзбек миллий цирк санъати усталари ана шу эзгу ишларни рўёбга чиқариш устида қунт билан меҳнат қилишлари ажойиб самара бермоқда.

Шу йиллар мобайнида ўзбек миллий цирк санъатини дунёнинг турли мамлакатларида намойиш этиш имконияти вужудга келди. Табиийки, бу цирк усталаридан замонавий томошабинларни тўла қаноатлантирадиган ижрочилик маҳоратини талаб этади. Худди шундай бўлди ҳам. Жозибали, қизиқарли, томошабинларга завқ-шавқ берадиган цирк томошалари яратилди. Мазкур томошаларга чет эллик цирк таднбиркорларининг қизиқиши ортиб борди. Миллий тусда безатилган анъанавий ва замонавий ўйинлардан иборат дастурлар Миср, Иордания, Фаластин, Покистон, Малайзия цирк санъати ихлосмандлари томонидан қизғин кутиб олинди. Бундан ташқари, турли номер ва аттракционлар халқаро цирк дастурларига киритилиб, Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Ливан, Бирлашган Араб Амирлиги, Эрон мамлакатларида муваффақиятли намойиш этилди. Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳи 1996 йилдан бошлаб Европа мамлакатларида гастроль сафарида бўлиб, икки мингдан зиёд томоша кўрсатди.

Ҳа, ўзбек цирк санъати усталарининг довруғи жаҳон бўйлаб таралмоқда. Дунё халқлари ўзбек халқининг миллий цирк ўйинларини завқ-шавқ билан томоша қилмоқдалар.

1997 йилнинг январь ойида жаҳондаги энг кўҳна циркдан бири – Париждаги Буглион циркида ёш цирк артистларининг анъанавий халқаро фестивали бўлиб ўтди. Цирк оламидаги бундай нуфузли анжуманда қатнашиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан истеъдодли ижрочилар келиб, ўз санъатини турли жанрларда намойиш этишди. Улар қаторида ўзбекистонлик 15 ёшли Карима Зарипова ҳам бор эди.

У юксак маҳорат билан намойиш этган «Пластик этюд», яъни «бесуяк» ўйини, акробатика жанридаги ниҳоятда мураккаб ва камдан-кам ижро этиладиган машқлардан тузилган бўлиб, бу барча цирк томошабинлари ва мутахассислари орасида катта қизиқиш уйғотди. Аслида «бесуяк» ўйин анъанавий ўзбек циркида муаллақчиликнинг бир тури саналади. Бу ҳам миллий ўйинларимиз сирасига кириб, ўтмишда «бесуяк» ўйинларини одатда ҳали суяги қотмаган ёш болалар ижро этишган. Бу ўзига хос миллий цирк ўйини қадим замонлардан то бизнинг кунгача сақланиб келди. XX асрнинг охирида эса мазкур санъат жаҳон цирки майдонида Карима Зарипова томонидан биринчилардан бўлиб намойиш этилди. Айнан мана шу воқеа ўзбек цирки тарихида алоҳида саҳифа бўлиб қолди десак, хато бўлмаса керак. Чунки у ўз чиқишлари орқали фестивалнинг энг олий мукофоти – олтин медални қўлга киритиб, ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Францияда нашр этиладиган рўзномалар унга «цирк санъатининг юлдузчаси» деган ном беришди. Ушбу фестивалдан аввал К.Зарипова яна бир ижодий беллашувда муваффақиятли иштирок этган эди.

1994 йилда Монако қироллигининг пойтахти Монте-Карлода бўлиб ўтган VI халқаро болалар цирки фестивалида қатнашиб, лауреатлик унвонига сазовор бўлди ва Монако телевидениеси ва матбуотининг махсус соврини билан мукофотланди. Шундан сўнг у фестиваль иштирокчиларидан тузилган катта цирк дастурида АҚШ, Япония ҳамда Европанинг бир қатор мамлакатлари бўйлаб узоқ давом этган гастроль сафарида иштирок этиб, хорижий томошабинларга ўзининг ноёб ва нафис ҳаракатлари орқали ўзбек миллий цирк санъати намуналарини намойиш қилди.

1995 йилнинг сентябрида Тошкентда Биринчи Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросимида дорбоз Тоҳир Тошкенбоев қатнашиб, спорт тарихида биринчи маротаба Олимпиа машъаласини дор устидан олиб ўтди. Дорбознинг бу жасоратига Халқаро Олимпиа Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч юксак баҳо бериб, Т.Тошкенбоевга ўзининг махсус совғаси ва Фаъхрий ёрдиғини топширди. Москвада 1996 йилда илк бор ўтказилган Биринчи халқаро цирк санъати фестивалида Э. Арзуманов раҳбарлигидаги миллий услубда саҳналаштирилган «Туялар устидаги акробатлар» аттракциони намойиш этилиб, учинчи ўринни эгаллади ва Олий мукофотлардан бири – «Бронза айиғи» совринини қўлга киритди.

Бирлашган Араб Амирлиги пойтахти Дубай шаҳрида 1999 йилда бўлиб ўтган Биринчи халқаро фестивалда ҳам мамлакатимиз вакиллари – Тўлқин Болтабоев раҳбарлигидаги «Дорбозлар» гуруҳи ва Казбек Караевнинг «Чавандоз йигитлар»и қатнашиб, иккинчи ўринни эгалладилар. Шу йили Саратов шаҳрида ўтказилган Иккинчи Бутунроссия цирк фестивалида ёш полвон Фахриддин Аҳназаров ҳам иштирок этиб, «Российская газета»нинг махсус совринини билан мукофотланди. Кўп вақт ўтмай, Фахриддин полвонлик ўйинлари билан Нью-Йорк ва Лас-Вегасдаги минглаб томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ф.Аҳназаров АҚШнинг «Фокс» телекомпанияси таъсис этган «2000 йилнинг энг яхши артисти» деган унвонига ҳам эга бўлган.

XXI асрнинг дастлабки кунларида Бельгиянинг Льеж шаҳридан хушхабар келди. У ерда 2000 йил 17 декабридан 2001 йилнинг 7 январигача Европа циркларининг анъанавий X фестивалида жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган цирк артистлари қаторида ўзбек цирк усталари – Республикада хизмат кўрсатган артист Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳи ҳам иштирок этди. Фестиваль натижаларига кўра, улар энг олий совринлардан бири «Маҳорат ва жасорат» кубогини қўлга киритишди.

Шу ўринда ушбу гуруҳ фаолияти ҳақида қисқача тўхталсак. Бу жамоа ўз фаолиятида миллий циркнинг кўп асрлик анъаналарини давом эттириб келаётган ва халқ орасида шуҳрат қозонган бир қатор дорбоз, симбоз, муаллақчи, масхарабоз, полвонларга таянади. Гуруҳ ташкил этилганидан то ҳозирги кунгача дорбозлик санъати янги поғонага кўтарилиб, репертуарларига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Муҳофаза воситаларидан фойдаланиш натижасида 20-25 метр баландликда тортилган дор устида янги мураккаб ўйинларни намойиш этиш учун имконият яратилди. «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳида кўп йил мобайнида Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев, Эргаш Парпиев, Ҳотам Маджалиев, Ҳакимжон Парпиев, Ниёз Нурматов, Одилжон ва Олимжон Ҳакимовлар, Юнусали Ғозиев, Шарофиддин Юсупов, Зокиржон Тошкенбоев, Муҳаммаджон Ёқубов, Комилжон Эрматов, Юсуфжон Тешабоев ва бошқалар самарали ижод қилиб, миллий циркнинг турли жанрларида ўз маҳоратларини намойиш қилиб, томошабин олқишига сазовор бўлишди.

«Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳи Европада бўлиб ўтган «Евроосиё юлдузлари» деб номланган катта цирк шоусида ҳам қатнашиб ўз маҳоратларини намойиш этишди ва бир неча мавсум Молдавиядан Узоқ Шарққача ўнлаб шаҳарларда ижодий сафарларда бўлиб келишди. Айни пайтда бу жамоа қадимий дорбозлик анъаналарини замонавий циркнинг бадиий ифода воситалари билан бойитиб келмоқда.

Ҳозир МДҲ мамлакатларидаги циркларнинг орасида Тошкент Давлат цирки энг кўркам масканга айланган. У ерда ижод қилаётган артистлар мунтазам гастроль сафарларида, ҳамиша томошабинлар ҳузурида. Улар ўзларининг завқбахш ва мафтункор санъатлари билан жаҳон цирки тарихида ёркин саҳифалар ёзиб қолдиришади, деган умиддамиз.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.

МУСТАҚИЛЛИК МИНОРАСИ

Ўн йилча бурун Бухородаги Минораи Калонни кўриб, ўғлим ҳайрат билан сўраган эди:

– Дада, бу минорани кимлар, қачон қурган?

– Юз йиллар бурун боболаримиз қурганлар.

– Шундан бери ҳеч бузилмай турибдими?

– Ҳа, унинг пойдевори мустаҳкам. Яна минг йил миқ... этмай тураверади.

– Ҳозир ҳам шундай минора қуриб бўладими?

– Агар лозим бўлса, қуриш мумкин...

Кейин минора тўғрисида билганларимни айтиб бердим.

Ўғлим уни айланиб – томоша қилиб, олис боболар меҳнатию санъатига роса қойил қолганди, ўшанда.

Чиндан ҳам юксак онгли ва шонли аждодларимизнинг бетимсол қудратию шуҳратига, маҳоратию матонатига қўйилган муҳташам ҳайкалдек эди, бу минора. Шу каби яна қанча-қанча мерос обидаларимиз бор. Соҳибқирон Амир Темур бежизга, ким бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, қурдирган иморатларимизга қарасин, деб айтмаган.

Бугун истиқлолимиз ҳақида ўйлаб туриб, юқоридагиларни эсладим. Ўшанда минорадан беҳад ҳайратланган беш яшар ўғлим бу йил ўн олти ёшга тўлади. У истиқлолга деярли тенгдош. Ўн йил ўтиб, анча улғайган эса-да, уни ҳозир ҳам таъсирлантириб, ҳайратга соладиган янги биною иншоотлар кўпайгандан кўпайди. Булар Истиқлол иншоотлари! Мен уларни шундай атагим келди.

Ҳатто беш-олти йил бурун Тошкентда бўлган киши ҳам энди келиб адашиб юрса ҳайрон бўлманг. Ахир турли қурилишлар, янги-янги биною боғлар, кўприклару йўллар, кўчаю бозорлар уни шошириб қўйиши турган гап.

Яқинда магистр фарзандининг диплом ҳимоясига келган тоғам тўлқинланиб, шундай деганди: «Ўғлимни олти йил бурун абитуриентлигида биринчи марта Тошкентга олиб келиб, роса бир ҳафта у ёқ бу ёққа олиб юриб, шаҳарни таништирган эдим.

«МУСТАҚИЛЛИК МИНОРАСИ АЛЛАҚАЧОН ҚАД РОСТЛАГАН. У ХАЛҚИМИЗНИНГ, ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗДА. БУ САРБАЛАНД МИНОРАНИНГ ПОЙДЕВОРИ ИСТИҚЛОЛГА ЧУҚУР МУҲАББАТ ВА КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ИШОНЧДАН ИБОРАТ. БУ МИНОРА МАНГУ НУРАМАС ВА ҚУЛАМАСДИР!»

Энди қарангки, у манзаралар ўзгариб кетиб, ўғлим мени шаҳар айлантириб-таништириб юрибди. Олти йилда шунча янгиланиш.

Ҳа, қойил қолса арзигулик ўзгаришлар, қурилишлар кўп бўлди. Шу даражада тез ва соз янгиланиб, янада гўзал, улуғвор, замонавий қиёфа касб этиб бормоқда, пойтахтимиз. Нафақат Тошкент, балки республикамизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам мустақилликдан сўнг буюк бурилиш ва буюк қурилишлар бўлди, бўлмоқда. Қаерга борманг, янги бўй чўзган салобатли бинолар, маҳобатли кўприклар, равон йўллар, жаннатмакон истироҳат боғлари кўзингизни қувонтиради. Уларни санаб, барисининг саноғига, мақтаб таърифининг адоғига етиш қийин. Муҳими, бу ишлар кўз-кўзлаш учун эмас, халқимизнинг, болаларимизнинг манфаатини кўзлаб, келажакни ўйлаб қилинмоқда. Дейлик, мана шу юзлаб янги қурилган замонавий бинолларда жойлашган таълим даргоҳлари (институт, коллеж, мактаблар)да ёшларимиз илм олиб, сабоқ тинглаб, ҳунар ўрганаётир. Шу маънода истиқлол иншоотлари халқимиз саодати ва ёшларимиз камолоти учун хизмат қилади. Бу буюк қурилишлар мамлакатимиз раҳбариятининг оқилона ва одилона сиёсати, бунёдкор халқимизнинг фидокорона саъй-ҳаракати самараси, албатта. Шу боис ҳам ўн олти йил ичида биргина қурилиш ва ободонлаштириш соҳасида мисли кўрилмаган улкан ишлар амалга оширилди. Бундай саъй-ҳаракатлар, юксалиш йилдан-йилга кучайиб, давом этаверишига шубҳа йўқ. Ватан хизматига масъул буюк келажакка ишончи комил, эзгу ишларга шай турган, қалбида юрт ишқи жўш урган озод халқимиз мустақиллик ва бунёдкорлик йўлидан асло оғишмай дадил одимлайверади.

...Яқинда ўғлим яна сўраб қолди: «Дада, шундай зўр бинолар қурилаяптики... Лекин қадимгилардай битта баланд минора ҳам тиклашса яхши бўларди-да».

«Ўғлим, – дедим мен, – Мустақиллик минораси аллақачон қад ростлаган. У халқимизнинг, ҳар биримизнинг қалбимизда. Бу сарбаланд миноранинг пойдевори истиқлолга чуқур муҳаббат ва келажакка мустаҳкам ишончдан иборат. Бу минора мангу нурамас ва қуламасдир!»

Дилшод РАЖАБ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Табиат муҳофазасида

НОЁБ ЎСИМЛИКЛАРНИ АСРОВЧИ МАСКАН



Инсоният – табиатнинг бир бўлаги. Шу сабабли бу яшил дунё ва унинг неъматларисиз одамзодни тасаввур этиш қийин. Заминнинг онгли ҳукмрони инсон гоҳо табиатга таъсир ўтказиш, ундан устун туришга интилади. Шу ўринда табиатни асраш, ўсимликларнинг йўқолиб кетиш арафасида турган ноёб турларини авлодларга етказиш, янги турлар яратиш борасида қилинаётган ишлар хусусида тўхталишни лозим топдик.

Республикамизда Фанлар Академиясининг Ботаника институти ва Ботаника боғи мавжуд эканлиги барчамизга аён. Тошкент шаҳрида жойлашган бу илмий муассасада табиий шароитда ўсадиган ўсимликлар дунёси ҳар томонлама ўрганилиб муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўсимликлар интродукцияси ва биотехнологиясига оид муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилади. Мамлакатимизда 1950 йилга келиб Ботаника илмий текшириш институти ташкил топган бўлиб, 1998 йилда ушбу институтга ботаника боғи қўшилди. Шундан сўнг Ботаника институти ва Ботаника боғи деб юритила бошланди. Ҳозирда бу гўша 66 гектарлик умумий майдонга эга бўлиб, Ботаника боғининг 40 гектар майдони Шарқий Осиё, Шимолий Америка, Марказий Осиё, Узоқ Шарқ, Европа, Кавказ минтақаларининг дендрафлорасини ўзида жамлаган. Шунингдек, бу ерда ўсимликларнинг биология ва систематикасига оид ҳамда карантин ва доривор ўсимликлар етиштирувчи тажриба майдонлари, иссиқхона оранжереялар мажмуи мавжуд.

Келинг, Ботаника боғи билан танишишдан аввал табиатшунос олим, профессор Озодбек Ашурметов етакчилик қилаётган Ботаника илмий ишлаб чиқариш маркази, яъни илмий текшириш институти томонидан қилинаётган ишларга қисқача тўхталиб ўтайлик.

Институтда 11 лаборатория мавжуд бўлиб, булар орасида деярли барча қитъалардан йиғилган бир миллиондан зиёд ўсимлик нусхаларига эга бўлган йирик марказий гербарийлар лабораторияси ташкил этилган. У Ўрта Осиёда ягона лаборатория ҳисобланади. Илмий текшириш институти бевосита табиатда иш олиб борадиган «Қизилқум чўл станцияси»га, Ғарбий Тяньшан (Угам тизмаси)да ва Орол денгизи бўйида жойлашган таянч нуқталарига эга. Институтда ўсимликлар қоплами, экология, табиатни муҳофаза қилиш, палеоботаника, ўсимликлар хомашёси, анатомияси, цитоэмбриологияси, Орол денгизи атрофидаги қуриб қолган ерларни қайта ўзлаштириш, чорва моллари учун ем-хашак базасини ташкил этиш, ифлосланган сувларни биологик усулда тозалашга оид муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилади. Институт олимлари томонидан Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг табиий флораси ва ўсимликлар жамоасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасида олиб борилган текширувлар натижасида 120 дан зиёд монография ва тўпламлар нашр этилган. Бу ерда олиб борилган илмий текшириш ишлари ўз мактаблари билан дунёга танилган Қ.Зокиров, Е.Коровин, А.Музаффаров, Ж.Саидов каби олимлар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Институт жамоаси Германия, Англия, Ҳиндистон, Финляндия, Исроил, Хитой, Вьетнам, Туркия ҳамда МДҲ давлатлари билан ҳамкорликда илмий текшириш ишлари олиб боради.

Ботаника боғи хусусида тўхталадиган бўлсак, бу сўлим гўшада мустақилликка эришгач бир қатор янгиланишлар амалга ошди. Хўш, булар нималардан иборат? Суҳбатимизни Ботаника боғи директори Ҳамробек Нуралиев билан давом эттирамиз.

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ботаника боғига 1920 йилда асос солинган бўлиб, қурилиш ишлари 1950 йилда академик Федор Русанов раҳбарлигида бошланган. Айни пайтда боғнинг ҳудудида бешта лаборатория жойлашган.

Ботаника боғи Энглер системаси асосида географик жойлаштирилган. Унда дарахт, бута, чала бута, ўт ва сув ўтларининг 4500 дан ортиқ тур, кенжа тур, нав ва хиллари тўпланган. 2003 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Ботаника боғини ривожлантириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унга асосан соҳа мутахассислари иштирокида боғни ривожлантириш юзасидан узоқ йиллик концепция ишлаб чиқилди. Шунга кўра 2004 йилдан буён Ботаника боғининг моддий техника ва базасини яхшилаш борасида ҳаракат кетаяпти. Ҳозирда унинг бир қисми янгиланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда ўсимликларнинг энг ноёб ва манзарали хусусияти юқори бўлган турларини етиштиришга мўлжалланган питомник (кўчатхона)лар ташкил қилинди. Бунинг аҳамиятли томони бу ерда етиштирилган ўсимликлар Республикамизнинг турли гўшалари ва Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш учун хизмат қилади. Боғимизга ташриф буюрган ҳар қандай табиат шайдоси маънавий ҳордиқ ва бир олам таассурот билан қайтишига ишонаман.

Боғ ер куррасининг турли қитъаларидан келтирилган камёб дарахтлар экспозицияси мавжуд бўлиб, сиз Хитой арчаси, Хитой қарағайи, реликт ўсимликлардан метосеквой, гинкго, бурама тол, қоғоз дарахти, ледичия кабиларни, дарахтлар тагларидаги турли хил буталар, наъматакнинг ҳар хил турларини, чирмашувчи ўсимликларни учратасиз.

Узоқ Шарқ дендрофлорасидан юраксимон граб, дарё заранги, манжурия ёнғоғи, калопонаксалар ҳамда уларнинг тагларидаги бута ва ўтлардан маака учқати, бересклет турлари, гортензия ва кўплаб линалар сизда катта таассурот қолдириши табиий ҳол.

Табиат шайдолари бу ерда Марказий Осиё Европа, Қрим ва Кавказ, Шимолий Америка дендрофлорасига оид экспозициялар орқали ўзига хос чиройга эга дарахтлар ва ўсимликлар дунёси билан яқиндан танишиш имконига эга бўладилар.

Ботаника боғининг иссиқхона ва оранжереяларида ер шарининг турли бурчакларидан келтирилган (айниқса тропик ва субтропик минтақаларга хос) ўсимликларнинг 800 дан ортиқ турлари ва навлари парваришланаётгани диққатга сазовордир. Боғнинг систематик майдонида бўлган киши ўсимлик турларининг хилма-хиллиги билан, биологик майдонда эса уларнинг ҳаётий шакллари билан танишади.

Бизга ҳамроҳлик қилган, яқин эллик йиллар умрини шу гўшада ўтказган биология фанлари номзоди Асатулла ака Шарипов боғнинг ўзида интродукция (мослаштириш) қилинган ва иқлимлаштирилган дарахт ва буталарнинг камёб ва қимматбаҳо тур ва навлари уруғидан, қаламчасидан ҳамда пайвандлаш усуллари билан кўпайтирилган турлари билан бизни яқиндан таништирди. Ботаника боғида ўсимликлар оламини, айниқса камёб, йўқолиш хавфи арафасида турган лола, пиёз, ширач ва заъфарон каби турларни муҳофаза қилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Табиатни асраш борасида ҳамжиҳатликда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ботаника институти ва Ботаника боғида олиб борилаётган эзгу ишлар диққатга сазовор. Буларнинг барчаси юртимиз табиати, унинг келажаги учун катта аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

Зулфия НОСИРОВА.

Айёмга ҳозирлик

ЭКОЛОГИК МАРОФОН

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан «Экосан» халқаро ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси жорий йилнинг июль-август ойларида юртимиз бўйлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваллар марафонини ўтказишни режалаштирдилар.

Шу муносабат билан «Экосан» халқаро ташкилотида экофестиваллар марафонининг мақсади ва мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида тадбир ташкилотчилари томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар аҳоли ўртасида санитар-гигиеник ва экологик билимларни ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, халқ саломатлигини сақлаш, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳамда инсон саломатлиги орасидаги боғлиқлик, умуман экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида қилиниши назарда тутилган масалалар юзасидан атрофлича фикр юритдилар.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари амалга оширилиши режалаштирилаётган экофестивал дастурини муҳокама қилдилар. Мазкур дастур аҳолини, айниқса экологик посоз минтақалар аҳолисини ижтимоий-экологик муҳофаза қилишга, қишлоқ шароитида яшаётган аҳолининг экологик ва санитария-гигиеник маданиятини янада ривожлантиришга, улар ўртасида экологик билимларни тарғиб қилишга йўналтирилган. Бундан ташқари экофестиваль дастурида концертлар ташкил қилиниб, уларда таниқли санъаткорлар, фольклор гуруҳлари ҳамда ташкилотлар ва ўқув юртларининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам жалб қилиниши кўзда тутилган. Дастурнинг халқ сайлига бағишланган қисмида эса спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари (кураш, бокс, бадиий гимнастика ва бошқалар) ва миллий таомлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўргазма-савдоси намойиш этилади.

Мазкур марафон июль ойининг охирида Андижон вилоятида старт олади.

Лола ҲОЖИМУРОДОВА.

Аср вабоси

САМАРАЛИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Жаҳондаги барча давлатлар, тегишли идора ва муассасалар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан одамнинг иммун танқислиги вируси (ОИТВ) ва орттирилган иммун танқислиги синдроми(ОИТС)нинг олдини олиш, унинг тарқалишига йўл қўймаслик бўйича қатор чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. ОИТВ/ОИТСнинг Мудофаа вазирлиги қўшинларига кириши, шахсий таркиб орасида пайдо бўлишининг олдини олишга йўналтирилган тадбирлар самарали давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика ОИТВ/ОИТС маркази билан ҳамкорликда олиб борилаётган навбатдаги тадбир Шимоли-ғарбий ҳарбий округида бўлиб ўтди. Унда мазкур ҳудудларда жойлашган ҳарбий қисм ва муассасалар тиббий хизмат бошлиқлари, командир(бошлиқ)лар тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг ёрдамчилари – ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Республика ОИТВ/ОИТС маркази ОИТВ/ОИТСнинг олдини олиш бўйича миллий эксперти Ойсара Ойнақулова ва руҳшунос – педагогика фанлари номзоди, доцент Луқмон Казаковлар томонидан аниқ мисоллар асосида ўтказилган семинар-тренинг машғулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу долзарб масалага бағишланган семинарда руҳшунос олим жумладан, шундай деди:

– Одамнинг иммун танқислиги вируси хасталиги пайтида ҳарорат кўтарилиши, тунда терлаш, бўғимлар ва бошда оғриқ, лоҳаслик, қайт қилиш, ич кетиш, баданда, айниқса унинг юқори қисмида тошмалар пайдо бўлиши аломатлари сезилади. Бу аломатлар одам организмига тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтариш реакцияси билан боғлиқ. Касалликнинг бу даври 10 йилгача, ҳатто ундан ҳам узоқ давом этиши мумкин.

Вирус билан организм ўртасидаги кураш вируснинг устунлиги билан тугайди. Шу вақтдан орттирилган иммун танқислиги синдроми даври бошланади. Бу даврда одам организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади. Жумладан, нафас, меъда-ичак, сийдик йўлларида доимо мавжуд бўлган ва касаллик қўзғата олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин.

Ушбу инфекция кенг тарқалган касалликлардан бири бўлгани учун муҳофаза тадбирлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа вакиллари иштирокида олиб борилиши лозим. Ҳар бир йигит-қиз бу инфекциянинг тарқалиш йўллари, унинг олдини оладиган тадбирлардан хабардор бўлиши ва ўзини ундан эҳтиёт қилиши керак.

– Жаҳон миқёсида, айниқса ёшлар орасида ОИТВ/ОИТС билан оғриганлар сонининг камаймаётгани жуда ачинарли, – деди республика ОИТВ/ОИТС маркази ОИТВ/ОИТСнинг олдини олиш бўйича миллий эксперти Ойсара Ойнақулова, – бу ОИТСга қарши етарли иш олиб борилмаётганидан далолат беради. ОИТВ/ОИТСга қарши курашнинг янада самарали йўлларини, усул ва услубларини излаб топиш, бу борадаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Ўтказилаётган семинар-тренинглар самарасини янада ошириш, кўргазмали тарғибот ишларини кучайтириш, хасталикнинг оғир оқибатларини тушунтиришга йўналтирилган рисола ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ишларини фаоллаштириш мақсадида «ОИТВ/ОИТСга қарши кураш ва унинг олдини олиш» Дастурида кўзда тутилганидек, Глобал жамғарма томонидан Мудофаа вазирлигига замонавий компьютер технологиялари ва зарур воситалари топширилди.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ,
резервдаги подполковник.

Соғлик кушандаси

ИЛЛАТГА АЙЛАНГАН ОДАТ

– Ўртоқ, чекишдан борми?

– Ҳозиргина иккита сигарет олдинг-ку, етмайдими?

– Камлик қилаяпти. Чекмасам ўқиганларим калламга кирмаяпти.

Афсуски, ёшлар ўртасида бу каби гаплар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Ўзини ёши каттароқ қилиб кўрсатиш, гўёки «сиқилганидан» чекаётганлигини билдириш каби ҳолатлар орқали чекиш одатдан тобора иллатга айланиб, ўз соғлиқларига ўзлари зомин бўлаётганлигини нафақат ўғил болалар, балки қизлар ҳам тушуниб етишмаяпти.

Бугунги кунда чекиш жаҳондаги энг долзарб муаммолардан бўлиб турибди. Энг ёмони, мутахассислар сигаретани никотин каби зарарли моддалардан холи қилиш устида қанча изланиш олиб боришмасин, деярли барча ҳаракатлари бесамар кетмоқда. Хусусан, сигарета тутуни таркибидаги турли заҳарли моддалар инсон организмига ҳар хил йўллар билан таъсир кўрсатади. Тамаки чекилиб, тутун ичкарига тортилгандан сўнг, унинг таркибидаги никотин моддаси 10 сония ичида мияга етиб бориб, бутун тана бўйлаб тарқаларкан. Мабодо, чекувчи эмизикли аёл бўлса, кўкрак сутига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Сигарета тутуни таркибидаги заҳарли моддалар қизил қон ҳужайраларини ўраб олиб, чуқур нафас олишга ҳалал беради. Натижада, ҳужайралар ривожланишини назорат қилиб турувчи генларнинг одатдагидек ўсиши ва қайта ишлаб чиқарилишига зарар етади. Шунингдек, мунтазам равишда сигарет чекиш охир-оқибат ДНКни ўзгартириб юборишга олиб келади. Бу эса сурункали ўпка касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Агарда шундай ҳолат рўй бериб, бу узоқ вақт давом этадиган бўлса, унда давоси топилиши мушкул бўлган саратон касаллигига чалиниш ҳам ҳеч гап эмас.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: чекишнинг шунчалик зарари бор экан, нима учун у тақиқланмайди? Бу саволга кўпчиликнинг, ҳаттоки, ўзини етилган ўсмонда санайдиган ғарбликларнинг ҳам жавоби бир хил бўлмоқда. Афсуски, энди бу иллатнинг олдини олишнинг иложи йўқ. Сабаби, дастлаб эркалик, шўхлик натижасида бу йўлга бош суққан Ғарб ёшлари, аллақачон бунга одатланиб бўлишди. Уларни тўхтатиш эса амри маҳол.

Кейинги йиллардаги маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, чекишга ружу қўяётганлар сони, асосан, ёшлар ўртасида ўсиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, 1992 йилдан то шу кунга қадар мактаб ўқувчилари ва талабалар ўртасида чекиш 20 фоизга кўтарилган. Умуман, XX асрда чекиш туфайли вафот этганлар сони 100 миллион кишини ташкил қилади. Булар эса 35-69 ёшлар ўртасидаги инсонлардир. Демак, чекувчилар заҳри қотил боис ўртача 23 йил умрини йўқотмоқда. Энг ачинарлиси, мана шу оғу оқибатида ҳар 10 сонияда бир киши ҳаёт билан видолашаётгандир.

Юқоридаги фикрларимизга далил сифатида, сайёрамизнинг турли қитъаларида жойлашган давлатлардаги чекиш муаммосига оид мисолларни келтирамиз. Масалан, дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири АҚШдаги ҳолат ҳам у қадар яхши эмас. У ерда ҳам чекишга қарши барча ҳаракатлар деярли бесамар кетмоқда. Америка ёшларининг кўпчилигини қўлида сигарета билан кўриш одатий ҳолга айланиб бўлди. Биргина мисол, ҳар йили АҚШда тахминан 390 минг киши чекиш қурбонига айланади. Бу Америкада бир йилда вафот этадиган инсонларнинг 16 фоизи, яъни олтидан бири тамаки таъсирида қолган демакдир.

Тамакининг «сеҳрли диёр»да жадал суръатларда оммалашиб кетишига асосий сабаблардан бири рекламанинг кўплигидир. Хусусан, АҚШ тамаки компаниялари ўз маҳсулотларини реклама қилиш учун ҳар дақиқада 5000 доллар сарфлашади. Табиийки, натижа ҳам шунга яраша, яъни америкаликлар йилига 62 миллиард долларни ана шу оғу учун ишлатишади. Бу ўрта ҳисобда бир америкаликка 262 доллардан тўғри келади.

Европага назар соладиган бўлсак, бундан ҳам аянчли «манзара» гувоҳи бўламиз. Биргина, Буюк Британияни олайлик. Яъни яқин ўн йиллик маълумотларга қараганда, ушбу қирралиқда йилига дунёдан кўз юмадиган инсонлар сони 628 мингни ташкил қилса, шулардан 117 минг киши ўлимига тамаки сабаб бўларкан. Ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, ҳар соатда 13, ҳар куни 320, ҳар ҳафтада 2300 нафар киши чекиш оқибатида ёруғ олам билан видолашади.

Буюк Британия соғломлаштириш вазирлигининг бу ҳақдаги баёнотида шундай дейилади: «Сигарета чекиш натижасида заҳарланиб вафот этаётганлар сони бахтсиз йўл ҳодисалари, ўз жонига қасд қилиш, қотиллик, ОИТС ҳамда гиёҳвандлик туфайли вафот этганларни жамлагандан ҳам ошиб кетмоқда».

Олимлар томонидан ўтказилган сўнгги тадқиқотлар натижасига кўра, ҳозирда Жанубий Корея республикаси кашандалик бўйича жаҳонда биринчи ўринда турибди. Бу эса Шарқий Осиёда ҳам чекиш муаммоси кўндаланг эканидан далолат. Жумладан, у ердаги эркакларнинг 44 фоизи мунтазам равишда тамаки чекишади. Кўп ҳолларда бир кишига бир кунда бир қути сигарет етмаётгани ҳам бор гап.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимиз ўртасида тобора кенг авж олаётган бу иллатга қарши нафақат таълим муассасаларининг педагоглари, матбуот, шифокорлар балки, биринчи галда ота-оналар ҳам кураш олиб бормоғи лозим. Зеро, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, баркамол этиб тарбиялаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Аброр ЖАББАРБЕРГЕНОВ.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Глобальная война с террором

С начала вторжения коалиции во главе с США в Ирак в марте 2003 года американские вооруженные силы потеряли там 3620 человек убитыми и почти 27 тысяч ранеными. Основные потери вооруженные силы понесли «в результате боевых действий противника», передает Интерфакс. Но, судя по расчетам американских военных, число погибших в этой войне с террором будет увеличиваться.



Венесуэла выйдет на первое место

Венесуэла в 2009 году собирается занять первое место в мире по разведанным, извлекаемым запасам нефти, которые достигнут 316 млрд. баррелей. Об этом заявил вице-президент государственной нефтегазовой корпорации «Petroleos de Venezuela» Луис Вьерма. Он отметил, что в 2008 году планируется завершить количественную оценку и международную сертификацию залежей тяжелой и сверхтяжелой нефти в бассейне реки Ориноко.



Авиакатастрофа в Бразилии

Число жертв катастрофы аэробуса А-320 бразильской авиакомпании «TAM Linhas Aereas», по официальным данным, достигло 181 человека, передает РИА Новости. Самолет, выполнявший внутренний рейс из Порту-Алегри, при приземлении в аэропорту Конгонас выскочил за пределы посадочной полосы и врезался в заправочный комплекс и здание авиакомпании. Основными двумя версиями считаются неправильные действия пилота и техническая неисправность.



Взрывоопасные аккумуляторы

Японская компания «Toshiba» объявила об отзыве 10 тысяч аккумуляторов производства компании «Sony», входящих в комплект поставки портативных компьютеров, передает РИА Новости со ссылкой на АР. Отзыв связан с тем, что за последние несколько месяцев были зарегистрированы три случая возгорания аккумуляторов, два из них в Японии и один – в Австралии. По словам представителей «Sony», проблемы связаны с попаданием микроскопических металлических частиц в корпус аккумулятора, что вызывает опасность короткого замыкания.



Отказ от дисквалификации

Федерация легкой атлетики Болгарии отказалась дисквалифицировать своих спортсменок Ваню Стамболову и Венелину Веневу, внесоревновательные допинг-пробы которых дали положительные результаты на тестостерон. Анализы, которые осуществила аккредитованная Всемирным антидопинговым агентством (WADA) лаборатория в Лозанне, подтвердили наличие тестостерона или его метаболитов. Обе спортсменки были предварительно дисквалифицированы до слушания в Федерации легкой атлетики Болгарии.



Снижается продажа чешских сувениров

Иностранные туристы все меньше покупают традиционные чешские сувениры – матрешки, воинское обмундирование и ювелирные украшения. Одна из причин – в Чехию стало меньше ездить японских туристов, которые традиционно покупали больше всего сувениров, их поток снизился примерно на четверть. По словам продавцов сувениров, еще три года назад японские туристы обеспечивали 40% выручки от продажи сувенирной продукции, в то время как сегодня эта доля снизилась до 25%.



Номерной знак продан за $312 тыс.

В Великобритании на аукционе «eBay» автомобильный номерной знак с комбинацией букв и цифр «CEO I» купили за 312 тысяч долларов. Он попал в Книгу рекордов Гиннесса как самый дорогой автомобильный номер, когда-либо продававшийся в Интернете, сообщает «Собеседник». Номерной знак «CEO 2» ушел за «скромные» 16 тысяч долларов. По словам продавца, суммы, за которые были проданы эти номера, стали для него полной неожиданностью.



Передано раритетное издание

В Новгородской области Валдайская районная библиотека получила в дар от жителя Москвы раритетное издание известного немецкого поэта Фридриха Иоганна Шиллера. Как сообщило РИА Новости, даритель рассказал, что приобрел редкое издание в одном из московских антикварных магазинов.

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Участники IV Всемирных военных игр

НАСТРОЕНЫ НА ПОБЕДУ

Мастера международного класса по боксу рядовой по контракту Бекзод Хидиров и служащий Вооруженных Сил Эльшод Расулов будут представлять спортивную мощь наших Вооруженных Сил и школу узбекского бокса на предстоящих IV Всемирных военных играх в Хайдарабаде (Индия).

Эти армейские атлеты достойно защищают спортивную честь Узбекистана на крупных международных турнирах, чемпионатах мира и Азиатского континента.

Рядовой по контракту Бекзод Хидиров не раз становился победителем и призером чемпионатов страны, неоднократным призером чемпионатов мира среди Вооруженных Сил, международных турниров, Азиатских игр и чемпионатов Азии.

А служащий Вооруженных Сил Эльшод Расулов пока что оставляет за собой право быть одним из лучших на Азиатском континенте. Об этом свидетельствуют яркие победы на всех предыдущих крупных соревнованиях прошлого и нынешнего годов.

Так в какой же спортивной форме находятся наши армейские боксеры, и каков у них настрой на IV Всемирные военные игры?

Серебряная награда Бекзода Хидирова на недавнем чемпионате Азии в Монголии в весовой категории до 60 кг является «визитной карточкой» данного спортсмена к предстоящим военным играм.

Как же он настроен на эти соревнования? Вот что сказал Бекзод Хидиров:

– Все зависит от моей физической, специальной подготовленности и психологического настроя. Как говорится, я к соревнованиям буду подготовлен как надо. А что касается психологического настроя, то я сделаю все зависящее от меня, чтобы подняться на высшую ступеньку пьедестала почета. Ведь в моем активе уже есть «бронза» и «серебро». Теперь, надеюсь, перед золотой медали.

А Эльшод Расулов на монгольском ринге в весе до 75 кг завоевал «золото» чемпионата Азии. И это лишь очередная золотая медаль в его копилке.

– Я не скажу, что будет легко удержать звание чемпиона, – говорит Э.Расулов. – Ведь к встрече с чемпионом соперники готовятся с удвоенной энергией, настраиваются на жесткий и упорный бой. Отсюда и вывод, что легких поединков у меня не будет. Но я постараюсь приложить максимум усилий, проявить силу воли и все свое мастерство, чтобы в Хайдарабаде поднялся наш Государственный флаг и прозвучал Гимн нашей Родины.

Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.



СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Жанубий Кореянинг Тонёнг шаҳрида триатлон бўйича ўтган Осиё чемпионатида қитъанинг ўн тўрт давлатидан келган 166 нафар спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Чемпионатда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Артём Михеев 19–23 ёшлилар ўртасида мусобақаларда кумуш медални қўлга киритган бўлса, Иван Морозов катталар ўртасидаги беллашувларда бронза медалига сазовор бўлди.

●

Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ёзги биатлон бўйича Осиё кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга медаллар билан қайтишди.

Мусобақаларда катталар ўртасида Мурод Ҳожибоев, ёшлардан Анузар Юнусов ва Зарема Мамедова, ўсмирлардан Жамшид Тиллаев учтадан олтин медални қўлга киритдилар.

Шунингдек, биатлончиларимиздан Рустам Мемедов ва Динара Мидинова учтадан кумуш, Дилафрўз Имом Ҳусанова икки бронза ва бир кумуш ҳамда Анна Древа биттадан кумуш ва бронза медалига эгалик қилди.

●

Украинанинг Ялта шаҳрида армрестлинг бўйича ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон спорт шарафини икки карра жаҳон чемпиони Фарид Усмонов ҳимоя қилди.

Ҳамюртимиз турнирнинг дастлабки беллашувларида 95 килограммдан ортиқ вазнлилар ўртасида ҳар икки қўл натижаларига кўра барча рақибларини мағлубиятга учратди ва финалга йўлланма олди. Фарид Усмонов ҳал қилувчи баҳсда россиялик Алексей Семеренко устидан ҳам ғалаба қозониб, турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди.

●

Украинада юнон-рум кураши бўйича ўтган анъанавий халқаро турнирда дунёнинг 19 мамлакатидан келган 180 нафар спортчи совринли ўринлар учун куч синашди.

Турнирда ҳамюртимиз Шерали Шодмонов 55 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар ўртасида иккинчи ўринни олди.

●

Спешим порадовать наших читателей. В городе Мариуполе (Украина) с 9 по 16 июля проходил Международный турнир по боксу. С золотыми наградами вернулись два наших армейских атлета – старший лейтенант Дильшод Махмудов (64 кг) и рядовой по контракту Туляшбой Дониеров (51 кг), выступавших в составе сборной страны.

Этот факт говорит о том, что наши боксеры перед IV Всемирными военными играми находятся в хорошей спортивной форме.

Также другие узбекистанские спортсмены завоевали три «серебра» и одну «бронзу». Абдугафур Умаров (57 кг), Баходыр Мамаджанов (60 кг), Шерзод Абдурахманов (80 кг) награждены серебряными медалями, а Олим Назаров (48 кг) – бронзовой.

В общекомандном зачете сборная Узбекистана заняла 2-е место.

●

Сариосиёнинг «Тўпаланг» жамоасига тажрибали мутахассис Баҳром Ҳакимов бош мураббий этиб тайинланди.

Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида қатнашадиган «Тўпаланг» жамоаси футболчилари мавсумнинг биринчи даврасида яхши ўйинлар намойиш этишолмади. Ҳозир жамоа 14-ўринда бормоқда. Шуларни ҳисобга олган клуб раҳбарияти мураббийни алмаштиришга қарор қилди.

Айни кунларда сариосиёлик футболчилар Қирғизистоннинг Иссиққўл шаҳрида иккинчи даврa ўйинларига тайёргарлик кўришяпти.

ЮКСАК ДОВОН ОЛДИДА

Миллий армиямизни спортсиз тасаввур қилиш қийин. Ахир посбонларимизнинг жанговар қобилиятини оширишда спортнинг ўрни қанчалик аҳамиятли эканлигини кўпчилик яхши англаса керак. Шу боис, Мудофаа вазирлиги қўшинларида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилиб, ҳарбий-амалий ва Олимпиа спорт турлари бўйича икки йилда бир бора ўтказиладиган Умумармия ўйинларига асос солинди. Таъкидлаш лозимки, мазкур мусобақа орқали Қуролли Кучлар сафларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ўзларининг жисмоний қобилиятларини намойиш қилиш баробарида спортда янги-янги ютуқларни қўлга киритиб келишмоқда.

Ўз ўрнида армия спорти юлдузларининг халқаро ареналарда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Бугун жаҳон ҳарбий спортчилари орасида вакилларимизнинг ўзига яраша ўрни, обрў-эътибори бор. Биргина Бутунжаҳон ҳарбийлар ўйинлари (CIZM)ни оладиган бўлсак, кичик олимпиада ўйинларига тенглаштириладиган мазкур беллашувда бизнинг вакилларимиз муваффақиятли иштирок этиб келишмоқда. 2003 йил Италияда бўлиб ўтадиган CIZM беллашувларига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина бокс бўйича спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишганди. Жорий йил бўлиб ўтадиган IV Бутунжаҳон ҳарбийлар ўйинларига армиямиз спорти пешқадамлари жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий спорт клубидан олинган маълумотга кўра 14 – 21 октябрь кунлари Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида уюштириладиган баҳсларда вакилларимиз 4 та спорт тури бўйича куч синашади. Бокс бўйича катта лейтенант Дилшод Маҳмудов, спортчи Жасур Матчанов ҳамда Қуролли Кучлар хизматчиси Элшод Расулов сингари етакчи чарм қўлқоп усталари терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилиши кўзда тутилган бўлса, эркин кураш ва дзюдо бўйича ҳам энг сара спортчиларимиз юртимиз, Қуролли Кучларимиз шарафини ҳимоя қилишди. Енгил атлетикачилар сафига шартнома бўйича хизмат оддий аскари А.Журавлева, Қуролли Кучлар хизматчиси Л.Андреев каби тажрибали спортчиларнинг киритилиши қувончлидир. Агар А.Журавлева ҳақида айтадиган бўлсак, унинг маҳорати кўпчиликка маълум. Уч сакраш бўйича жаҳонда кучли ўнталикка киритилган вакиламиз ҳатто Қатар пойтахти Доҳада ўтказилган Осиё ўйинларида ҳам муваффақиятли қатнашди. Айни пайтда спортчиларимиз нуфузли мусобақа олдидан тайёргарлик машқларини қизғин олиб боришмоқда.

Энди бевосита IV Бутунжаҳон ҳарбийлар ўйинлари бўлиб ўтадиган Ҳайдаробод шаҳрига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда спорт байрамини кутиб олишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ўз ўрнида катта спорт майдонлари бунёд этилди. Баъзилари эса қайта таъмирланмоқда. Хуллас, мусобақа ташкилотчиларининг асосий эътибори халқаро ҳарбийлар спорти мусобақаларини юқори савияда ўтказишга қаратилган. 13 та сопрт тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларнинг асосий қисми, яъни 11 таси Ҳайдаробод стадионларида кечади. Эшкак эшиш ва триатлон беллашувларига Мумбай шаҳри мезбонлик қилади.

CIZM – Бутунжаҳон ҳарбийлар спорт ўйинларига 127 мамлакат аъзо бўлиб, Ҳайдароддаги мусобақаларда 100 та мамлакатдан вакиллар иштирок этиши мўлжалланаяпти. Лекин ҳозирга қадар 71 мамлакат ўз вакилларининг иштирок этиши ҳақидаги истагини билдирган.

Холида БЕКНАЗАРОВА.

Шахмат

ЯНГИ ЧЕМПИОНЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Бир қатор қизиқарли учрашувларга бой бўлган шахмат бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Пойтахтимизда учинчи бор ташкиллаштирилган мазкур чемпионат қитъанинг янги-янги истеъдодли ёшларини кашф қилди, десак янглишмаган бўламиз. Бугунги кунда юртимизда мазкур спорт турини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда спортчиларимиз жаҳон ареналарида эришаётган ютуқларининг самараси ўлароқ, бу каби нуфузли мусобақаларга пойтахтимиз мезбонлик қилмоқда.

– Осиё шахмат федерацияси томонидан мамлакатимизда бундай йирик чемпионатларнинг ташкиллаштирилиши бежиз эмас, – дейди биз билан суҳбатда чемпионат ҳаками Ойбек Ҳамроқулов. – Чунки юртимизда ҳар қандай беллашувни юқори савияда ўтказиш учун мавжуд имкониятлар етарли. Шу боис бу йил нафақат 16 ёшгача, балки 18 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида ҳам Осиё чемпионатини Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.



Энди бевосита чемпионат натижаларига тўхталадиган бўлсак, 18 ёшли ўсмирлар орасида ҳамюртимиз Андрей Квон ўйин давомида ишончли ҳаракат қилиб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Андрей илк учрашувда яхши ўйин намойиш қилмаган бўлса-да, 4-турдан кейин кетма-кет партияларни ўз фойдасига ҳал қилиб, муҳим очколарни жамғаришга муваффақ бўлди ва сўнгги тургача пешқадамликни қўлдан бермади. Бу эса ўз самарасини берди. Сўнгги 9-турда ҳамюртимиз эронлик шахматчи Шаҳин Фатиҳга қарши ўйинда дурангга имзо чекди ва 7,5 очко жамғариб, олтин медаль соҳибига айланди.

– Осиёнинг кучли шахматчилари орасида олтин медални қўлга киритганимдан хурсандман, – дейди Андрей Квон. – Ҳар бир учрашувдаги ғалаба мен учун ниҳоятда қийин кечди. – Ушбу муваффақиятимда нафақат менинг, балки устозимнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

Мазкур гуруҳда ғолибликка даъвогарлардан бири эронлик Хумоюн Довут сўнгги турда яна бир вакилимиз Александр Тонякни мағлубиятга учратиб, 7 очко жамғарган ҳолда чемпионатнинг кумуш медалини қўлга киритди. Бронза медали эса қозоғистонлик Ренат Жумаевга насиб этди.

Мазкур гуруҳдаги қизлар баҳсларида 9 имкониятдан 6,5 очко жамғарган қозоғистонлик Айгелин Улусбаева биринчи ўринга муносиб топилди. Ўйинлар давомида маҳоратли мутахассислар томонидан юқори баҳоланган вакиламиз Юлдуз Ҳамроқулова 6 очко билан кумуш медаль эгасига айланди. Ҳиндистонлик Маниша Киран ва яна бир вакиламиз Нафиса Мўминова учинчи ва тўртинчи поғоналардан жой олишди.

– Ўзбекистонлик шахматчиларнинг маҳорати мени ниҳоятда лол қолдирди, – дейди бош ҳакам ёрдамчиси тожикистонлик Ёқуб Раҳимов. – Бу, албатта, мамлакатингизда спортга катта эътибор берилаётганлигининг маҳсулидир. Агар ўзбекистонлик спортчиларнинг маҳорати шундай ривожланиб бораверса, кўп ўтмай вакилларингиз жаҳонда ўзига хос шахмат мактабини яратиши ҳеч гапмас.

16 ёшгача бўлган шахматчилар беллашувида кучли учликни ҳиндистонлик спортчилар банд этишди. Турнир аввалиданоқ яхши ўйин намойиш этган Белаҳи Банг тўққиз имкониятлан 8,5 очко жамғариб, олтин медални қўлга киритган бўлса, Сити Нити 7 очко билан кумуш медаль соҳиби бўлди. 6 очко жамғаришга муваффақ бўлган Ситху Роман учинчи ўринга сазовор бўлди. Сўнгги турларда айнан шу юрт вакилларини мағлубиятга учратган шахматчиларимиз Жамшид Мустафоев ва Акмал Файзуллаев худди шунча очко билан тўртинчи ва бешинчи ўринларни банд этишди.

Қизлар мусобақасининг сўнгги турида ҳамюртимиз Райҳон Дониёровани мағлубиятга учратган қозоғистонлик Гулихан Мақбаева 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, биринчи бўлди. Иккинчи ўрин сўнгги турда яна бир спортчимиз Мақсуда Орзуқулова устидан ғалаба қозонган ҳиндистонлик Гулхан Бибиҳартига насиб этди.

Мазкур гуруҳда ҳамюртларимиздан Гулирухсор Эсонбоева бешинчи ўринни банд этишга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, қарийб икки ҳафта давом этган қитъа чемпионатида бир қатор янги шахматчилар номлари кашф этилди.

Хасан КОМИЛОВ.

Универсальный бой

ЕСТЬ НАДЕЖДА НА УСПЕХ

В городе Баку (Азербайджан) стартовал чемпионат мира по универсальному бою среди женщин. Нашу страну на этих престижных соревнованиях представляет чемпионка мира по кикбоксингу Надира Казакова. Специалисты и тренеры надеются только на успех, так как Надира является одной из самых многоопытных узбекистанских спортсменок.

Рукопашный бой

В ЛИДЕРАХ – УЗБЕКИСТАНЦЫ

В Самарканде завершились первенство и чемпионат мира по рукопашному бою среди юниоров, взрослых и девушек. В результате упорных поединков были определены победители и призеры соревнований. В командном зачете места распределились таким образом: 1-е место – сборная Узбекистана, 2-е место – сборная Казахстана и 3-е место – сборная Таджикистана. Нашими спортсменами были завоеваны 14 золотых и 2 серебряные медали. Особенно отличились наши соотечественники Р.Магдиев (56 кг), О.Сирожиддинов (65 кг), Г.Маматова (45 кг), Н. Рузматова (50 кг) и Ю.Маматкулова (+55 кг).

Соб. инф.

В ТАШКЕНТЕ – МАСТЕРА ТАЭКВОН-ДО

В минувшее воскресенье любители восточных единоборств и боевых искусств могли в прямом смысле слова насладиться показательными выступлениями первой национальной сборной Южной Кореи по таэквон-до WTF.

Шоу было организовано Министерством по делам культуры и спорта Узбекистана и Ассоциацией таэквон-до WTF Узбекистана.

Каждый, кому повезло попасть на это представление, будет еще долго вспоминать подробности, а те, кому удалось снять все действие на фото- и видеоаппаратуру, еще не раз будут прокручивать кадры. Филигранная техника, мастерство, доведенное до совершенства, – вот как можно описать то, что «вытворяли» таэквондисты. Это свободные полеты на сцене, разбивание досок и мраморных плиток. Это с закрытыми глазами по звуку колокольчика определять местоположение яблока, нанизанного на кинжал, а затем ударом ноги в прыжке разбивать его на кусочки.

Те почитатели восточных единоборств, которые были зрителями в тот вечер, говорят, что этот день был одним из запоминающихся в их жизни.

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

Наше здоровье

ТРЕНИРОВКА НОГ И ГОЛЕНИ




ГАКК-ПРИСЕДАНИЯ

Принцип выполнения тот же, что и в жиме ногами, – «пирамида». Ноги на ширине плеч. Приседать нужно ниже угла в 90 градусов, преодолевая «мертвую» точку. Ноги полностью не выпрямлять.

ПРИСЕДАНИЯ СО ШТАНГОЙ

Приседания со штангой необходимо ставить в конце тренировки квадрицепсов. Это очень травмоопасное упражнение, и подходить к нему нужно серьезно. К моменту начала приседаний мышцы уже получили очень хорошую нагрузку, поэтому не нужно использовать такие веса, как если бы приседания вы ставили первым упражнением. Во время приседания ноги ставятся на ширине плеч, приседать нужно ниже угла в 90 градусов, в верхней точке полностью ноги не выпрямлять.



Футбол. Осиё кубоги – 2007

МУСОБАҚА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТМОҚДА

Қитъамизнинг миллионлаб футбол мухлислари интизорлик билан кутган кунлар ҳам етиб келди. Футбол тарихида биринчи маротаба бирваракайига тўртта давлат (Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Индонезия) футбол майдонларида Осиё кубоги – 2007 мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Шу кунгача ўтказилган ўйинларга диққат билан разм солар эканмиз, қитъамиз футболи жадал ривожланиб бораётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Барча тўрт гуруҳда ўтказилган гуруҳ босқичи ўйинлари қизиқарли ва муросасиз баҳсларга, кутилмаган натижаларга бой бўлмоқда.

Мусобақалар бошланишидан аввал чемпионликка асосий даъвогарлар деб ҳисобланган Япония, Жанубий Корея, Австралия, Эрон, Саудия Арабистони каби жамоалар гуруҳ учрашувларида рақибларнинг кескин қаршилигига дуч келиб, қимматли очколарни бой беришга мажбур бўлишди. Масалан, «биз осонгина чемпионликни қўлга киритамиз», деб мусобақага ташриф буюрган Австралия терма жамоаси 1-турда Уммон терма жамоаси билан бўлиб ўтган ўйинда фақат сўнгги дақиқаларда мағлубиятдан қутилиб қолди. 2-турда эса Ироқ терма жамоасига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйди. Аутсайдерлардан деб ҳисобланган Вьетнам футболчилари эса дастлабки турдаёқ сенсация тақдим этишди. Улар ўзларидан анча кучли ҳисобланган БАА терма жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Яна бир кутилмаган натижа Баҳрайн – Жанубий Корея учрашувида қайд этилди. Ўйиндан олдин, «биз йирик ҳисобда ғалаба қозонамиз», деб интервью берган кореяликлар мураббийи Т.Вербек 2:1 ҳисобида мағлубиятга учраган шогирдлари билан биргаликда ўйингоҳдан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Япониялиқлар эса Қатар футболчилари билан бўлган ўйинда очколарни бой беришди – 1:1.

Мазкур турнирда иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоасига келсак, дастлабки турда вакилларимиз Эрон терма жамоаси билан учрашишди. Ўйиннинг биринчи бўлимидан сўнг 1:0 ҳисобида олдинда борган футболчиларимиз иккинчи бўлим давомида иккита тўп ўтказиб юборишди ва 2:1 ҳисобида мағлуб бўлишди. 2-турда эса майдон эгалари – Малайзия терма жамоаси билан баҳс олиб борган ҳамюртларимиз чиройли ўйин кўрсатиб, 5:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Футболчиларимиз чорак финалга чиқа олишадими ёки йўқми, буни сўнгги 3-турдаги Хитой терма жамоаси билан бўлган учрашув аниқлаб бериши лозим эди. Мазкур ўйинга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган Рауф Инилеев ва Миржалол Қосимов шогирдлари майдонда рақибларидан устунликларини намоён этишди ва 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, ўзбекистонлик футбол мухлислари хонадонига байрам нафасини олиб киришди. Ҳал қилувчи баҳсда тўпларни М.Шацких, Т.Копадзе ва А.Гейнрихлар рақиб дарвозасига йўллашди.

Демак, бўлиб ўтган гуруҳ учрашувларидан сўнг чорак финалда ўзаро баҳс олиб борувчи жамоалар жуфтликлари аниқланди. 21 июль куни Ироқ – Вьетнам, Япония – Австралия, 22 июль куни эса Эрон – Жанубий Корея, Ўзбекистон – Саудия Арабистони терма жамоалари ярим финалчилар номини аниқлаш учун майдонга чиқадилар. Футболчиларимизга кейинги учрашувларда ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

В военных училищах страны

СОЛДАТЫ СТАНОВЯТСЯ КУРСАНТАМИ

За годы независимости сформировалась добрая традиция, когда большую часть курсантов военных училищ страны составляют солдаты срочной службы и военнослужащие по контракту. Вот и в этом году среди молодых людей, зачисленных на первый курс Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища (СВВАКИУ), немало юношей, уже знающих азы армейской службы.

Рядовому Джамшиду Примову этой осенью предстояло увольнение в резерв и возвращение в родной кишлак Файзли Касбинского района Кашкадарьинской области. Однако судьба распорядилась иначе: он выбрал для себя профессию военного, и после успешной сдачи вступительных тестов солдат зачислен в ряды курсантов.

Парень еще и еще раз подходит к вывешенным листам на стенде, где обнародованы итоги сдачи тестовых испытаний. Найдя свою фамилию, радостно улыбается: первая вершина покорена!

– Весь коллектив училища «болел» за образцового солдата, – говорит офицер Шухрат Юсупов. – И это понятно, ведь Джамшид успел заработать здесь авторитет отличным несением службы в нарядах, неустанным ратным трудом, активным участием в общественной жизни.

Понятное дело, не за одну активную жизненную позицию и добросовестное отношение к воинскому долгу начислены ему баллы, в ходе тестов были строго и объективно проверены знания по общеобразовательным предметам, уровень смекалки и интеллекта, физического развития.

Среди тех, кто принимал в эти дни поздравления членов мандатной комиссии училища, были и рядовые контрактной службы. Рядового Дониера Джуманова товарищи по службе знают как меткого снайпера, настоящего профессионала, с которым можно идти в разведку. Надежный воин сделал еще один выстрел в «десятку», набрав сумму баллов намного выше проходного минимума. Училище получило прекрасно подготовленного по огневой подготовке курсанта.

Достойно представил Ташкентский военный округ рядовой Урал Утаганов. Стрелок взвода охраны остался на службу по контракту после успешного прохождения срочной, а теперь вот решился пойти на штурм еще одной высоты профессионального роста.

Значок «Харбий спортчи» на груди рядового Сирожиддина Ниёзхонова из Восточного военного округа свидетельствует о том, что чемпион округа по кроссу не только в выносливости и скорости умеет лидировать, но и морально-волевые качества у него на высоте. В ходе тестов именно бойцовский характер помог воину-спортсмену одержать важную для себя победу.

А рядовому Хушнуду Хатамову, по его словам, помогло поступить соревнование, в котором воин принял самое активное участие. Батальон, где он проходил службу, занял первое место среди родственных, а военный профессионал стал одним из первых среди абитуриентов по сумме набранных баллов.

Успешно осуществляемая в нашей армии военная реформа привела к тому, что оставленным на контракт солдатам теперь уже мало получить сертификат об окончании школы подготовки сержантов. Тяга к совершенству, стремление как можно лучше обеспечить надежную защиту Родины приводят их в ряды кандидатов на поступление в высшие военно-образовательные учреждения. И чаще всего они добиваются поставленной цели. Ведь служба срочная и по контракту воспитала их лидерами.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.

ВКЛАД СТУДЕНТОВ-СТРОИТЕЛЕЙ

Трудовые отряды «Бунедкор», организованные по инициативе Центрального совета Общественного движения молодежи «Камолот», в ходе летних каникул вносят достойный вклад в строительные работы на местах.

– Я учусь на контрактной основе, – сказал студент факультета истории и философии Самаркандского госуниверситета Низамиддин Гулбаев. – В прошлом году благодаря моей работе в отряде «Бунедкор» Общественное движение молодежи «Камолот» оплатило 35 процентов от суммы моего контракта. Поэтому и в нынешнем году решил поработать в трудовом отряде. Освоил профессию маляра. В настоящее время мы участвуем в строительстве Самаркандского городского колледжа музыки и искусства.

Одилжон Турсунов, успешно окончивший 2-й курс Самаркандского медицинского института, тоже в этом году, как и в прошлом, стал членом институтского трудового студенческого отряда.

– Я хочу внести свой вклад в благоустройство своего учебного заведения и оказать материальную помощь родителям, – сказал он.

– В текущем году более 400 самаркандских студентов выразили желание поработать в трудовых отрядах в рамках проекта «Бунедкор-2007», – сказал заместитель председателя областного совета ОДМ «Камолот» Н.Махкамов. – Сейчас 300 из них трудятся на промышленных предприятиях и участвуют в ремонтно-строительных работах в городе. Студенты университета работают на строительстве колледжей и в производственном предприятии «Сино», а трудовые отряды, состоящие из студентов Медицинского, Экономического и Института иностранных языков, а также Института сервиса и Самаркандского филиала Ташкентского университета информационных технологий, занимаются ремонтно-строительными работами в родных вузах.

Г.ХАСАНОВ, корр.УзА.

Тест синовлари натижалари

КУРСАНТ БЎЛИШ СЕВИНЧИ

Олдин хабар берганимиздек, шу йилнинг 10 июль куни мамлакатимиздаги барча олий ҳарбий билим юртларида давлат тест синовлари ўтказилди. Мана, барча абитуриентлар, уларнинг ота-оналари сабрсизлик билан кутган кун ҳам етиб келди. Натижалар эълон қилинди. Яхши тайёргарликка эга, билимли, юқори балл тўплашган абитуриентлар курсант мақомига эга бўлишди.

– Бизнинг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кираман деган абитуриентлар бу йил ўтган йилдагидан ҳам кўп бўлди, – дейди билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Алишер Расулмуҳаммедов. – Бу билим юртимиз нуфузи ортиб бораётганлигининг исботидир. Бир ўринга тўрт-беш абитуриент талабгорлик қилгани яхши ҳолат. Давлат тест синовидан юқори балл тўплашга мушарраф бўлганларгина курсантлик либосини кийишди. Шунисиқувончлики, йилдан йилга билим юртимизга кириш учун балл кўрсатгичи ҳам юқорига қараб ўсиб бормоқда. Ўтган йили саксон атрофида балл тўплаганлар ҳам ўқишга киришган бўлишса, бу йил тўқсон баллдан юқори бўлди. Демак, абитуриентлар билим юртига кириш учун жиддий тайёргарлик кўришмоқда, билим савияси ўсиб бораётир. Натижаларнинг бундай бўлиши бизнинг малакали офицерлар тайёрлаш ишимизга самарали ёрдам беради.

– Мен, – дейди ҳарбий билим юртига ўқишга кириш бахтига сазовор бўлган Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидан Сарвар Ҳамидов, – энг юқори 229,90 балл тўпладим. Тест синови мураккаб. Ўқисангиз, ўргансангиз юқори балл тўплаш мумкин. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлганимдан жуда хурсандман. Энди фақат аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қиламан.

– Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидан бўламан, – дейди севинч билан Зафаржон Холмирзаев. – Ёшлигимдан ҳарбий бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. Шу боисдан ҳам ҳужжатларимни олий ҳарбий билим юртига топширдим. Тест синови натижаларига кўра, 175, 60 балл тўплабман. Бу ўқишга киришим учун етарли бўлди. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирганимдан ўзимнинг ҳам, ота-онамнинг ҳам бошимиз осмонга етди. Курсантликнинг барча машаққатларини енгиб ўтиш учун тайёрман.

Биз олий ҳарбий билим юртига ўқишга кирган кўплаб йигитлар билан суҳбатлашдик. Ўтқиржон Юлдошев тошкентлик экан, 95, 18 балл тўплабди. Хоразмлик Ориф Хожиев 91,78 балл тўплабди. Бу натижа унга ўқишга кириш ҳуқуқини берибди.

– Тест натижаларига кўра, ўқишга кирганлар рўйхатини энг сўнгида турган бўлсам-да, курсант бўлдим. Тинимсиз ўқиб ўрганганларим, ҳаракатларим ўз самарасини берди, – дейди Ориф.

Абитуриентлар учун ҳаяжонли дамлар ортда қолди. Ишончимиз комилки, курсант бўлиш бахтига муяссар бўлганлар ўқиб-ўрганишнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтишиб, албатта, бундан тўрт йил кейин офицерлик унвонига ҳам эга бўлишади.

Муваффақиятлар ҳамиша сизга ёр бўлсин, азиз курсантлар.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – амалда

ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТ САРИ

Қашқадарё вилоятининг олий таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ илғор педагогик технологияларни жорий этиш орқали салоҳиятли ёшлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти битирувчиларига бакалаврлик ва магистрлик дипломларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда таълим тизими ходимлари, битирувчиларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари ёш кадрларга профессионал фаолиятда муваффақият тиладилар.

– Битирувчиларимиз таҳсил давомида олган назарий билимларини ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, касбий таълим каби соҳаларда амалиётга татбиқ этиб, ўз мутахассисликлари бўйича иш фаолиятини бошлайдилар, – дейди институтнинг ўқув-услубий бўлими бошлиғи Абдулазиз Юсупов. – Малакали кадрлар тайёрлаш борасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича республикамиздаги қатор олий ўқув юртлари билан ўрнатилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Бу йил вилоятдаги олий ўқув юртларини тамомлаган 2 минг 959 нафар бакалаврга халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиш учун йўлланмалар берилди.

Тадбирда ўқиш ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган битирувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

А.МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири,

СОҲА ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Термиз шаҳрида «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳарлардан ўзгалар ёрдамига муҳтож инсонларга хизмат кўрсатувчи йигирмага яқин ижтимоий соҳа ходими ва мурувват уйлари ҳамширалари иштирок этди.

Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган танловда иштирокчиларнинг касб маҳорати ва ижтимоий-сиёсий билимлари синовдан ўтказилди. Эркин мавзуда тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Танлов якунида Сариосиё туманидан ўзгалар ёрдамига муҳтож кексаларга хизмат кўрсатувчи Маҳфуза Эшманова ҳамда шу тумандаги "Фарҳод" аёллар ва болалар мурувват уйи ҳамшираси Нигора Тўраева биринчи ўринни қўлга киритди. Қумқўрғонлик Нарзулла Абраимов ва «Денов» эркаклар мурувват уйи фельдшери Эргаш Қобилов, Шеробод туманидан Зайнилло Ўроқовга кейинги ўринлар насиб этди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

БДИТЕЛЬНОСТЬ НУЖНА ВСЕГДА

В нашей стране серьезное внимание уделяется вопросам создания условий для воспитания гармонично развитого молодого поколения, ограждения его от идеологических нападок, влияния вредных экстремистских течений.

Этой теме была посвящена беседа за «круглым столом», состоявшаяся в Зарбдорском районе Джизакской области.

Случаи, когда отдельные молодые люди оказываются под влиянием различных вредных идей и течений, происходят по причине недостатка их жизненного опыта, непонимания истинных целей сил, которые вынашивают подлые намерения. Эффективным методом их воспитания в духе уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, борьбы против чуждых идей являются беседы и диспуты юношей и девушек со своими сверстниками, обмен мнениями и суждениями по данным вопросам.

На мероприятии, прошедшем в обстановке острой дискуссии, представители молодежи района обменялись мнениями об особенностях различных религиозных течений, деструктивных действиях, совершаемых некоторыми людьми.

– Такие мероприятия дают хороший эффект в деле расширения мировоззрения молодежи, глубокого разъяснения сути вредных идей и течений, – сказал сотрудник областного совета Общественного движения молодежи «Камолот» Сарвар Бахриддинов. – В этой беседе зарбдорские юноши и девушки с большим интересом и активностью рассуждали на столь актуальные темы. Такой же диалог представителей молодежи прошел в городе Джизаке.

Т.БЕКНАЗАРОВ, корр.УзА.



Гул чеҳрали бу қизимизнинг исми шарифи Эдие Юсупова. У билимга чанқоқ ва интилувчан қизлардан. Шу боис доимо ўқиш ва изланишда. Бўш вақтларида эса матолардан турли кийим-кечаклар тикиш ва уларга безак бериш Эдиенинг энг севимли машғулотларидан бири.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Аёлсиз умр – бўш. Аёлсиз рўзғор йўқ! Эркак зоти буни тан олади ва дунё яралибдики, шу зотга суяниб, тақдирини шу зотга топшириб ўтади. Аммо, қизойим, юз ёшинггача эсингда турсинки, «турмушга чиқиб бўлдим, болаларим бир этак-ку, бежаниб юришим шарт эмас», деган заҳотинг ичингдаги ёмонинг, яъни дидсизлигинг ё ялқовлигинг юзага чиққан бўлади! Ҳеч қачон қаровсиз кўринишингга атрофни чидашга мажбур қилма! Эркакнинг аёли бўлса-ю, унга қараб юраги яйрамаса! Боланинг онаси бўлса-ю, бошқаларнинг ораста онасини зимдан ҳавас қилиб, ўзиникидан ўксиб юрса! Кунда сенинг бетартиб сочинг, пала-партиш кийинишингни кўраверсалар, кўзлари кунда тинаверса!

Билиб қўй, уйдан безишлар шундан бошланади! Болаларнинг дидсизликка кўниши шундай пайдо бўлади! Қолаверса, ўзинда турган ўз жисмига қарамайдиган аёлнинг масофадаги боласию рўзғорини саранжом тутишига ҳеч ишонч йўқ!

Турсуной СОДИҚОВА.

Болалар – оромгоҳларда

ҲАР КУНИ МАРОҚ, ҲАР ДАМ ЗАВҚ ИЛА

Мудофаа вазирлигига қарашли «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳида юрт посбонлари ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг ўғил-қизлари мароқ билан дам олаётганидан хабарингиз бор, албатта. Яқинда, ушбу сўлим ва роҳатбахш масканда бўлганимизда, турли-туман мусобақа, кўнгилочар тадбирлар гувоҳи бўлдик.

Буни қарангки, дам олувчилардан иборат гуруҳлар ўртасида ўтказилувчи спартакиада ўйинларининг айни ёпилиш маросими бўлаётган экан. Спортнинг енгил атлетика, шоҳмот, шашка, стол тенниси, футбол сингари турларида ўз эпчиллиги-ю зукколигини намойиш этган болажонларни тақдирлаш, пешқадам жамоани эълон қилишнинг ҳаяжонини айтмайсизми. Дам олувчиларнинг мазмунли ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари билан бирга жисмонан ва маънан юксалишларига йўналтирилган тадбирлар режасига мувофиқ «Ўзбекистон» байрами ўтказилди. Аслида мазкур тадбир мустақиллик байрамимизни эслатади. Ҳар бир гуруҳ жойлашган бино алоҳида «маҳалла»га айлантирилди. Қарабсизки, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, ўзлигимиз ҳақидаги тушунчаларни ёш авлодга сингдириш каби эзгу амал бажарилди. «Маҳалла»ларнинг тозалик ва ободончиликка, ўзаро ҳурматга бўлган эътиборини кўриб, беихтиёр оромгоҳда эканлигингни ҳам унутасан, киши. Ёки ёш қизчаларнинг оқ либосларда «келин салом» қилишлари, ўша куни русийзабон болажонларнинг»да давлат тилида мулоқот қилишлари, дастурхонларнинг ўзбек миллий таомлари билан безалиши кабилар ҳақиқий байрамона муҳит яратиши аниқ.

Дарвоқе, оромгоҳга кўплаб меҳмонлар ҳам ташриф буюради. Масалан, яқиндагина пойтахтлик санъаткорлар ўз томошалари билан барчани хушнуд этдилар. «Алладин» театр жамоаси вакилларининг саҳна чиқишлари, мусиқалаштирилган дастур ва профессионал ижро гулдурос ва давомли қарсаклар билан қарши олинди.

Келинг, яхшиси ёшлик гаштини сураётган дам олувчиларнинг фикрлари билан қизиқиб кўрайлик.

– Спорт мусобақаларида мазза қилиб иштирок этдим, – дейди Рустам Раҳмонқулов. – Аслида, бу ерда биз ҳар куни жисмоний машқларни бажарамиз. Бассейнда чўмилиш жону дилим. Тез кунларда эса тоққа ҳам чиқамиз.

– Менга эса «Ўзбекистон» байрами жудаям ёқди, – дейди уялибгина Салтанат Дадабоева. – Опаларимиз сингари биз ҳам келинчак бўлдик, дастурхон безадик ва бошқа гуруҳдагиларни меҳмон қилдик. Бу ерда янги-янги дугоналар орттирдим.

Ҳа, ёзги таътилни шундайин унутилмас тарзда ўтказаётган ўғил-қизларни кўриб, қувонмай бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар куни мароқ, ҳар дами завқ иладир.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.



АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Вам придется тщательно планировать события. Стоит проявить терпение. Возможен неожиданный поворот к лучшему в отношениях с окружающими.

ТЕЛЕЦ

Пришло время двигаться вперед, к новому и весьма интересному. Вспомните о своих родственниках. Есть вероятность появления покровителя. Приятные события произойдут с вашими детьми.

БЛИЗНЕЦЫ

Постарайтесь пораньше уйти с работы, чтобы у вас хватило времени на решение накопившихся дел. Вам полезно знакомиться и встречаться с интересными людьми.

РАК

Вам придется быть на страже справедливости. Не дайте себя обмануть фальшивыми обещаниями. Не стоит сомневаться в собственных силах. Выходные проведите в кругу друзей.

ЛЕВ

Вам просто необходимо соблюдать четкую последовательность в действиях. Вы должны быть открыты для новых предложений. Все вокруг вас будет нести полезную и нужную информацию.

ДЕВА

Подготовьтесь к насыщенной и достаточно напряженной неделе. Вам необходимо сконцентрироваться на главном и не распыляться по мелочам. Вас ожидают поездки и командировки.

ВЕСЫ

Вам необходимо запастись выдержкой и терпением. От вас ждут собранности и добросовестности. Отдавая многое, вы будете взамен много получать. Постарайтесь не отказывать в помощи.

СКОРПИОН

Важные дела лучше перенести на следующую неделю. Постарайтесь отдохнуть от суеты и шума. Избегайте контактов с сомнительными партнерами. Стоит погрузиться в работу.

СТРЕЛЕЦ

Дела на работе сложатся наилучшим образом. Ваши друзья и партнеры будут разделять с вами радости и ошибки. Постарайтесь устроить для них праздник.

КОЗЕРОГ

Вам понадобится внутреннее спокойствие и уравновешенность. Воздушные замки будут непрочными. Придайте своим мыслям стройность и последовательность.

ВОДОЛЕЙ

Неделя благоприятна, но возможны конфликтные ситуации. Постарайтесь лишний раз не появляться в поле зрения начальства. Удачно пройдут встречи и деловые переговоры.

РЫБЫ

Без особых сомнений претворяйте в жизнь планы и идеи. Ситуация может способствовать принятию серьезных и ответственных решений. Будут удачными поездки и командировки.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ



НАВОЛАРДА ЯШАЁТГАН БУЮКЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қалбларимизда ҳосил бўладиган бундайин ғурур, фахр бизни бировларга бўйин эгмасликка, бошимизни тик, қаддимизни ғоз тутиб юришга ундайди. Ҳа, юксак салоҳиятли аждодларнинг авлодлари ҳам илму маърифати билан ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.

Машҳур ҳофиз Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон халқартисти Комилжон Отаниёзовни ҳам санъатдаги, маданиятдаги улуғларимиз қаторида доимо ғурур билан эсга оламиз.

...Раҳматли бобомнинг зардаси биз ўйинқароқларнинг шовқинини босиб кетди. Сабабини кейин билдик. Қанақадир бир қўшиқни деб бизга бақирган эканлар. Ҳайратим ошди. Бироқ ўшанда болаларча ҳайратим жавобсиз қолгандай эди.

Орадан бироз вақт ўтиб, яна ўша таниш ҳайрат гирдобида қолдим. Ўша кун бобом юм-юм йиғлаётганмиди, дардларини қўшиқ қилиб айтаётганмиди, билолмадим, ҳазм қилолмадим. Фақат «Комилжон», деганларини тушунгандай бўлдим. Билсам, элимизнинг таниқли ҳофизи Комилжон Отаниёзов оламдан ўтган экан.

Йиллар, вақт ярага малҳам қўйди. Мен ҳам улғайдим. Энди айрим нарсаларнинг моҳияти, ранги, мазмунини англай бошладим. Аммо бобомнинг куй-қўшиққа, машҳур ҳофизга бўлган шунчалар кучли меҳр-муҳаббати сабаб ҳосил бўлган ўша ҳайратимга узил-кесил жавоб топа олмадим. Комилжон Отаниёзовнинг 80 йиллиги муносабати билан Тошкентдаги, Урганчдаги уйларида бўлдим. «Ватанпарвар», «Оила ва жамият» газеталарига таассуротларим асосида мақола ҳам ёздим.

Ижодкор оламига саёҳат қилиш, болаларча ҳайратимга жавоб топиш учун хотини Имсимой ая билан суҳбатлашдим. У ҳақдаги маълумотларни ўргандим. Хуллас, шу тарзда санъаткорни кашф этдим.

«Жозибадор, кўнгилга ором бахш этувчи қўшиқларни қайта-қайта тингласангиз ҳам зерикмайсиз, айрича завқ олаверасиз. Албатта, дилрабо қўшиқларнинг яратилиши санъаткорнинг иқтидорига боғлиқ. Сўз ва соз, овозни танлай билиш, уларни уйғунлаштира олиш ҳофизнинг диди, савияси билан белгиланади. Бу уч бирликнинг яхлитлиги гул, булбул ва кўнгилнинг узвий алоқадорлигини эслатади. Ана шуларнинг ўзаро уйғунлигида жило топган қўшиқгина тингловчининг кўнглига йўл олади. Бунга эътибор, масъулият билан қараш ва уни ижрода моҳирона қўллай олиш кам-дан-кам санъаткорларга насиб этади.

Комилжон Отаниёзов ана шундай бахтга тўла маънода сазовор ҳофиз эди. Унинг жозибадор қўшиқларини шунчаки тинглаш қийин. Унинг қўшиқлари қандай руҳда бўлмасин, ўзига хос «юк»ни, дардни ташийди. Ҳофиз сўзни чертиб-чертиб, унинг маъно-қудратини сози ҳамда овозининг беқиёс имкониятлари орқали етказа олади. Унинг қўшиқлари қалбингизга Хоразмнинг ҳаволарини олиб киради, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, унга ишланган нақшлар, арабий битиклар билан музайян мадрасаю Исломхўжа ҳамда Калта минорларни кўз олдингизда жонлантиради. Ҳофизнинг нолаларида ўз санъатсевар халқига муҳаббати уфуриб туради». Раҳимбой Жуманиёзовнинг машҳур ҳофиз ҳақидаги бу сўзларини ўқир эканман, ўзимни қийнаётган саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Комилжон Отаниёзов 1917 йилнинг 20 июлида Хоразмнинг Шовот тумани Бўйрачи қишлоғида туғилади. Аёли Имсимой ая Полвонованинг айтишича, ҳофизнинг отаси Отаниёз Охунд Ниёзий хон саройида хизмат қилган, шеърлар ёзган, Манбаларда қайд этилишича, Ниёзий таржимон, тарихчи, бастакор, моҳир хаттот ҳам бўлган экан. Бу зиёли инсоннинг хонадонига ўз даврининг моҳир соз санъати усталари – Матпано ота Худойберганов, Мадраҳим Шеровий, Матёқуб Харрот, Ҳожихон Болтаев, Маткарим Ҳофиз, Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев) лар тез-тез ташриф буюриши, санъат бобида нафис суҳбатлар қуришлари ёш Комилжоннинг қалбида ажиб туйғулар уйғотди. Бу санъатга, нафосатга ошнолик билан боғлиқ туйғулар эди. Айниқса, у отасининг ғазалларини мусиқий қироат билан ўқишни хўш кўрар, машҳур ҳофизларга ўхшаб айтишга уринарди.

Севимли ҳофизнинг қўшиқлари ёзилган диск бор, менда. Кунора уларни тинглаб, чарчоғим ёзилади. Айниқса, бахшиёна ижрода айтилган қўшиқларни. Улар замиридаги маънони, фалсафани англаб, бир нарсани илғагандек бўлдим. Бобом Комилжон санъатига бахшиёна, халқона ижроси учун ҳам шайдо бўлган экан. Хусусан, «Сайёд ва Ҳамро», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» каби достонларга Комилжон ака ижросидан кейин халқимизнинг меҳри янада ошганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими бу билан, халқ даҳоси бўлган достонларимиз билан санъаткор маънавияти юксак миллат эканлигимизни айтади.

Ҳофизнинг битмас-туганмас санъати, бизга қолдирган маънавий хазинаси ҳақида кўпчилигимизда маълумот бор. Шу ўринда унинг номаълум қирралари, инсоний фазилатлари борасида ҳам сўз очсак.

Маҳмуд Қошғарий номидаги халқаро мукофот соҳиби Бобохон Муҳаммад Шариф шундай ёзади: «Устозининг Бешёғочдаги уйида меҳмонлардан бири Комилжон Отаниёзовдан иттифоқо «Нега топган пулингизни ўзингиз олмай, тўй эгасига инъом қиласиз, ахир сиз меҳнат қиласиз-ку», деб сўраб қолди. Шунда у жилмайиб: «Қўли очиқнинг йўли очиқ. Берганга Худо беради», деб қўя қолганди.

1987 йилнинг декабрида Комилжон устознинг етмиш йиллик тўйини ўтказиш учун елиб-югуриб юрган кунларимизда Бешёғочдаги ўша машҳур санъат масканида бир вақтлар Комилжон ака ўқитган Ҳаким Худойберганов исмли бир муаллим билан суҳбатлашиб қолдим. У Комилжон ака қилган қатор савобли ишларни тилга олди. Жумладан, ўзи ўқиган мактаб биносини қайта қурдирган, қишлоқдаги Иморатбобо қабристонини обод қилишга бош бўлган ва ҳоказо. Сўнг у киши чўнтагидан эскириб кетган бир ҳужжатни олдилар. Бу мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш учун Комилжон Отаниёзов давлат банкининг Шовот тумани бўлимига 5000 сўм топширгани ҳақида тўлов далолатномаси эди. Бугунги ёшлар учун бу қўлнинг кири бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ ўша вақтда бу пулга бемалол битта «Волга» олиш мумкин эди!

Ҳа, у инсоннинг санъати бир дунё, одамийлиги яна бир дунё бўлган. Нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб Шарқ мамлакатларида, қўшни юртларда маълуму машҳур бўлган санъаткордан ана шундай улкан бир мактаб қолди, бизга. Унинг санъатдан қурган кошонаси ҳалиҳала мустаҳкам, сайқал топса тополадики, нурамайди.

Ҳофиз сайқал берган Хоразм сувораси янграганда эса кўнгил гўё кенг бир уммон узра балқийди. Бу уммонда қалқиб-қалқиб кетар экансиз, оҳанрабо наво қанотларига осилиб, хаёл оламида парвоз қиласверасиз. Наволарга жойланган умрнинг, буюкликнинг ҳар бир саҳифаси кўпдан-кўп ибратга, ҳикматга тўла.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ.

16 Қўшиқларда Ватан мадҳи

Шоир Қўзи Исмоилнинг «Бир Ватан бор...» деб номланган мазкур шеърида туғилиб ўсган юртга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғуси равон мисраларда ифода этилган. Ушбу шеър сизга ҳам манзур бўлади, деган умиддамиз.


БИР ВАТАН БОР...

Бир Ватан бор, ҳур Ватан.
Мустақил, мағрур Ватан.
Эл аро машҳур Ватан.
Шул Ватан жоним менинг,
Ўзбекистоним менинг.

Асли мозийдан келур,
Тарихи Турон эрур.
Шони шуҳрати Темур,
Шул Ватан жоним менинг,
Ўзбекистоним менинг.

Марди бор, майдони бор,
Эл севар посбони бор,
Беғубор осмони бор.
Шул Ватан жоним менинг,
Ўзбекистоним менинг.

Боғлари булбул макон,
Тоғлари олтинга кон,
Асли жаннатдан нишон.
Шул Ватан жоним менинг,
Ўзбекистоним менинг.



КИНО ОЛАМИДА

«СУДХЎР»

Кейинги пайтда мамлакатимиз кино саноатида янги-янги фильмлар олиниш баробарида уларнинг савияси ҳам бир қадар ошиб бормоқда. Бу жараёнда бугунги кунда хусусий студиялар билан бир қаторда давлат студияларининг ҳам фаоллиги яққол кўзга ташланиб қолди. Яқинда «Ўзбектелефильм» студиясида яна бир янги картина суратга олинди. Шуниси эътиборлики, студия ижодкорлари бу сафар ўзбек адабиётининг мумтоз дурдона асарига мурожаат қилишди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, истеъдодли режиссёр Баҳодир Аҳмедов Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асари асосида «Судхўр» номли янги сериал олишга муваффақ бўлди. Шу йилнинг бошида кўҳна Бухорода бошланган суратга олиш ишлари эллик уч кун давом этди. Деярли икки ярим ой давом этган вақт ичида ижодий гуруҳ тинимсиз ишлади. Суратга олишнинг ўзига яраша мураккабликлари мавжуд. Бунинг устига қаҳратон қишнинг аёзи этни жунжиктиради. Мана шундай мураккабликларга қарамай ижодкорлар сермаҳсул иш юритишди. Асосий суратга олиш майдончалари ҳисобланган Бухоро мадрасаси, Чор Бакр, Лаби Ҳовуз ва С.Айнийнинг уй музейига дизайнерлар томонидан ўша давр руҳи берилди. Бу эса ўз навбатида экрандаги воқеаларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилди.

– Шундай улкан ишни ниҳоясига етказганимдан хурсандман, – дейди фильм режиссёри Баҳодир Аҳмедов. – Биринчи марта мумтоз адабиётимизга мурожаат қилишим эди. Шу боис бошида анча қўрқув ва ҳаяжон бўлди. Тарихий либослар билан суратга олиш анча мураккаб бўлиб, бизнинг олдимизда ўтмиш даврни жонлантиришдек масъулиятли вазифа турар эди. Мазкур асарда очиб берилган мавзу бадиий ва айни пайтда замонавийдир ҳам.

Фильмнинг асосини ташкил этувчи тушунчалар сифатида инсониятнинг азалий маънавий қадриятлар бўлмиш – ишонч, виждон, ҳақиқат, ҳамдардлик, олижаноблик ва ўз ўрнида яна боқий муҳаббат каби фазилатлар бош мавзу сифатида биринчи планга кўчди. Режиссёр аввалги – «Лафз», «Иймон» фильмлари сингари ушбу картинада ҳам ғоявий асос сифатида Имом ал-Бухорийнинг ҳадисларига кенг мурожаат этди.

– Виждон, иймон, муҳаббат билан яшаш менинг ҳаётий аъмолларимдандир, – дейди у. – Ана шу аъмолларимни янги картинамда ҳам имкон қадар ифодалашга ҳаракат қилдим.

Аслида, «Судхўрнинг ўлими» повести, ундаги улкан маҳорат билан яратилган образлар қудратини Бальзак, Гоголь каби жаҳонга машҳур адиблар асари билан тенглаштирган ижодкор мазкур асарни экранлаштиришни анча эрта ўйлаганди. Шу боис шундай истеъдодли, сатирик-гроеск ёзувчининг асари кеча шу пайттача ўзбек киносаноатининг плёнкаларидан жой олмаганлигига ажабланганча енг шимариб ишга киришди. Ушбу асарни суратга олиш масъулияти унга юклангандаги ижодкорларнинг қувончини айтмайсизми?

Повестни ўқиган ҳар бир китобхонга ўзича тасаввур қилган Қори Ишкамба ролини қайси актёр ўйнагани қизиқ туюлса керак. Режиссёр бу образни талқин қилиш учун Ўзбекистон халқ артисти, Фарғона вилояти театрининг бош режиссёри Муҳаммадсоли Юсуповни таклиф қилиб янглишмаганди. Кўп қиррали ижодкор ҳатто ушбу образни режиссёр кутганидан-да, ортиқ даражада уддалади. Яна шуни таъкидлаш керакки, Айний асарида хасислик билан тасвирланган аёллар қиёфаси ҳам образларда анча ёркинроқ акс эттирилган. Мана шундай аёллар ролларини бўлган Судхўрнинг хотинлари қиёфасини таниқли актрисалар – Гулчеҳра Саъдуллаева, Гуландон Меликулова, Муножат Алимбоевалар маҳорат билан очиб беришган.

Асар муаллифининг прообрази бўлган Садриддин ролини Миллий театрнинг ёш ва умидли актёрларидан бири бўлган Баҳодир Мусаев ижро этди. Айтиш керакки, бу Баҳодирнинг кинодаги дебют иши бўлишига қарамай, у ўз вазифасини ниҳоятда кўнгилдагидек уддалаган.

Тарихий кўп қисмли фильмда ишлашнинг ўзига яраша қизиқарли томонлари ҳам кўп бўлганлиги боис, фильм ижодкорлари ҳар бир кадрга фидойилик билан ёндашишган. Айниқса, бу ерда профессионал постановкачи-оператор Марат Солиевнинг маҳоратини алоҳида қайд этмоқ лозим. Ижодкорнинг «Лафз», «Жумбоқ», «Қабоҳатга қўйилган тузоқ» каби бадиий, «Латиф Файзиев», «Муқаддас пойтахтимиз» сингари ҳужжатли фильмлари орқали маҳорати кўпчиликка яхши таниш. Фильмдаги актёрлар ҳолатини акс эттиришидан ташқари, мизан саҳналарни яратишда маҳорати алоҳида диққатга сазовор.

Ушбу картинани «Ўзбектелефильм» студияси тарихидаги кенг миқёсли тарихий асар десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки амалда 2 та бош қаҳрамондан ташқари 16 та асосий ва 50 нафарга яқин иккинчи даражали персонажлар мавжуд. Албатта булар оммавий саҳналардан ташқари ҳолат. Оммавий саҳналарни яратишда Бухоро давлат университети ҳамда шаҳардаги коллеж талабалари яқиндан ёрдам беришди. Бундан ташқари, киноасарни яратишда Бухоро театри актёрлари ҳам фаол иштирок этишди.

Кўп қисмли «Судхўр» фильм сценарийси таниқли публицист ва ёзувчи Набижон Боқий томонидан ёзилган. Айни пайтда картинанинг монтажи ва овоз ёзиш ишлари қизғин давом этмоқда. Фильм ижодкорлари янги йилга қадар ушбу сериални «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали намойиш қилишни мўлжаллашган.

Карина ҚУРБОНОВА.



Наталья ЛАПТЕВА расми.

ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

(Тарихий ҳикоя)

Улар қил-қизил лолалар ва кўм-кўк чучмомалар ястаниб ётган адирда ёлғиз эдилар.

– Сени жуда соғиндим, Зарина!

Йигит энтикиб, рўпарасидаги қирмизи лолани ҳидлаб, завқланаётган қизга илтижо билан боқди.

– Мен ҳам, Спарганиз.

Қиз бу сўзларини нигоҳини ерга тикиб шивирлади. Сўнгра меҳр шуълаланган шаҳло кўзлари билан сўзида давом этди:

– Ўша кундан бери алланечук ҳислар оғушидаман, Спара!

Энди йигирма баҳорни қаршилаётган Спарганиз бундан икки ой муқаддам бўлиб ўтган воқеани ширин титроқ ила эслади. Зарина онаси – саклар маликаси Спаретра билан уларникига меҳмон бўлиб келишди. Спарганизнинг онаси – массагетлар маликаси Тўмарис қадрдон дугонаси шарафига катта базм уюштирди. Сайхонликда ўйин-кулги авжига чиққанда улар овлоқ жойга кетишди. Ўшанда улар ўртасида қандайдир яқинлик пайдо бўлди. Кейин Зарина кулиб, уни ўзаро курашга таклиф қилди. Бу йигит қалбини ниҳоят тўлқинлантириб юборди. Чунки, бу таклиф севги нишонаси эди. Кимнинг кураги ерга тегади? Сак ва массагетларнинг одатига кўра ким енгса, келинми ё куёв, ўша унинг қўлида қул бўлиб қолади.

Сайхонликда ўйин-кулги авжига чиққанда улар овлоқ жойга чиқиб кетишди. Ўзларича мусобақа уюштиришмоқчи бўлишди. Кимнинг кураги ерга тегади? Ким зўр? Ким қулу, ким хўжайин бўлади?

Олишув чиндан ҳам табиий бўлди. Лекин Спарганиз қизнинг белидан қучиб кўтарганида ўзида қандайдир кучли ғалаён сезди. Заринада ҳам шундай ҳол юз берди. Йигит негадир унга таслим, унга қул бўлишни истади. Бу ғурурдан устун куч уни йиқилишга ундади. Зарина унга энгашиб белидан кўтарганида эса...

Ўша оқшом иккиси базмхонага кеч қайтишди. Ҳозир у Заринага боқаркан, яна ўша сеҳрли олов қалбини ёндирди. Бу олов шуъласини у Заринада ҳам кўрди.

●

Амударё соҳилига қўр ташлаган Кирёвуш лашкарбошилари машваратини чақирди.

– Бу ёввойи массагетлар худди саклар каби қайсар, – деди Эрон шоҳи, – уларни авраб, қўлга ўргатиш лозим.

Саркарда Мардоний бош чайқади.

– Улар билан қилич тилида гаплашмоқ даркор, шаҳаншоҳи олам.

– Найзалар билан, – қувватлади уни юнон ёлланма аскарлари қўмондони Теодаракис.

– Шошган қиз эрга ёлчимас, – деди бош маслаҳатчи Гобрия, – аввал шаҳаншоҳ фикрини тинглаб, мағзини чақинглар.

Кирёвуш унга миннатдор нигоҳ ташлади.

– Эшитишимча, – деди шоҳ табассум билан, – уларнинг маликаси бева эмиш. Ўзи ёш ва гўзал эмиш...

Саркардалар ўртасида жонланиш бошланди.

– Исми ҳам жисмига монанд – Тўмарис эмиш.

–Тамирамида!

Кирёвуш бироз сукут сақлаб, сўнг давом этди.

– Унга уйлансам, қандоқ бўларкин-а? – барча бир-бирига қараб лол қотишди.

– Тасанно, шаҳаншоҳ,– деди қарсак уриб Гобрия, – бир ўқ билан икки қуённи уриш бу!

Демак , келишдик. Энди совчиликка кимни юборамиз?

Гобрия чеккада ўйчан ўтирган маслаҳатчи мулозим Крезга қаради.

– Малика ҳузурига подшони юборамиз. Собиқ Лидия подшоси Крезни!

Қуш тилини қуш тушунади, ахир.

– Тараддудингни кўравер, Крез, – деди амирона Кирёвуш.

– Шаҳаншоҳимиз қачондан бундай сулҳпарвар бўлиб қолдилар? – секин сўради Мардоний Гобриядан, Эрон ҳукмдорининг кўз-қулоғи бўлган махфий хизмат бошлиғи унга маънодор нигоҳ ташлади.

Мардоний билдики, ўша бундан бир неча йил аввал бўлиб ўтган воқеадан Кирёвуш ўзича хулоса чиқарибди. Урушлардан бирида сак подшоси Аморг Кирёвуш томонидан асирга олинди. Уни тантана билан Кирополга қимматбаҳо ўлжа сифатида олиб келмоқчи бўлганида тўсатдан катта лашкар олдидан чиқади. Шиддатли жанг бўлади, форслар орқага чекинишга мажбур ҳолда ўлжани қолдириб кетишади. Бу лашкарга Аморгнинг хотини Спаретра қўмондон экан. Унинг қўшинида эркаклар қатори аёллар ҳам кўп бўлган. Лекин улар йигитлардан қолишмай жанг қилишган.

– Шаҳаншоҳимиз ўшандан буён улардан ҳайиқиб қолганлар. Тўмариc ҳам ўша сак. Кирёвуш шундан чўчимоқда.

Гобрия унга яна сирли боқиб, қўшимча қилди.

– Аниқлашимча, Тўмарис Спаретранинг дугонаси эмиш, яқинда улар қуда бўлишмоқчи экан.

Мардоний хандон уриб кулди.

–Қўшалоқ тўй қилар эканмизда, шаҳаншоҳимиз ҳам хотинли, ҳам келинли бўлар эканларда, ҳа-ҳа-ҳа!

Ҳамдам СОДИҚОВ.
(Давоми бор).

ТАНЛОВНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ташаббуси билан «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзуида энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар танловининг вилоят босқичи якунланди.

Истиқлол йилларида барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларни тараннум этиш, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат – мустақиллик, Ватанга муҳаббат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида ташкил қилинган танловда шаҳар ва туманлардан йигирмага яқин истеъдодли хонанда иштирок этди.

М.Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтган танловда ҳар бир иштирокчининг чиқиши санъат ихлосмандлари томонидан қизғин кутиб олинди. Айниқса, ҳаваскор хонандалар – чироқчилик Фароғат Йўлдошева ҳамда Қарши шаҳридан Отабек Мўминов ижросидаги она юрт мадҳ этилган қўшиқлар барчага манзур бўлди. Бу ёш истеъдод эгалари танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Кейинги ўринларга якқабоғлик Алишер Нурматов ва китоблик Дилшод Очилов муносиб топилди.

Танловда, шунингдек, «Энг яхши шоир», «Энг яхши бастакор», «Энг яхши ижрочи» ва «Энг яхши хонанда» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

А. МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Алижон Итолмасович САФАРОВ, майор Хайритдин Нуриддинович ЗАЙНИЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. Буюртма № G-3865. Адади 24840.